

# MURABBIY MAHORATI

2015-yil 1-son  
ISSN

ILMIY-METODIK JURNAL

Мастерство наставника  
Skill of the mentor

**Бош муҳаррир:**  
Норбек ТАЙЛАКОВ

**Масъул котиб:**  
Маҳмуд ШОНИЁЗОВ

**Саҳифаловчи**  
Шоҳинур МИРЗАЕВ

**Таҳрир хайъати:**  
Улуғбек ИНОЯТОВ  
Дилшод КЕНЖАЕВ  
Иброҳим ИСМАТОВ  
Мақсуд ЮЛДАШЕВ  
Сарвар МАҲМУДОВ  
Узоқбой БЕГИМҚУЛОВ  
Солиҳ ТОШПЎЛАТОВ  
Татлымурат АТАМУРАТОВ  
Муқаддас АБДУЛЛАЕВА  
Сафибулло АБДУЛЛАЕВ  
Амрулло САФАРОВ  
Рўзимурод ЧОРИЕВ  
Азамат КУРАҲМЕДОВ  
Умарали ҚОДИРОВ  
Ғайрат ҚОДИРОВ

**Жамоатчилик кенгаши:**  
Баҳтиёр ДОНИЁРОВ  
Муҳаммад ҚУРОНОВ  
Рисбой ЖЎРАЕВ  
Шавкат ШАРИПОВ  
Ислон ЗОКИРОВ  
Элёр АКБАРОВ  
Собитхон ТУРҒУНОВ  
Фаҳриддин ЭСАНБАБАЕВ

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги  
Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини  
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини  
ошириш институти



Журнал Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлиги томонидан  
11.06 2015 йилда 0850-сонли  
гувоҳнома билан рўйхатга олинган

Журнал макети таҳририят матбаа  
бўлимида тайёрланди  
Журналдан кўчириб босилган мақолалар  
“Мураббий маҳорати”дан олинди, деб  
ёзилиши шарт. Таҳририятга келган  
кўлёзмалар тақриз қилинмайди. Мақолада  
келтирилган маълумотларга муаллиф  
жавобгар.

Таҳририят манзили: 100031, Тошкент шаҳри,  
Яккасарой тумани, Миробод кўчаси, 14-уй,  
Тел/факс: 71-215-50-94,  
e-mail: mmmn2015@inbox.uz

Босмахонага 30.10.2015 йилда топширилди.  
Офсет усулида чоп этилди. Қоғоз бичими  
60x841/8 Шартли босма тобоғи 4,6. Босма  
тобоғи 4

*Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини  
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини  
ошириш институти босмахонасида чоп этилди.  
Адади 500.*

## КИРИШ СЎЗИ ЎРНИДА

**Ф**арзанднинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш, уни юксак маънавиятли баркамол авлод қилиб тарбиялаш халқимизга хос фазилатдир. Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар айнан ана шу мақсадни кўзлайди. Юрт келажаги учун қайғурадиган, ватанпарвар шахсни камол топтиришда таълим муассасаларининг, хусусан, мураббий-ўқитувчиларимизнинг ўрни беқиёс. Юртбошимиз И.А.Каримовнинг 2015



йил “1 октябрь – Ҳўқитувчилар ва мураббийлар куни”га бағишлаб айтган байрам табригида: “...сиз менинг ёрдамчиларим, маслаҳатчиларимсиз...”, – деганида, ўқитувчи шаънига айтилган бундай юксак эътироф, бугун мамлакатимиз ўқитувчилари қалбида чексиз фахру ифтихор билан бирга яна катта масъулият ҳиссини пайдо қилган бўлса ажаб эмас. Жамият келажагида ёш авлод таълим-тарбияси нечоғлик муҳим аҳамият касб этишини ҳис этиб, ўз касбига фидокорона ёндашган мураббий – ҳақиқий, маҳоратли мураббийдир.

Мураббий маҳорати бу – изланиш, ижодий меҳнат маҳсули. У бир қолипдаги иш услуги эмас, балки у ҳар бир Ҳурматли муштарий! Маҳоратли мураббийлар фаолияти, уларнинг ишларини, тадқиқотларини республика миқёсида ҳам оммалаштириб боришни мақсад қилган “Мураббий маҳорати” журналининг илк сони қўлингизда. Ушбу журнал мақсадли фаолияти давомида, узлуксиз таълим тизимини узвийлигини таъминлашда замонавий ёндашувлар, юксак салоҳиятли кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг шарт-шароитлари, таълимда инновацияларнинг айна дамдаги аҳамиятига бағишланган мавзулар, муаммо ва ечимларни ёритиб боришни ҳам кўзлаган. Ўз касбининг жонкуяри, маҳоратли Сиз каби таълим ходимларини ҳам журналимизнинг навбатдаги сонларида ўз сўзингиз, мустақил ва эркин фикрингиз ифода этган мақолаларингиз билан дадил иштирок этишга чорлаб қоламиз. Тилагимиз, маҳоратли, изланувчан, тадқиқодчи педагоглар сафини янада кенгайтириш ва таълим жараёнида эзгу мақсадларни биргаликда амалга ошириш учун бирдамликка чорлашдир.

Таҳририят

**МУНДАРИЖА****АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ**

Норбек ТАЙЛАКОВ. Халқ таълими тизими педагог кадрларини масофавий малака оширишини жорий этишнинг айрим жиҳатлари .....	5
АМИНОВ И.Б. Узлуксиз таълим тизимида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари ва самарадорлиги .....	7
Баҳром ПУЛАТОВ. Таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш: ютуқлар ва муаммолар.....	11
Аброр АСҚАРОВ. Халқ таълими тизими педагог кадрларини масофавий малака оширишини жорий этишнинг айрим жиҳатлари.....	13

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ**

Гулсанам ИБРАГИМОВА. Олий таълим тизимида талабаларни интерфаол технологиялар асосида ижодий фаолиятга тайёрлаш масалалари.....	17
---	----

**ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

Навбахор САЛАЕВА, Хусаин БЕКЧАНОВ. Мактаб ўқувчилари билан ишлашда индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш масалалари.....	20
Санобар СИДДИКОВА. Талабаларда мультимедиали ахборот технологияларидан фойдаланиш сифатларини шакллантириш .....	22

**МАЛАКА ОШИРИШ**

Муҳаммадий УСМОНОВ. Ҳуқуқий билимлар бўйича малака оширишни такомиллаштириш истиқболлари.....	24
---	----

**МЕТОДИКА**

Дилноза АБДУЛЛАЕВА. География дарсларида топонимлардан фойдаланиш .....	26
Nigora EGAMBERDIYEVA, S.X.YESBERGENOVA. Tarixni davrlashtirish masalalari.	29

**АХБОРОТ ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИ**

Уролбой МИРСАНОВ. Глобал интернет тармоғидаги ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш муаммолари.....	31
---	----

**ПЕДАГОГИКА**

Роҳатой САФАРОВА, Феруза ЮСУПОВА, Наргиза ДИЛОВА. Педагогик ҳамкорликнинг концептуал асослари .....	32
Шахноза ТАЙЛАКОВА. Медиатаълим ва замонавий педагог.....	36
Моҳира ХОЛИҚОВА. Учинчи мингйилликнинг концептуал хусусиятлари асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш муаммолари	38

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ**

Шерзод УРАКОВ. Касб-ҳунар коллежларига ўқитувчиларни инновацион	
---	--

тайёрлашда компетент ёндашувнинг ижтимоий-педагогик асослари ..... 41

### **ТАЪЛИМНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ**

Маргарита ЦОЙ, Нигора ЭРГАШЕВА, Рахимжон СОЛИЕВ. Многоуровневый подход к изучению иностранного языка на основе использования метода проектов ..... 43

### **ИНТЕРНЕТ ОЛАМИ**

Сарвар МЎМИНОВ. Интернет тармоғидаги компьютер ўйинлари ва уларнинг ёшлар маънавиятига таъсири ..... 46

# ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ МАСОФАВИЙ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИНГ ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ

Норбек ТАЙЛАКОВ,

Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори, педагогика фанлари доктори, профессор,

*Аннотация. Мақолада халқ таълими ходимларини масофавий қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг электрон тизими, яъни портал яратиш гоёси бўйича илмий асосланган таклифлар келтирилган.*

*Калит сўзлар: Веб-форум, видеоконференция, масофавий таълим, масофавий курс, чат, электрон қайта тайёрлаш ва малака ошириш, электрон почта, эълонлар тахтаси.*

*Аннотация. В статье приведены научно-обоснованные предложения по созданию портала - электронных систем дистанционного переподготовки и повышения квалификации работников народного образования.*

*Ключевые слова. Веб-форум, видеоконференция, дистанционное образования, дистанционный курс, чат, электронное переподготовки и повышение квалификации, электронная почта, доска объявления.*

*Annotation. In article it is brought scientifically-motivated offers on making the portal - an electronic systems of the remote refresher course and increasing to qualifications workman public education.*

*The keywords. Web-forum, video conference, remote formation, remote course, chat, electronic refresher course and increasing qualification, e-mail, board of the announcement.*

Халқ таълими ходимларини масофавий қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ягона электрон ахборот-таълим муҳитини яратиш ва жорий этиш бугунги кунда халқ таълими тизимида ҳал этилиши лозим бўлган асосий муаммолардан бири ҳисобланади [1-5].

Электрон қайта тайёрлаш ва малака ошириш (ЭҚТМО) – бу Интернетдан фойдаланган ҳолда қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимининг электрон ахборот-таълим муҳити, технология ва шакли бўлиб, у замонавий телекоммуникация ва ахборот технологиялари асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ташкил этилади.

ЭҚТМО халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш институтлари фаолиятини ахборотлаштириш бўйича мувофиқлаштиради ҳамда масофавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим дастурларини амалга ошириш имконини беради.

ЭҚТМО мультимедия ва WEB – технологиялари асосида ўқув-услубий ва технологик базага, замонавий компьютер воситалари ва лицензияланган дастурий таъминотга эга бўлади. Бинобарин, улар ёрдамида қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтларининг бошқарув жараёни услубий ва технологик жиҳатдан қувватланади.

ЭҚТМОни ташкил этишда масофали таълим соҳасида тажрибага эга бўлган, жумладан, телевидион мулоқот, ўқув жараёнини ташкил этишда ахборот узатиш соҳасидаги мутахассислар, Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институтининг ҳамда

вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти (ВХТХҚТМОИ) масофавий малака ошириш маркази муҳандис-техник персоналлари, маълумотлар омборини ташкил этишда малака ошириш институтлари бошқарув тизими соҳасидаги мутахассислар жалб этилади. Шу жумладан, малака ошириш фаолиятини дастурий таъминотда тўлиқ акс эттириш учун дизайнер, психолог ва фан мутахассислари иштирок этишлари назарда тутилади.

ЭҚТМО фаолиятини мувофиқ-лаштиришда вазирликнинг Педагог кадрлари тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда таълим-тарбия жараёнига ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими мутахассислари, шунингдек, ахборот ва таълим технологиялари соҳаси бўйича мутахассислар, тингловчилар ҳам қатнашадилар.

Бугунги кунда халқ таълими вазирлиги тизимидаги қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтлари фаолиятида иқтидорли педагог ва компьютер дастурчиси Мартин Даугимас томонидан яратилган электрон малака оширишнинг MOODLE ўқитишни бошқариш тизимидан фойдаланилмоқда [6].

Электрон малака оширишни ташкил қилишда туркум муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- техник (компьютер ва техник қурилмалар, алоқа каналлари билан таъминлаш);
- ташкилотчилик (юқори малакали бошқарувчи, мутахассислар билан таъминлаш);
- услубий (кўргазмали қурооллар, маърузалар матни, мультимедия, анимация, тест маълумотлари билан таъминлаш).

ЭҚТМОни яратишда юзага келадиган муам-

молар куйидаги хусусиятлари билан характерланади:

- яратилаётган тизим қанчалик малака ошириш институтлари ходимлари, профессор-ўқитувчилари, тингловчиларига мўлжалланганлиги;

- тизимда фойдаланувчи, бошқарувчи, администратор интерфейсларининг ташкил қилиниш даражаси;

- ЭҚТМО ташкил этилишида керакли ускуналар - сервер, Интернетга чиқиш каналлари, дастурий таъминотлар учун минимал ва максимал талаблар таъминланганлик даражаси;

- тузиладиган тизим республика ва хорижнинг етакчи таълим муассасаларида қўлланилаётган бошқа дастурлар билан мос тушиши ва қабул қилинган халқаро меъёрларга тўғри келиш даражаси;

- тизимдан фойдаланувчилар учун қўлланма, фойдаланувчининг ёрдам ойнаси ва бошқа қўшимча имкониятларнинг мавжудлик даражаси;

- тизим билан ишлашда керак бўладиган ходимлар сони, тизимни ўрганиш ва қайта ишга тушириш жараёни;

- тизимда ўқув курсларига мультимедиавий компонентлар ва тасвирий иллюстрацияларни қўшиш имконияти мавжудлик даражаси;

- порталдан фойдаланувчилар ва муаллифлар гуруҳи (ёки бошқарувчи) ўртасида алоқа ўрнатишни ташкил қилиш (ички электрон почта, эълонлар тахтаси, чат, веб-форумлардан фойдаланиш мумкинлик) даражаси.

Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ахборот таълим муҳити ва электрон бошқарув тизими - ЭҚТМО яратишдан мақсад куйидагилар:

- малака ошириш институтларини ЭҚТМО порталидан фойдаланиш учун керакли ускуналар - сервер, Интернетга чиқиш каналлари, видеоконференция ўтказиш учун қурилмалар, дастурий таъминотлар билан таъминлаш;

- малака ошириш институтлари ўртасида узвий электрон алоқа - ахборот алмашишни йўлга қўйиш;

- малака ошириш институтларида ўқув-услубий технологик таъминотни замонавий электрон тизим асосида шакллантириш;

- таълим ресурсларини тўлиқ электрон матнли ресурслар билан, илмий таълим ресурслари билан, ўқув услубий материаллар билан доимий тўлдириб бориш орқали мазкур маълумотларни ҳудудий малака ошириш институтларига узвий етказишни таъминлаш;

- малака ошириш тизимида масофавий технология асосида тингловчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ва электрон сертификат(диплом) бериш тизимини шакллантириш;

- замонавий телекоммуникация ва компьютер технологиялари асосида малака ошириш институтлари профессор-ўқитувчиларига, тингловчиларига масофадан туриб зарурий ахборот ресурслари базасидан фойдаланиш имкониятини яратиш;

- видеоконференцалоқа технологияси асосида малака ошириш институтлари ходимлари, профессор-ўқитувчиларининг маърузаларини, ўқув-услубий материалларини масофали таълим технологияси асосида ҳудудларга ва тингловчи-

ларга узатиш;

- видеоконференция, чат ва форум орқали турли семинарлар, ўқув курсларини ташкил этиш;

- малака ошириш институтларининг етакчи профессор-ўқитувчиларининг нуфузли илмий ва илмий-методик ишларини электрон мақола сифатида нашр этиб, уларни оммалаштириш.

ЭҚТМОни яратиш мақсадидан келиб чиқиб куйидаги вазифалар белгиланади:

- ЭҚТМО порталидан фойдаланувчилар (малака ошириш ходимлари, малака ошириш институтлари ходимлари, профессор-ўқитувчилари, тингловчилари)ни кенг фойдаланишлари учун малака ошириш институтларини компьютер ва техник қурилмалар, алоқа каналлари билан таъминланганлик даражасини аниқлаш ва таъминлаш чораларини белгилаш;

- ЭҚТМОни халқаро интернет тармоғига жойлаштириш;

- ЭҚТМО порталидан фойдаланувчилар ва муаллифлар гуруҳи (ёки бошқарувчи) ўртасида узвий алоқа ўрнатишни ташкил қилиш, яъни ички электрон почта, эълонлар тахтаси, чат, веб-форумлардан фойдаланиш имкониятини яратиш.

ЭҚТМО дастурий платформаси минимум куйидаги қисмлардан таркиб топади: Асосий, Ўқув, Илмий, Тарбия, Дарсликлар, Тингловчилар, МОИлар, Янгиликлар, Форум, Сертификат.



1-схема. “Электрон қайта тайёрлаш ва малака ошириш” порталининг намунавий таркибий тузилмаси (1-схемада келтирилган).

Шундай қилиб, тақлиф этилаётган тизим халқ

таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари фаолиятига жорий қилинса, халқаро интернет тармоғида илк бор ХТХҚТМОИларинг ягона ахборот таълим муҳити ва электрон бошқарув тизими яратилади.

Шунингдек:

- институтлар замонавий компьютер техникалари ва видео-конференцалоқа воситалари - сервер, интернетга чиқиш каналлари, видеоконференция ўтказиш учун қурилмалар, дастурий таъминотлар билан таъминланади;

- марказий ва вилоят малака ошириш институтлари ўртасида узвий электрон алоқа - ахборот алмашиш йўлга қўйилади;

- марказий ва вилоят малака ошириш институтларида ўқув-услубий, илмий, тарбиявий жараён замонавий электрон тизим асосида шакллантирилади;

- марказий ва вилоят малака ошириш институтлари профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари зарурий ахборот ресурслари базасидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар;

- замонавий ахборот коммуникация технологиялари асосида педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш имкони яратилади;

- видеоконференцалоқа технологияси асосида малака ошириш ходимлари, профессор-ўқитувчиларининг маърузаларини масофали таълим асосида ҳудудларга узатиш имкони яратилади;

- видеоконференция, чат ва форум орқали турли семинарлар, ўқув курсларини ташкил этиш имкони яратилади;

- малака ошириш институтлари етакчи профессор-ўқитувчиларнинг нуфузли илмий ва илмий-методик ишлари электрон мақола сифатида нашр этилади, уларнинг ишларини оммалаштириш имкони яратилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Тайлақов Н.И. Таълим тизимида замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг истиқболлари Таълим ва тарбия. –Т.: –2002. –№1–2. –Б. 27–30.

2. Тайлақов Н.И. Масофали ўқитиш курсларининг модел ва шакллари Халқ таълими. –2004. –№2. –Б. 85–89.

3. Тайлақов Н.И. Халқ таълимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш – таълим сифатини оширишнинг омили сифатида Халқ таълими. –2005. –№5. –Б. 16–20.

4. Тайлақов Н.И. Организация дистанционных курсов по информатики для средних школ Республики Узбекистан// «Ахборот–коммуникациялар технологиялар асосида электрон ўқув адабиётларини яратиш: тажриба, муаммо ва истиқболлар» республика илмий–амалий анжумани маърузалар тўплами. –Т.: ТошДУ. 2004. –Б. 20–22.

5. Тайлақов Н.И., Низомхонов С.Э. Масофавий таълимга мўлжалланган интернетдаги порталлар. Физика, математика ва информатика. –2008. –№3.

6. Тайлақов Н.И., Тайлақова Д.Н., Низомхонов С.Э. Халқ таълими ходимларини масофавий малакасини оширишнинг электрон тизими ва уни такомиллаштириш муаммолари. Замонавий таълим. 2015 йил. №3.

## УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА САМАРАДОРЛИГИ

Истам АМИНОВ

Самарқанд давлат университети, доцент

*Аннотация. Бугунги кунда замонавий ахборот ва компьютер технологияларидан фойдаланиб ўқув жараёни самарадорлигини ошириш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу вазифани амалга ошириш учун эса таълим тизимини ташкил этиш ва бошқаришда ахборот технологиялари воситаларидан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш лозим. Ушбу мақолада узлуксиз таълим тизимида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари, масалалари, уларни ечиш усуллари ва самарадорлиги кўрсатилган.*

*Калит сўзлар: ахборот технологиялари, таълим тизимида ахборот технологияларининг ўрни, ахборот технологиялари – ўрганиш, ўқитиш, бошқариш ва илмий салоҳиятни ошириш воситаси, мультимедия технологиялари, электрон ўқув адабиётлари, масофадан ўқитиш тизими, Интернет тармоғи, самарадорлик омили.*

*Аннотация. Сегодняшний день, повышения эффективности учебного процесса с применением информационных технологии являются одно из основных задачи образования. Для решения этой задачи нужно эффективно использовать информационные технологии для организации и управления системы образования. В статье рассмотрены основные направления применения информационных технологии в системе непрерывного образования, выделяются основные задачи, уровни их решение и эффективности.*

*Ключевые слов: информационные технологии, место информационных технологий в образовании, информационные технологии – объект изучения, обучения, управления и повышения научного потенциала, мультимедиа, электронные учебные пособие, система дистанционных обучении, основы эффективности.*

*Annotation. Today, increase an efficiency of educational process with the use of information technologies is one of the basic tasks of education. For the decision of this task it is necessary to use information technologies effectively and properly in the process of organization and management of the system of education. In this article the main directions of using the information technologies in the system of continuous education, the basic tasks, their efficiency and ways of decision are allocated.*

*Key words: information technologies, place information technologies in education, information technologies - object of study, training, management and increase of scientific potential, multimedia, electronic educational grant, system remote training, and basis of efficiency.*

Бугунги кунда барча соҳалар каби ўқув жараёнида ҳам компьютер ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш таълим тизимининг муҳим масалаларидан бири бўлиб, узлуксиз таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш жараёнида таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда [3]. Айни пайтда таълимга янги ахборот технологияларини кенг жорий этиш, ўқув муассасаларидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини замонавий талаб ва мезонлар асосида ташкил этиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилади. Айниқса, давлатимиз томонидан таълим жараёнини ахборотлаштириш ҳамда ўқув жараёнида ахборот-телекоммуникацион технологияларидан самарали фойдаланиш юзасидан кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, 2003 йил 11 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида»ги, Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012-йил 21-мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари таълим тизимини янги ахборот технологиялари воситалари асосида шакллантириш, замонавий таълим ахборот ресурслар ва порталлари яратиш ҳамда таълимни янада ахборотлаштиришда муҳим омил бўлмоқда [1,2].

Юқорида қайд этилган қонун ва қарорларнинг ижросини амалга ошириш учун ахборот-телекоммуникацион технологиялар ёрдамида узлуксиз таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш орқали ўқитиш ва ўрганиш жараёнини жадаллаштириш билан бирга, ўқувчиларнинг ҳар тарафлама ақлий фикрлаш ва тасаввурлаш малакаларини ривожлантириш, уларни замонавий ахборотлашган жамият-да мустақил фикрлаш ва ишлашга тайёрлаш, яъни ҳар қандай мураккаб жараёнларни амалга оширишда мустақил қарорлар қабул қилиш, ўзининг фикрини ва мулоҳазасини баён қилишга ўргатиш, тиришқоқ ҳамда изланувчанлик фаолиятини мукамал шакллантириш имконига эга бўлишдир.

Ана шу мақсадда узлуксиз таълим тизимида замонавий ахборот ва компьютер технологияларидан фойдаланиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади [4]:


а) ахборот-телекоммуникацион технологиялар ўрганиш объекти сифатида, яъни ўқувчилар, талабалар профессор-ўқитувчилар ҳамда ходимлар янги ахборот технологиялар, уларнинг таркибий қисмлари ва фойдаланиш соҳалари бўйича умумий тушунча, билим ва малакаларга эга бўладилар;

б) ахборот-телекоммуникацион технологиялар ўқитиш воситаси сифатида, яъни замонавий ахборот ва педагогик технологиялар асосида ўқув жараёни ташкил этилади, бошқарилади ва ўқувчиларга билим берилади ҳамда маъруза,

амалий ва лаборатория машғулоти компютерларнинг замонавий дастурий воситалари асосида амалга оширилади;

с) таълим жараёнини бошқариш воситаси сифатида, яъни таълим муассасасининг барча иш фаолияти, шу жумладан; ўқув, маънавий-маърифий ва илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш учун ахборотлаштириш, таҳлил ва башорат қилиш ахборот муҳитини яратиш;

д) талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик изланишларини амалга ошириш воситаси сифатида, яъни ўқув муассасасида ўқитувчи-профессор ва талабалар орасида илмий-тадқиқот ва педагогик изланишлар самарадорлигини ошириш учун замонавий ахборот тизимларини яратиш ва татбиқ этиш.



Ахборот технологияларидан ўрганиш объекти сифатида фойдаланиш узлуксиз таълим тизимининг барча бошқичлари учун муҳим бўлиб ҳисобланади:



Бунда таълим тизимида билим олаётган ўқувчилар, фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ҳамда барча ходимлар ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланишни ўрганиш ҳамда ўз амалий фаолиятида қўллаш олиш билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиши кўзда тутилади. Айниқса, мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида фаолият юргизаётган кўпчилик педагог-ходимларнинг компьютер технологияларидан фойдаланиш бўйича саводхонлиги талаб даражасида бўлиши учун, ҳар бир педагог ходимни бу масалага жиддий ёндошиши, интилиши, ҳаракат қилиши, компьютерни ўрганиш нафақат педагог, балки шахсий фаолияти учун зарурий эканлигини сезишига эришиш лозим бўлади.

Педагог ходимлар томонидан эгалланилиши лозим бўлган компьютер саводхонлиги ўз ичига жуда кўплаб билим ва кўникмаларни олади: компьютер технологиялари, уларнинг умумий тузилиши ва ишлаши тўғрисида умумий тушунчалар; таълим тизимида замонавий дастурий воситалар ва улардан фойдаланиш; дастурий воситалар ёрдамида педагогик фаолият учун зарур ҳужжат ва материалларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш; Интернет тармоғи электрон почта ишлашни ўрганиш ва фойдаланиш.

Бу билим ва малакалар эса дидактик материалларни ва педагогик фаолиятига оид ҳужжатларни тайёрлашда матн муҳарриридан

самарали фойдаланиш, электрон жадваллар ёрдамида унча мураккаб бўлмаган ҳисоблашларни бажариш, мультимедиа тақдимотларини тайёрлаш, Интернет тармоғи ичида маълумотларни излаш, топиш, қайта ишлаш, электрон почтадан фойдаланиш ва мулоқот қилиш имконини беради.

Ахборот технологиялар ўқитиш воситаси сифатида, яъни замонавий ахборот ва компьютер технологиялари асосида таълим муассасаларида билим берилади ҳамда маъруза, амалий ва лаборатория машғулоти компютерларнинг куйидаги замонавий дастурий воситалари асосида ташкил этилади[5]:

Бугунги кунда замонавий ахборот ва компьютер технологияларидан фойдаланиб ўқув жараёни самарадорлигини оширишнинг асосий воситалари сифатида компьютер, мультимедиа электрон қўлланмалар, интернет, электрон маълумотлар базаси, масофадан ўқитиш тизими асосида ташкил этиш ҳамда дарс жараёнида улардан кенг фойдаланиш куйидаги талабларга жавоб бера олиши лозим:

- фаннинг илғор ютуқлари, педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиш, дарсни ўқувтарбиявий жараённинг замонавий қонуниятлари асосида ташкил этиш;

- дарсда педагогик ва ахборот технологиялар ёрдамида барча дидактик тамойил ва қоидаларнинг оптимал нисбатларини таъминлаш;

- педагогик ва ахборот технологиялар асосида ўқувчиларнинг қизиқишлари, лаёқати ва талабларини ҳисобга олиш асосида улар томонидан билимларнинг пухта ўзлаштирилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш;


- педагогик ва ахборот технологиялар асосида ўқувчилар англаб етадиган фанлараро боғлиқликларни ўрнатиш;

- илгари ўрганилган билим ва малакалари, шунингдек, ўқувчиларнинг ривожланиш даражасига таяниш;

- педагогик ва ахборот технологиялар шахсининг ҳар томонлама ривожлантиришни мотивациялаш ва фаоллаштириш;

- педагогик ва ахборот технологиялар асосида ўқув-тарбиявий фаолиятнинг барча босқичлари мантиқийлиги ва эмоционаллигини ошириш;

- педагогик ва ахборот технологиялар воситалардан самарали фойдаланиш асосида зарур билим, кўникма ва малакалар, фикрлаш ва фаолият рационал усулларини шакллантириш, мавжуд билимларни доимо бойитиб бориш эҳтиёжини юзага келтириш;



- педагогик ва ахборот технологиялар асосида ҳар бир дарсни пухта лойиҳалаштириш, режалаштириш, таҳлил ва башорат қилиш.

Бугунги кунда таълим тизимида ахборот технологиялари асосида ўқитишнинг мультимедиа, масофадан ўқитиш, Интернет, кейс ва бошқа кўплаб замонавий технологияларидан фойдаланиш ҳамда ўқув жараёнини шу технологиялари асосида ташкиллаштириш орқали ўқувчилар куйидаги имкониятларга эга бўладилар:

- ноанъанавий манбалар, яъни интернет тармоғи ва турли сайтлардан фойдаланиб ўқиш, ўрганиш, мустақил билим олиш, ўз устида ишлаш ва билимини бойитиш;

- ўрганиш ва ишлаш фаолияти соҳаларини кенгайтириш, янги имкониятларни яратиш, изланувчанлик, ўзига нисбатан талабчанлик ва ижодий қобилиятларини намоён этиш;

- жамият ва фан техника тараққиёти натижасида рўй бераётган воқеа ва янгиликлардан доимо хабардор бўлиш ҳамда улардан амалий иш фаолиятларида фойдаланиш.


Ахборот технологиялари воситаларидан таълим тизимида фойдаланиш самарадорлиги ўқитувчиларнинг ўқув жараёнига шу технологияларни қўллашга оид билим ҳамда малакаларининг даражаси ва тажрибасига ҳам боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, ўқитувчиларнинг ўқитиш ёки бошқа фаолиятда юзага келадиган муаммоларни ечишда ахборот технологиялари бўйича билим ва кўникмаларини қатъиятлик билан қўллаш билиши, бундан ташқари таълим тизимида ахборот технологияларидан мукамал фойдаланиш учун асосий эътибор, энг аввало, ўқитувчига ва ўқувчига зарур бўлган шароитни яратиш ҳамда таълим-тарбия жараёнларида замонавий электрон ахборот ва услубий ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилиши лозим. Бунинг натижасида:

- ўқувчилар бевосита кўриб бўлмайдиган жараёнларни техник воситалар ёрдамида кузатади, яъни визуал кўриш амалга оширилади;

- ўқув материаллари чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштирилади;

- вақт тежаланиши, шу билан бирга, олинган билимлар амалда қўлланилади ва ўқувчилар хотирасида узоқ вақт сақланади.

Ахборот коммуникацион технологиялар таълим жараёнини бошқариш воситаси сифатида, яъни таълим муассасасининг барча иш фаолияти, шу жумладан ўқув, маънавий-маърифий ва илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш учун куйидаги кўринишдаги ахборотлаштириш, таҳлил ва башорат қилиш ахборот тизимини яратиш кўзда тутилади:



Ахборот тизими бўлажак мутахассислар, педагоглар ва таълим ходимлари учун услубий

муҳит яратиш, керакли ахборотдан самарали фойдаланиш, замонавий ахборот манбаларидан услубий ёрдам олиш, ўз касбий фаолияти юзасидан керакли билим, кўникма ва малакани шакллантириш учун хизмат қилади.

Узлуксиз таълим жараёнини бошқариш тузилмасининг ахборотлаштириш ҳамда таълим-тарбия бериш жараёнида умумий қонуниятларни ва анъаналарни ажратиш муҳим масала ҳисобланади, шунинг учун бошқариш тизимини ахборотлаштиришнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий жиҳатларини ечишда ҳисобга олиш керак бўлади.

Узлуксиз таълим жараёнини бошқаришнинг ахборот тизими биринчи навбатда ўқув жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш фаолиятини таъминлаш ва унга хизмат қилиши лозим.

Узлуксиз таълим тизимида, худди бошқа соҳалардек, бошқариш тизими тузилмасини тушуниб етишда, тизимли таҳлил, шу жумладан қарор қабул қилиш назариясидан узлуксиз равишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, улардан бошқариш тизимларини яратиш ва татбиқ этишда фойдаланиш учун барча функцияларни амалга оширадиган мукамал тизимларни яратиш имконини беради.

Ахборот коммуникацион технологиялар ўқувчилар, талабалар, профессор-ўқитувчи ва ходимларнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш ва изланишларини амалга ошириш воситаси сифатида, яъни ўқув муассасаларида профессор-ўқитувчи ва талабалар орасида илмий-тадқиқот ва педагогик изланишлар самарадорлигини ошириш учун замонавий ахборот тизимларини яратиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш назарда тутилади.

Педагогик-ҳодимларни мустақил билим олиши, илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириши, ўз устида мукамал шуғулланиши ва илмий-педагогик салоҳиятини ошириш учун қуйидаги дастурий тизимлардан фойдаланиш ўз самарасини беради:



Дастурий тизимини яратишнинг асосий мақсади ўқув-тарбиявий, илмий-педагогик жараён самарадорлигини ошириш ҳамда самарали бошқарув фаолиятини таъминлаш бўлиб, асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ўқув жараёнига ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш;
- илмий-тадқиқот ишларини лойиҳалаш ва бошқариш;
- профессор-ўқитувчилар ва ходимларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;
- кўшимча таълим турларини ташкиллаштириш ва бошқариш;
- ахборотлар тури ва ҳажмининг тез ўзгариб турадиган шароитда, ўқув юртини битирувчисининг

ижтимоий мослашиш имкониятини таъминлаш;

- талабалар ва ўқитувчиларни ахборот тизимига мослашишни, ўқув жараёнида ва кунлик иш фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни,

- ахборот маданиятини шакллантиришни ўргатиш;

- электрон ахборот тизимида қобилиятли ва билимли шахсни шакллантириш;

- талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг ўз устида мукамал узлуксиз ишлаши учун шароит яратиш;

- талабаларнинг мустақил ишлаши ва ижодий салоҳиятини ошириш учун шароит яратиш;

- ўқув жараёни бошқарувини юқори даражада автоматлаштиришни таъминлаш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, ахборот технологияларининг асосий воситаларидан узлуксиз таълим тизимида фойдаланиш натижа-сида қуйидагиларга эришиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- барча таълим тизимларида ўқитиш жараёнларини тезлаштириш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш учун янги ахборот ва педагогик технологиялари асосида дастурий тизимлар яратиш ва татбиқ этиш;

- ахборот-телекоммуникацион технологияларининг барча имкониятларини ҳамда дастурий воситаларини таълим соҳасига жорий этиш орқали унинг мукамаллиги, унумдорлиги, сифати ва самарадорлигини ошириш;

- ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда талабаларнинг мустақил ишлашини ташкил этиш ҳамда шу орқали уларни мустақил фикрлаш ва тасаввур қилиш фаолиятини кенгайтириш ва фаоллаштириш;

- ахборот технологиялар ёрдамида фанлараро алоқаларни чуқурлаштириш, шу билан бирга, замонавий технологияларни барча соҳаларга татбиқ этиш;

- тармоқ технологиялари асосида ўқитишнинг замонавий тизимларини, шу жумладан, масофадан ўқитиш тизимини яратиш, тадбиқ этиш ва такомиллаштириш.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида» 200-сон қарори, 6 июнь 2002 йил.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисидаги» 560-II сон қонуни. 11 декабр 2003 йил.

3. Ўзбекистон республикаси Президентининг «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори. 2012 йил 21 март.

4. Роберт И.В. *Современные информационные технологии в образовании: дидактические проблемы; перспективы использования* — М.: «Школа-Пресс», 1994 — 60 с.

5. Аминов И.Б., Номозов Ф.Ш. *Эффективность и перспективы применения информационных технологий в учебном процессе*. Научный журнал «Актуальные проблемы современной науки», Москва, 2014, № 3, стр.235-242.

# ТАЪЛИМДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР

Баҳром ПУЛАТОВ

Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти кафедра мудири.

*Аннотация: Мақолада ахборот-коммуникация технологияларидан таълим соҳасида фойдаланишнинг афзалликлари ва ўзига хос камчиликлари тўғрисида фикр юритилади. Таълим соҳасидаги ютуқларга ва айрим муаммоларнинг ечимларига эътибор қаратилади.*

*Калит сўзлар: ахборот, таълим, электрон ўқув материаллари, тест синовлари, диагностика, назорат ва баҳолаш, мультимедиа, компетенция.*

*Аннотация: В статье изучены некоторые преимущества и специфические недостатки применения информационно-коммуникационных технологий в образовании. Обращается внимание на достижения и на решения некоторых проблем применения информационно-коммуникационных технологий в сфере образования.*

*Ключевые слова: информация, образование, электронные учебные материалы, тестовые испытания, диагностика, контроль и оценивание, мультимедиа, компетенция.*

*Annotation. Some advantage and specific issues on using information-communication technology in education studied in the article. Special attention to be drawn to the achievements and solutions of some problems on using information-communication technology in sphere of education.*

*Key words: the information, education, electronic educational materials, tests, diagnostics, control and evaluation, multimedia, competence.*

Ахборот-коммуникация технологияларининг шиддат билан ривожланиши таълим соҳасида янги истиқболларни очмоқда. Таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда таълим ва ахборот-коммуникация технологияларининг уйғунлашуви асосида ўқитишнинг интеграллашган технологиялари шаклланимоқда. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш тўғрисидаги ўқув материалларини кенг қамровли, тезкор ва манзилли етказиш имкониятлари очилмоқда. Бунда ўқиш интерфаол тарзга ўтиб, таълим олувчиларнинг мустақил ишлаш имкониятлари ортмоқда, ўқув жараёни сифати ва самарадорлиги жиддий ўзгармоқда. Шунинг учун таълим муассасаларида анъанавий ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этишга эътибор кучайди. Эътироф этиш мумкинки, бугунги кунда таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш куйидаги устворликларни келтириб чиқарди:

- таълим олувчиларнинг мустақил ишлашлари учун янги имкониятлар;
- ўқув жараёни сифати ва самарадорлигининг ўсиши;
- таълим олувчиларда англаш фаолияти учун қўшимча имкониятлар;
- исталган вақтда ўқув материалларидан фойдалана олиш;
- ўзининг ўзлаштириш даражасини исталган вақтда назорат қилиш.

Замонавий таълим ва жамият тараққиётининг ҳозирги ҳолати таълим муҳитини ривожлантиришда янги тизимли ёндашувларни талаб қилмоқда. Бизнинг асримизда фақатгина академик билим ва танқидий фикрлашнинг ўзи етарли бўлмай, балки техник кўникма ва малака зарурдир. Заруратдан келиб чиқиб таълим олувчилар юксак чўққиларга эришиш учун ахборот-коммуникация технология-

лари соҳасининг имкониятларини эрта эгаллашга интилмоқдалар.

Аввалдан маълумки, таълим олувчилар янги билимларни турлича ўзлаштиридилар. Шунинг учун юқори натижаларга эришиш учун ўқитувчилардан ҳар бир таълим олувчига индивидуал ёндашув талаб этилади. Ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида эса таълимнинг барча босқичларида ҳар бир таълим олувчининг индивидуал талабларини компьютер техникасидан фойдаланиб қаноатлантириш шароити тўлиқ яратилади.

Шахсий компьютерларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг функционал имкониятларини ўқув жараёнига татбиқи уни фақатгина ўқитувчи томонидан фойдаланишни эмас, балки таълим олувчиларнинг компьютер билан узоқ мулоқотини таъминлайди ва бу ўз навбатида компьютер орқали ўқув жараёнини ташкил этади. Бу жараёнда таълим олувчига ахборот эски схема, жадваллар ва сўзсиз расмлар ўрнига аудио, видео ва анимацион материаллар шаклида етказилади ва албатта, у таълим олувчига мазмунни бойитилган тарзда ўзлаштириш имкониятини беради. Компьютер орқали интерфаол усуллар ва ўқув дастурлари пассив билим олишдан фаол билим олишга кенг имкониятлар очади. Чунки таълим олувчилар бу вазиятда билимни оддий тарзда олиш эмас, балки жараёнларни мустақил моделлаштириш, уларни бир неча марта такрорлаш ва виртуал тажрибалар ўтказиш имконияти орқали олиш имкониятига эга бўладилар.

Машғулот вақтида компьютердан таълим олувчиларнинг англашига қўмакчи сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Агар ҳар бир таълим олувчи дарс пайтида компьютер ва ахборот ресурсларидан фойдаланса, ўқитувчи албатта янги усуллар ва ўқитиш услубларидан

фойдаланиши лозим. Бугунги кунга келиб бу соҳада ҳам ўқитувчиларда етарли даражада электрон ўқув дастурлари, электрон ўқув материаллари, методик кўрсатмалар ва дастурий маҳсулотлар мавжуд.

Ҳар бир дастурий маҳсулотнинг ўзига яраша имкониятлари ва камчиликлари мавжуд. Турли электрон кўргазмалари материаллар, мультимедиа ва интерфаол моделлар ўқув жараёнини янги сифат даражасига кўтарди. Аммо бу ўринда таълим олувчининг руҳий омилини ёддан чиқариш мумкин эмас. Компьютердан фойдаланиш даври ёш физиологик хусусиятларни инобатга олиб ташкил этишни талаб қилади. Шунинг учун ёшларда таълим олишда таълим олувчилар учун соатлаб компьютер олдида ўтириш жиддий зиён етказди.

Маълумки, ахборот-коммуникация технологиялари бугунги кун талабига жавоб берган ҳолда ўқув жараёнини қизиқарли ва керакли ахборотни керакли тарзда етказиб бера олади. Унинг афзалликларидан яна бири таълим олувчида компьютердан фойдаланишга қизиқишнинг ортишидир. Ўқув жараёнида катта ютуқларга эришиши ўқитувчининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги компетенциясига боғлиқ.

Бугунги кунда ўқитувчининг юксак ахборот маданияти профессионал педагогик маҳоратининг зарурий шарти каби қаралмоқда. Таълим жараёнига замонавий таълим ва ахборот технологияларини татбиқ этиш ўқитувчи учун қуйидаги имкониятларни беради:

- билимни чуқур ва мустақам эгаллаш, фаолиятнинг турли соҳаларида кўникма ва малакаларини мустақамлаш;
- технологик фикрлашни ривожлантириш, ўзининг ўқув ва мустақил фаолиятини режалаштириш;
- ўқув машғулотларини ташкил этишда технологик талабларга қатъий риоя қилиш.

Замонавий таълим ва ахборот технологияларини татбиқ этиш анъанавий ўқитиш усулини алмаштирмайди, балки унинг таркибий қисми бўлади, холос. Чунки педагогик технология – бу ўқитиш назарияси ва режалаштирилган натижани таъминлашга асосланган усуллар, услубий йўллар, ўқув фаолиятини ташкил этиш мажмуасидир.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш инсонни турли хил ахборотларни қайта ишлаш меҳнатини енгиллаштириб, вақтни тежаш орқали шахснинг ижодий салоҳиятини кенгайтиради, технологик ва интеллектуал имкониятларини кучайтиради. Мультимедиа тизимларининг тараққиёти турли хил ахборотлар билан бойитилган ўқув материалларини келиб чиқишига шароит яратади. Тақдимотга графика, товуш, анимация ва видео материалларни жойлаштирилиши фақат матндан иборат слайдларни қатордан сиқиб чиқармоқда. Чунки инсон хотираси чекланган имкониятга эга. Инсон ўртача бир вақтда еттитагача объектлар билан ишлай олади. Шунинг учун таълим олувчига бир вақтда матн кўрсатиб ордидан товуш билан таъминлаган ҳоҳда бир жуфт расм ва анимацион эффект берилса, таълимда юқари сифатга эришилмайди.

Таълим олувчи бу ҳолда бир турдаги ахборотдан иккинчисига ўтиб улгурмайди, натижада муҳим ўқув материалларини ўтказиб юборади. Ундан ташқари таълим олувчига ахборотни қабул қилишида тасвирлар ва материални бериш мантиқий кетма-кетлиги бир вақтда берилса мураккаб жараён юзага келади.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги кўпгина ишланмалар электрон ўқув кўлланимларга бағишланган. Дарсларда электрон ўқув кўлланимлардан фойдаланувчи таълим муассасасиларнинг тажрибалари таълим олувчиларда дидактик қийинчиликларнинг камайиши, уларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигининг ошиши, мустақил таълим олишда замонавий ахборот технологияларидан фойдалана олиш кўникмаларини шаклландирганини кўрсатмоқда.

Аммо айрим ҳолларда кўпгина дастурий маҳсулотлар ўқув назарияси тараққиётига ангиллик киритмай, ўқув жараёни жиҳатларини қоғоз ташувчилардан магнит ташувчиларига ўтказди холос.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг таълим тизимига берадиган яна бир ёрдами компьютер тестларидир. Машғулот жараёнида компьютер ёрдамидан фойдаланиб ўқув материални таълим олувчига етказиш ва компьютер тестларидан фойдаланиш яхши самара беради ва у педагогик нуқтаи назардан зарур ҳамда ўзини оқлайди. Аммо компьютердан фойдаланиш меъёрларига амал қилмаслик аянчли оқибатларга олиб бориши мумкин. Чунки компьютер билан мулоқот ўқитувчи ва таълим олувчининг жонли суҳбатини қисқартиради.

Натижада таълим олувчи узок вақт компьютер билан ишлашда гапирмай ўтиради. Фикрни шакллантиришда муҳим ўрин тутувчи нутқ бу ишда иштирок эта олмайди. Таълим олувчи муносабатларда мулоқот амалиётини етарли даражада ололмайди ҳамда фикр ва мулоҳазаларини профессионал даражада етказиб беролмайди.

Таълим тизимини ахборотлаштириш янги имкониятларни очиш билан бирга бир қаторда ижтимоий муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Жумладан, ўқитувчилар жамоаси учун ижтимоий тифизлик юзага келади. Яъни, таълим муассасасининг раҳбарияти ўқитувчиларнинг барчасидан компьютер саводхонлигини талаб қилади. Барча ўқитувчилар курсларга қатнашга мажбур бўладилар. Ўқитувчилар саводхонлик курсларидан олган “билим” ва “кўникмалари” асосида компьютерда ишлашни намойиш этиш учун тақдимотлар қиладилар ва шу асосда зўрма-зўраки “очиқ дарслар” ташкил этадилар.

Бу ҳолат ўқув жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Энг муҳими очиқ дарсларда компьютер технологияларидан самарали фойдаланишни кўзлаган раҳбарият моддий ресурслар учун керакли миқдорда маблағ ажратишни унутади. Натижада назарий жиҳатдан асосланган ютуқ ўрнига юзаки машғулот намунаси юзага келади.

Эришилаётган ютуқлар олдида бундай салбий ҳолатларга қарамасдан юқорида қайд этилган омилларни эътиборга олиб хулоса қилиш мумкинки, таълим соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши қуйидаги имкониятларни очади:

- жамиятни ахборотлаштириш шароитида

шахсни шакллантиришга қаратилган таълимни ташкил этиш услубларини, мазмунни танлаш методологияси ва стратегиясини такомиллаштириш;

- илмий педагогик ахборотлардан фойдаланган ҳолда таълим тизимини бошқариш механизмларини такомиллаштириш;

- аниқ вазиятдан келиб чиққан ҳолда оптимал ечим топишга қаратилган илмий асосланган ишланмаларга ўтиш учун фан соҳаларини ахборотлаштириш;

- таълим олувчининг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган ўқув-услубий тизимни яратиш, билимларни мустақил эгаллаш кўникмаларини шакллантириш, ахборот қидирув, ахборот ўқув, тажриба-синов фаолиятини олиб бориш;

- электрон дарсликлардан ўрганиш объекти, ўқув, бошқарув, коммуникация, ахборотни қайта ишлаш воситаси сифатида фойдаланиш.

- компьютерда тест синовлари, диагностика, назорат ва баҳолаш тизимларини яратиш ва ундан фойдаланиш;

Ҳозирги таълим тизимининг ажралиб турадиган жиҳатларидан бири барча йўналишларда

тўғри ва тескари ахборот оқимларининг ортишидир. Ахборотни олиш, сақлаш, қайта ишлаш, уза-тиш, таҳлил қилиш ишларини компьютер орқали амалга ошириш ўқитиш жараёнини тезлаштиради ва самаралироқ бўлади.

Бугунги кунда ахборот технологияларидан фойдаланмай фаолият олиб бораётган ўқитувчининг ишини тасаввур қилиш қийин. Дарсни ташкил қилиш, дарсдан ташқари машғулотлар ва тадбирларни компьютер ёрдамисиз амалга ошириш мушкул вазифа. Бугунги ёшлар ахборотни телевидение, видеоматериаллар ва турли коммуникация воситалари орқали олишга ўрганганлиги туфайли ҳам ўқитувчи томонидан бериладиган билимлар замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида берилса юқори самарага эришиш мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Қосимов С.С. "Ахборот технологиялари". Ўқув қўлланма. Тошкент шаҳри, "Алоқачи" нашриёти 2006 й.

2. Норенков И.П., Зимин А.М. "Информационные технологии в образовании". Учеб. пособие. М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана. 2002 г. 336 с.

3. Беспалько В.П. "Педагогика и прогрессивные технологии обучения". М., 1995 г.

## Методика

# ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ МАСОФАВИЙ МАЛАҚА ОШИРИШНИНГ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Аброр АСҚАРОВ

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика Фанлари илмий-тадқиқот Институтининг катта илмий ходим-изланувчиси

*Аннотация: Мақолада халқ таълими тизими педагог ходимларининг масофавий малака оширишидаги 1 маевжуд ҳолатлар, уни ривожлантириш, самарадорлигини оширишга таъсир этувчи ташкилий-педагогик омиллар саналган.*

*Калит сўзлар: масофавий малака ошириш, таълим сифати, омил, тьютор, ташкилий тузилма, ташкилий-педагогик босқичлар.*

*Аннотация: в статье дано существующий состояние дистанционно повышения квалификации (ДПК) педагогических кадров в системе народного образования, перечислено влияющие организационно-педагогические факторы развития и результативности ДПК.*

*Ключевые слова: дистанционный повышения квалификации, качество образования, фактор, тьютор, организационная структура, организационно-педагогические этапы.*

*Annotation: The article gives the current status of the professional development in distance (PDD) teachers in the national education system, affecting lists organizational-pedagogical factors of development and effectiveness of the PDD.*

*Key words and phrases: professional development in distance, the quality of education, a factor, tutor, organizational structure, organizational-pedagogical stages.*

Юртимизда ўқитувчи-тарбиячилар малакасини ошириш, уларнинг касбий билимларини мунтазам янгилаб бориш доимо эътиборда бўлиб келган. Бу Президентимиз И.А.Каримовнинг «Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз» [1, 12] деган таъкидларида ҳам ўз ифодасини топади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида про-

фессионал тренингнинг илғор технология ва ускуналарини, шунингдек, мураккаб, фан ютуқларини талаб қилувчи технология жараёнлари имитаторларини ишлаб чиқиш, яратиш ва амалий ўзлаштириб олиш вазифасига эътибор қаратилган. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда йўлга қўйилган педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида ўқитишнинг янги шакли – масофавий таълим имкониятларидан фойдаланиш орқали мустақил билим олиш ва ижодий фа-

олиятни янгилашга қаратилган педагогик таълим парадигмасини жорий этиш тажрибаси юқоридаги вазифани амалга ошириш йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 июндаги «Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «Таълим секторини ривожлантириш дастури» лойиҳасининг «Техник иқтисодий ҳисоблари»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги 134-сон қарори (UZB-1961) асосида халқ таълими тизими педагог ходимлари малакасини масофавий шаклда ошириш тизими йўлга қўйилди. А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институти базасида айрим фанлар бўйича умумтаълим мактаблари ўқитувчилари (Она тили ва адабиёти, Бошланғич синф, Химия, Биология, География, Физика, Математика, Информатика, Иқтисодий билим асослари, Инглиз тили, Немис тили, Француз тили) учун мўлжалланган ўқув курслари ташкил этилди. Масофадан ўқитишни ривожлантириш Маркази (МУРМ) ҳамда барча ҳудудлардаги малака ошириш институтларида Масофадан ўқитишни ҳудудий мувофиқлаштириш Марказлари фаолияти йўлга қўйилиб, улар масофадан ўқитиш бўйича зарур бўлган техник жиҳозлар ва штат бирликлари билан таъминланди.

Бугунги кунда интернет тармоғи орқали масофадан ўқитишни ташкил этиш ва бошқариш ускуналарининг (турли дастурий маҳсулотлар, платформалар) имкониятлари ортиб бораётгани, таълим соҳасидаги халқаро ҳамжамият томонидан педагоглар малакасини масофавий шаклда ошириш жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий талаби сифатида эътироф этилаётгани ҳолда, таҳлиллар фақат техник ва ускунавий, дастурий таъминот масофавий малака ошириш самарадорлигини таъминлай олмаслигини кўрсатмоқда.

Халқаро экспертларнинг хулосаси асосида тайёрланган лойиҳа доирасидаги прогноз режага мувофиқ 2013 (2010) йилга келиб масофадан малака оширувчиларнинг йиллик сони 19200 тага етиши, бу кўрсаткич 2014 йилда 38400 нафарни ташкил этиши кўзда тутилган [5].

Бироқ, 1-жадвалда акс этган маълумотдан прогноз режани амалга ошмаганлигини кўриш қийин эмас.

Йиллар	Умумий малака ошириш	Анъанавий малака ошириш		Масофавий малака ошириш	
		Сони	%	Сони	%
2011	83272	81951	98,4	1321	1,6
2012	85404	83411	97,6	1993	2,4
2013	81507	77277	94,8	4230	5,2
2014	87308	81708	93,5	5600	6,5

1-жадвал.

Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ҳолати ҳақида йиллар кесимида маълумот

Масофадан малака оширишнинг натижавийлиги (сифати)ни таҳлил қилиш орқали ўқитиш сифатини ҳам пастлигича қолаётганлигини кузатиш мумкин. Масалан, масофадан малака оширган 1505 нафар бошланғич синф ўқитувчиларининг

- 737 нафари (48 %) тармоқдаги фаолиятига кўра тегишли топшириқларни тўлиқ бажармаган, тармоқ орқали машғулотлар ва консультация-

ларда самарали иштирок этмаган, оралиқ назоратларда етарли балл тўпламаган ёки тўлиқ бажармаганлиги сабабли курсда «яхши иштирок этмаган тингловчи»;

- 90 нафари (7 %) тармоқда тегишли топшириқларни бажармаган, тармоқ орқали машғулотлар ва консультацияларда иштирок этмаган, оралиқ назоратларда балл тўпламаганлиги сабабли курсда «ёмон иштирок этган тингловчи» деб топилган.

Юқоридаги ҳар икки ҳолат масофавий малака ошириш тизимининг ривожланишини бугунги кунда интерт ҳолатда, деб баҳолашимизга асос бўлади.

Демак, масофадан ўқитишнинг техник ва ускунавий, дастурий таъминотини барпо этиш бутун тизимни яхлитлигини таъминлаш ҳамда уни тўлақонли ишлаши учун етарли бўлмайди. Бу эса Халқ таълими тизими педагог кадрларини масофавий малака оширишини жорий этишда амалга оширилаётган ҳаракатларнинг самарадорлиги масаласига таъсир кўрсатувчи омилларни тадқиқ қилиш долзарблигини кўрсатади (омил – иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг юзага чиқиши, содир бўлиши учун сабаб бўлган нарса; сабаб [51, 122]).

Олиб бораётган тадқиқотимизнинг тажриба-синов ишларининг аниқловчи-таъкидловчи қисмида қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

- ўқитувчиларда масофавий малака ошириш таълим шакли ҳақида тасаввурнинг етарли эмаслиги (Масофавий малака ошириш ҳақида сўровномада иштирок этган ўқитувчиларнинг 31% ҳамкасбидан эшитганлигини, 14 % турли манбаалардан ўқиганлигини, 8 % тахминан тасаввур қилишини, 25 % мактабдаги ҳамкасб ўқитувчининг масофадан малака оширганлиги орқали маълумотга эга эканликларини таъкидладилар);

- ўқитувчиларда реал имкониятларнинг етишмаслиги (Сўровномада иштирок этган ўқитувчилар биринчидан: компьютер саводхонликларининг етарли эмаслигини, иккинчидан: масофадан малака ошириш учун мактабда шароит йўқлигини, учинчидан: масофавий малака оширишнинг аҳамияти ва бошқа фойдали тарафларини яхши тушунмасликларини, тўртинчидан: оилавий шароитлари етарли эмаслигини билдирдилар);

- мактаб маъмуриятининг масофавий малака оширишга нисбатан эътиборсизлиги (Масофадан малака ошираётган ўқитувчилар томонидан масофавий малака оширишнинг кўп қисми мактабда ва оилада амалга оширилгани сабабли мактабдан ташқари ишларга жалб этилиши, мактаб раҳбарларининг масофавий масофадан малака оширишни тушунмаслиги ва керакли шароит яратмаслиги, масофавий малака ошироқчи бўлган ўқитувчиларни масофавий малака ошириш бунортмасига киритилмаслиги, халқ таълими бошқарув идоралари ходимларининг масофадан малака оширишни тўғри талқин этмасликлари ҳақида ўз фикрларини билдирдилар);

- масофавий малака оширишнинг тартибли, оммабоп шаклга келтирилмаганлиги (Бу ҳолатни сўровномада иштирок этган ўқитувчилар амалдаги масофавий малака оширишда ўқув жараёнининг узок муддатлилиги, ҳамма учун тушунарли бўлган умумий тартибнинг мавжуд эмасли-

ги, тингловчиларга белгиланган вазифаларнинг аниқ эмаслиги, курсларга қабул қилиш жараёнининг тартибга солинмаганлиги, малака оширувчилар буюртмасининг нотўғри шакллантирилишини эътироф этдилар);

- масофадан малака ошириш ўқув контенти мазмуни ва тузилишининг қониқарли эмаслиги (Сўровномада иштирок этган тингловчилар томонидан масофавий малака ошириш ўқув материалларида мультимедиа ресурсларнинг етарли эмаслиги, ўқитувчи билан реал вақт режими (online)да машғулот шаклидан фойдаланилмаслиги, ўқув жараёнининг ўта мураккаблиги, бошқа тингловчилар билан мулоқот қилиш имкони етарли эмаслиги, тегишли мавзуларни амалиётда қўллаш топшириқлари белгиланмаганлиги, тингловчининг тармоқдаги фаолиятининг умумий баҳоланиши мавжуд эмаслиги, ўқув материаллари мазмунига тингловчи эҳтиёжларини киритиш йўлга қўйилмаганлиги, мавзуларни ёритиш, тушунтириш бўйича педагогик технологиялар қўлланилмаганлиги, курс материаллари эскирганлиги, ўқиш, такрорлаш, синонвларни топшириш кетма-кетлиги таъминланмаганлиги кабилар билдирилди).

Аниқланган бундай ҳолатлар асосида масофавий малака ошириш самарадорлигига ижобий таъсир этувчи қуйидаги бир қатор йўналишларни белгилашимиз мумкин бўлади:

1) Тингловчи лаёқати – компетенция. Масофавий малака ошириш тингловчиси – фаолият кўрсатаётган таълим муассасаси томонидан ўтказилган ўқув-тарбия жараёни сифатининг ички назорати ва таҳлили асосида малака оширишга эҳтиёж сезадиган ўқитувчилар контингентига киритилган, касбий билим ва кўникмаларни янгилаш, чуқурлаштириш бўйича таълим олувчи педагог, масофавий малака ошириш ўқув жараёнининг объекти ва истеъмолчиси, айни вақтда, ҳамкорликда ва мустақил таълим олувчи, ахборот-коммуникация технологиялари ва воситалари имкониятларидан фойдаланувчи субъект ҳисобланади.

Тингловчининг масофавий шаклда малака оширишига тайёрлиги шартлари қуйидагилардан иборат бўлади:

а) компьютер, унинг қурилмалари ва ахборот технологияларининг бошқа воситаларидан фойдаланиш бўйича минимал билимларга эга бўлиш, яъни ўқитувчи компьютер ва унинг қурилмаларидан фойдаланиш қоидалари (техник, эргономик ва бошқалар)га риоя этиш, компьютерни ишга тушириш ва ишни якунлаш, у ерда керакли ахборотларни киритиш, сақлаш, қўллаш билиш, интернет тармоғи орқали фаолиятга оид маълумотларни танлаш ва олиш кўникмаларининг мавжудлиги;

б) масофавий малака оширишнинг замирида қуйидаги моҳият ва афзалликларга эга бўлган ўқув муҳити юзага келиши кўзда тутилганлигини тушуниб етиш:

- ўқитувчининг малака ошириши учун қулай шароит яратиш;

- унинг меҳнат фаолияти, оилавий турмуш тарзи, иқтисодий-ижтимоий аҳволини яхшилаш;

- шахсга йўналтирилган таълим жараёнидаги узилишсиз ўқув-тарбия ишларини олиб бориш имкониятини яратиш;

- педагогик ёки ахборот технологиялари ва ўқитишнинг интерфаол методлари бўйича янгиланган касбий билимлари, малака ва кўникмаларини бевосита амалиёт билан боғлаб, мустаҳкамлаш;

- малака ошириш давридаёқ тўпланган тажрибани мактаб жамоаси, ҳамкасблари билан муҳокама қилиш ва жорий этиш ва ҳаказо.

в) масофавий малака ошириш учун реал имконият (аниқ характерли, амалга ошириши учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлган имконият) нинг мавжуд бўлиши (реал имкониятни икки (ташқи ва ички) турга ажратиш мақсадга мувофиқ; ташқи реал имкониятни мактабда ва оиладаги масофавий малака ошириш учун шароит (техник, вақт, макон)нинг мавжудлиги; ички реал имкониятни ўқитувчининг масофавий малака оширишга бўлган мотив (малака оширишга бўлган эҳтиёжини масофавий малака ошириш орқали қондириш билан боғлиқ фаолиятга мойиллиги) даражаси).

2) Халқ таълими ҳудудий бошқарув фаолияти. Масофавий малака ошириш самарадорлиги такрорланмас, ноёблик хусусиятини касб этувчи Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги узлуксиз таълим тизими принциплари ва таълимни ислоҳ қилиш йўналишлари билан бевосита боғлиқ бўлади:

- таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига ўтилиши;

- таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш;

- жамоат бошқаруви шакллари ривожлантириш;

- таълим муассасаларини минтақалаштириш каби.

Бизнинг назаримизда, бугунги кунда ишлаб чиқиладиган масофадан малака ошириш модели халқ таълими тизимининг мавжуд бошқарув ҳамда таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва методик таъминлаш тузилмасига мос бўлиши ҳам зарур.

Халқ таълими тизимининг ташкилий тузилмасида масофавий малака оширишни жорий этилишини таъминлаш, назорат қилиш, мониторингини олиб бориш, тегишли хулосалар, таклиф ва талаблар билан бевосита иштирок этиш кўзда тутилган бўлиши, ушбу вазифалар ташкилий тузилманинг тегишли бўғинлари мажбуриятларида қатъий акс этиши мақсадга мувофиқ. Жумладан:

а) таълим муассасаси (мактаб) масофавий малака ошириш тизимининг асосий ташкилий-педагогик ишлари олиб бориладиган маскан ҳисобланиб, у ерда;

- масофавий малака оширишнинг педагоглар ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, мактабда ўқув жараёнининг узлуксиз ташкил этилиши, таълим сифати ва даражасига салбий таъсир кўрсатмаслиги, иқтисодий самарадорлиги, малака оширишнинг даврийлигини таъминлашга қаратилган бошқарувчилик фаолиятидаги муҳим аҳамияти каби хусусиятларидан унумли фойдаланилиши;

- ўқитувчиларда масофавий шаклда малака оширишлари учун тегишли ташкилий-педагогик шароитларни яратилиши;

- ўқув-тарбия жараёни сифатининг ички назорати ва таҳлили асосида аниқланган малака

оширишга эҳтиёж сезадиган ўқитувчилар контингентидан келиб чиқиб, ўқитувчиларда масофавий шаклда малака оширишга тайёрлик шартларининг бажарилишини ўрганиш, масофавий малака оширувчиларни аниқланиши;

- масофавий малака ошириш буюртмасини шакллантирилиши;

- масофадан малака оширувчи ўқитувчиларни мақсадли масофавий малакасини оширишни ташкил этишнинг яқка тартибидаги топшириқларини ёки аниқ йўналтирилган дастурларини тузилиши;

- масофавий малака ошириш мазмуни бўйича тегишли таклифлар тайёрланиши;

- ўқитувчиларнинг малака ошириш фаолиятларини кузатилиши ва таҳлил қилиб бориши;

- ўқитувчининг масофадан малака ошириши учун компьютер техникаси, Интернет ва бошқа тегишли дастурий-аппарат воситалари билан таъминланиши;

- оммалаштириш, рағбатлантириш, ўқитувчининг реал имкониятларини ошириш орқали масофавий малака оширишга бўлган иштиёқини ошириш чоралари кўрилиши;

- масофадан малака ошираётган ўқитувчини педагогик фаолиятдан бошқа турли ишларга жалб қилинмаслиги таъминланиши кўзда тутилади.

б) халқ таълими ҳудудий бошқарув органлари педагогларнинг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш ҳамда уларнинг малака оширишларини ташкил этиш ваколатлари доирасида қуйидагиларга аҳамият қаратишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- масофадан малака оширувчи ходимлар контингентини шакллантириш;

- масофавий малака ошириш бўйича белгиланган прогноз режани бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш;

- масофавий малака оширишни ташкил этилиши, ўқув режалари ва дастурларининг мазмуни бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

- ҳудуддаги Масофадан ўқитиш таянч ресурслар мактаблари («МУТРМ»)нинг самарали фаолиятини таъминлаш;

- масофадан малака ошираётган ходимларнинг фаолиятини кузатиб бориш ва таҳлил қилиш, ўқиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яхшилаш чораларини кўриш;

- масофавий малака ошириш тизимининг аҳамияти ва афзаллигини тарғиб қилиш, жумладан, ушбу тизим ёрдамида педагогларнинг ўз вақтида малака оширишларига эришиш, педагоглар томонидан эгалланган педагогик, ахборот технологиялари ва ўқитишнинг интерфаол методлари бўйича касбий билимлари, малака ва кўникмаларини кузатиб бориш, ҳудудий умумтаълим фанлари ва фан йўналишлари бўйича ўқув-методика кенгашлари, фан уюшмаларида муҳокама қилиш, ютуқларни ўз вақтида оммалаштириш, бу орқали ҳудудда узлуксиз методик кўрсатишни самарали ташкил этишга имкон берувчи шароит юзага келиши бўйича ташвиқот, ташуунтириш ишларини йўлга қўйиш, асослаш.

3) Педагогик ҳамкорлик. Бугунги кунда таълимда самарали деб топилаётган, олимлар ва амалиётчилар томонидан кенг муҳокама этилаётган педагогик ҳамкорлик масаласи ҳам сама-

рали ўқув муҳитини юзага келтирувчи ёндашувлардан бири ҳисобланиб, уни масофавий малака ошириш жараёнида кенг қўллаш зарур.

Бизнинг назаримизда ўқув жараёнининг кўп субъектликка асосланган тарзда олиб борилиши, бу субъектларнинг ҳамкорлик фаолиятларини кучайтирилиши масофавий таълим камчиликларини бартараф этишда аҳамиятли ҳисобланади. Жумладан, тингловчи-тьютор, тингловчи-тармоқ ташкилотчиси, тингловчи-тингловчи, тингловчи-метод бирлашма каби. Масофавий малака ошириш ҳамкор субъектлари фаолиятига қуйидагича изоҳ бериш мумкин:

- масофавий малака ошириш ўқув жараёнида тегишли ўқув модули бўйича тингловчилар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва бошқарувчи, методик ёрдам кўрсатувчи, ўқиш ва билиш назоратини амалга оширувчи субъект ҳисобланган тьютор (ўқитувчи консультант)нинг функционал вазифалари ва педагогик фаолияти самарадорлигига боғлиқлик касб этади.

- масофавий малака ошириш ўқув жараёнининг асосий ҳамкор субъектларидан бири бу тармоқ ташкилотчилари ҳисобланиб, улар ўз фаолият функцияларига кўра масофавий малака оширишни ривожлантиришни, истиқболлаштиришни амалга оширувчи хусусиятга эга.

- масофавий малака ошириш ўқув жараёни самарадорлиги тингловчи ишлаётган мактаб методбирлашмасининг таъсирида янада ортади ва мустақкамланади. Бу ерда масала тингловчи (ҳамкасб)ни малака ошириш ўқув жараёнини кузатиш, танишиш, унга амалиёт учун тавсия этилган вазифалар ижросини ўрганиш, баҳолаш, тегишли тавсиялар асосида уни тўлдирish, керак бўлса, бошқа субъектлар томонидан тавсия этилган педагогик ёндашув, маълумот, ахборотларга тегишли тузатишлар киритиш каби имкониятлар бериш орқали узлуксиз методик хизмат кўрсатишнинг энг кичик ва ўз навбатида амалиёт билан энг яқин бўғини бўлган методика бирлашмалари фаолиятини масофавий малака ошириш ўқув жараёнига мувофиқлаштириш назарда тутилади. Бошқача қилиб айтганда методика бирлашмалари «синтез эксперти» сифатида масофавий малака ошириш ўқув жараёни субъектидир.

- масофавий малака ошириш ўқув жараёнида тингловчи тармоқда ёки контакт машғулотларида яна бир субъект – бошқа тингловчи (тингловчи-тингловчи) билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш муҳим омил ҳисобланади. Бунда тингловчининг тьютор, тармоқ ташкилотчиси, методбирлашма билан ҳамкорлиги натижасида эришган билим, кўникма, малакалари тўлдирилади ва тизимлашади.

Шу билан бирга ўқув мазмуни ва муҳити, ўқув жараёни ташкил қилиниши, тизимли мониторингни йўлга қўйилиши, узлуксиз методик хизмат каби омиллар ҳам мавжудки, улар ҳам масофавий малака ошириш самарадорлигига ўз таъсирини ўтказиши.

Санаб ўтилган масофавий малака ошириш самарадорлигини таъминловчи омиллар ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, улардан бирининг заифлашиши бутун бир тизимнинг издан чиқишига олиб келади. Масофавий малака оширишнинг бошқа ўқиш шаклларида ажралиб турувчи моҳияти ҳам айнан шу ҳисобланади.

Юқорида келтирилган масофавий малака ошириш самарадорлигига таъсир этувчи омилларни тадқиқ қилиниши халқ таълими тизими педагог кадрлар малакасини оширишдан кўзда тутилган мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган бир бутун ташкилий фаолиятлар ҳамда педагогик жараёнлардан иборат ташкилий-педагогик босқичларни белгилаш ҳамда мазмунини ишлаб чиқиш, амалиётда қўллаш мумкин бўлган, самарали яхлит масофавий малака ошириш тизимини шакллантириш, истиқболлаштиришга хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Баркамол авлод орзуси. –Т.: «Шарқ» НМК. 1999. –182 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Ўзбекистон Республикаси қонун

ҳужжатлари тўплами. 2013. 41-сон. 543-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги «Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 234-қарори. –Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2014. 34-сон. 433-модда.

4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати // 3-жилд. Директор Н.Тухлиев. –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2007. –688 б.

5. «Таълим секторини ривожлантириш дастури» лойиҳасининг «Техник иқтисодий ҳисоблари»: Компонент В1. – Т.: 2007.

6. Абдуқодиров А.А, Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. –Тошкент: Фан.2009.

7. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни таъкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2007. – 305 б.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРНИ ИНТЕРФАОЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Гулсанам ИБРАГИМОВА

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчиси

*Аннотация. Мақолада интерфаол технологияларнинг таълим жараёнида талабаларнинг ижодий фикрлашини ривожлантиришдаги роли масалалари ёритилган. Унда бу жараённи амалга оширишда педагогнинг педагогик-психологик вазифалари, ижодий фикрлашни ривожлантириб боришга хизмат қилувчи таълим технологиялари келтирилган.*

*Калит сўзлар: интерфаол технологиялар, таълим жараёни, билим, кўникма, малака, шакллантириш, мустақил ўрганиш, ижодий фаолият.*

*Аннотация. В статье освещена роль интерактивных образовательных технологий в развитии творческого мышления студентов. Обозначены педагогико-психологические задачи, решаемые в процессе развития творческого мышления на основе образовательных технологий.*

*Ключевые слова: интерактивные технологии, процесс образования, знания, навыки, формирование, самостоятельное обучение, творческая деятельность.*

*Annotation. In article role of interactive educational technologies in developing creative activity of students considered. Substantiated pedagogical-psychological tasks, solved in the process of creative thinking on the basis of educational technology.*

*Key words: interactive technology, process of education, knowledge, skills, formation, independent education, creative education.*

Хозирги кунда таълим жараёнида интерфаол технологияларни қўллашга бўлган эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Замонавий технологиялар ўқувчи эгаллаётган билимларни ўзи қидириб топишга, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишга, хулосаларни ҳам ўзи келтириб чиқаришга ўргатади.

Ўрганувчиларнинг мустақил, ижодий фаолият кўрсатишларига кўмаклашиш уларнинг ўз мавқеларини аниқлашлари ва амалда татбиқ этишлари учун шароит яратиш, ижодий фаолиятларини педагогик қўллаб-қувватлашга йўналтирилган топшириқларни тақдим этишни аниқлатади. Бунинг учун ўқитувчилар муайян характердаги қуйидаги педагогик-психологик вазифаларни бажаришлари лозим:

– ўз ижодий фаолияти натижаларини рўёбга чиқаришнинг қиммати, мақсади, унинг истиқболлари, ўзининг бетакрорлигини аниқлашда ўрганувчиларга кўмаклашиш ва шу йўлда улар билан ҳамкорлик қилиш;

– ўрганувчиларнинг моддий борлиққа нисбатан таҳлилий, танқидий, конструктив муносабатини ижодий, яратувчилик мақсадларига йўналтириш;

– ўрганувчиларда назарий таҳлил кўникмаларини шакллантириш ва мунтазам ривожлантириш;

– ўрганувчиларнинг ўз ижодий фаолиятларига нисбатан ҳиссий ва конструктив муносабатларини

ни тартибга солиш;

– ўрганувчиларни ҳамкорликдаги ижодий фаолиятга жалб этиш учун кулай педагогик шароитларни вужудга келтириш;

– ўрганувчиларнинг ижодий жиҳатдан ўз фаолиятларини амалга оширишлари ва ўзликларини намоён қилишлари учун ёрдам кўрсатиш;

– ўрганувчиларнинг мустақил ривожланишларига салбий таъсир кўрсатадиган тўсиқларни бартараф этиш йўлида улар билан ҳамкорлик қилиш ва кўмаклашиш;

– ўрганувчиларнинг шахсий муаммоларини ижодий фикрлаш мазмунига кўчиришларига замин ҳозирлаш кабилар.

Ўрганувчиларнинг ижодий фаолиятларини педагогик қўллаб-қувватлашнинг натижалари – уларнинг ўзига хосликлари ва ижодий сифатларини чуқурлаштиришда намоён бўлади.

Ижодий фикрлаш ўз навбатида ўрганувчиларни:

- мустақил ва онгли равишда билим олишга;
- доимо олға интилишга;
- турли зиддиятли ва муаммоли вазиятларни оқилона ҳал этишга;
- ноанъанавий ва янгича фикр юритишга ўргатади.

Ижодий фаолият тафаккур, фикрлаш шакллари бўлиб, улар қобилият, лаёқат, ҳавасни тарбиялаш йўли билан ривожлантирилади, янгилик, ижодкорлик ижодий фаолият белгилари ҳисобланади. Талабалар фаолиятига кўра, ижодий топшириқларни уч гуруҳга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Улар: ижодий мустақил иш, ижодий машқ, ўқув муаммоларидир.

1. Ижодий мустақил иш ижодий топшириқларнинг бошқа турларидан икки жиҳати билан фарқ қилади: оператив ташкил этиш имконияти борлиги ва ўқув-билув фаолиятини давом эттириш имкониятига эга эканлиги. Ижодий мустақил иш таълимнинг шундай воситасики, уни таълимга татбиқ этиш йўли билан:

- ўқиш, ўрганишга иштиёқ давом эттирилади, дарс доирасида ҳосил қилинган мотивларнинг давом этиши таъминланади;

- ўрганувчиларнинг билишга, билим, малакалар доирасини кенгайтиришга олиб келади;

- ўрганилаётган ўқув материали устида ўрганувчиларнинг ўз фаолиятларини мустақил давом эттиришга замин тайёрлайди;

- ўрганувчилар фаолиятига раҳбарлик қилишни маълум даражада осонлаштиради.

2. Ижодий машқ. Ҳар доим билимларни эсга тушириб, машқ қилдириш таълимда ўрганувчиларнинг зерикашига сабаб бўлади. Машқ қилиш жараёнида ўрганувчиларнинг зерикашини бартараф этиш учун ижодий машқлардан фойдаланилади.

Ижодий машқ ноижодий машқдан икки хил хусусиятига кўра фарқ қилади: ўрганилган билимлар доирасини кенгайтириш. Бунда ўрганувчи олдин ўрганилган ўқув материалга такрорий қайтиб келганда, ўз тушунчаси доирасини кенг билимлар, тасаввурлар, фактлар, боғланишлар билан бойитади.

Ижодий машқлар доимий шуғулланишга мўлжалланган машқлардан фарқли ҳам хотирага, ҳам тафаккурга мослаб тузилади. Бунда ўрганувчи мавзу билан бирга қўшимча ахборот,

фаолият усулларни ҳам ижодий ўрганади доирасида ўрганилган билим, фаолият усулларини такрорий ишлатиш. Муаммоли машқ – ўрганувчидан унга номаълум билимларни билишни талаб этувчи ўқув материалларидан фойдаланишдир. Бу ундан фаол фикрлашни талаб этади.

3. Ўқув муаммолари – “ўқув топшириқлар мажмуи” бўлиб, уларни ижодий топшириқлар тизими шаклида тасаввур қилиш мумкин.

Талабаларни ижодий фаолиятга тайёрлашда, аввало, уларнинг ўзлари ушбу фаолиятга масъул эканликларини англантиш лозим.

Педагогларнинг вазифаси танқидий фикрлашни рағбатлантириб турувчи муҳитни яратишдан иборат бўлади.

- ўрганувчида ўзига хос нуқтаи назарни пайдо қилиш;

- бир фикрдан бошқасининг афзаллигини асослаш маҳорати;

- мураккаб муаммоларни ечиш маҳорати;

- далилларга асосланган ҳолда баҳслашишга одатлантириш;

- ягона фикрни ишлаб чиқиш учун ўзаро ҳамкорликда ишлаш маҳорати;

- ўрганувчиларда мавжуд бўлган билимлар ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга қай даражада хизмат қилишини англаш.

Таълим олувчиларнинг ижодий фикрлашини ривожлантиришда муаммоли таълим бошқа таълим турларидан фарқли равишда ўрганувчиларда билим, кўникма ва малакалар тизимини таркиб топтириш билан бирга, уларда юқори ақлий фаолият, ўз-ўзини ривожлантиришни шакллантиради. Муаммоли топшириқ ўрганувчини мустақил ижодий изланишга йўллашдан иборат. Масалан, иншо, реферат ёзиш, бирор нарса ихтиро қилиш, эскпериментдан ўтказиш кабилар муаммоли топшириқ асосида амалга оширилади. Булар ўрганувчидан фаол фикрлашни талаб этади, у далилларни таҳлил қилади, объектларнинг келиб чиқишини ўрганади. Бу технологиянинг таянч тушунчаси турли мураккаб даражасидаги муаммоли топшириқларда ўз ифодасини топади, уларни ечиш орқали ўқувчи янги билимлар ва фаолият усулларини эгаллайди. Натижада унда ижодий лаёқат: маҳсулдор тафаккур, тасаввур, билиш мотивацияси, интеллектуал туйғу шаклланади. Муаммоли савол оддий саволдан фарқ қилади, у орқали ўрганувчининг ўзлаштирган билимларига шунчаки мурожаат этилмай, балки ундан ўз мустақил фикрини билдириш талаб этилади. Муаммоли таълим технологияси ўзининг қулайлиги билан диққатни жалб этади: у барча таълим босқичларида, барча ўқув фанлари мисолида қўлланиши мумкин. Фан ўқитувчиси дарс жараёнида қўллаш мумкин бўлган муаммоли таълим технологиясини яхши ўзлаштириб олгани маъқул. Ривожлантирувчи таълим технологиялари таркибида тақдим этилувчи синквейн, “Бе-шинчиси ортиқча”, “Чархпалак”, БББ (“Биламан”, “Билишни хоҳлайман”, “Билиб олдим”), “Бумеранг”, “Мулоқот тренинги”, “Блиц-ўйин”, “Занжир”, “Мунозара”, “Чархпалак” “Гуруҳларда ишлаш”, “Тақдимот”, янги мавзуну баён қилишда “Кичик маъруза”, “Ролли ўйин”, “Ақлий ҳужум”, “Ҳамма, ҳаммага ўргатади”, “Импульс” “Ҳаёт йўли”, “Вазиятлар”, “Ақл чархи” каби қатор интерфаол усуллар ва кичик технологияларни дарснинг мақсадидан

келиб чиққан ҳолда, лойиҳалаштириб қўллаш дарс сифатини оширишда катта аҳамиятга эга. Улар ўқувчининг назарий билимларни пухта эгаллаши; вақтдан унумли фойдаланиши; ижодий фикрлаши; дарсни фаоллаштириш; ўзгалар фикрини тинглай билиши; билдирилган фикрлардан хулоса чиқаришига олиб келади.

Ўрганувчиларнинг ижодий фикрлашини ривожлантиришда шахсга йўналтирилган таълим алоҳида аҳамият касб этади. Унда ўрганувчига бериладиган топшириқлар унинг ўзлигини ривожлантириши, намоён этиши, англаши ва баҳолашига қаратилади. Шунга кўра, топшириқ турларида ўз ўзини баҳолаш, ўз хатоларини таҳлил қилиш, ўқув фаолиятидаги ўрнини баҳолаш, ўз қобилияти ва иқтидорини юзага чиқаришга алоҳида эътибор берилади. Ўрганувчига ўқув топшириғи ёки ўқув фаолияти турлари (мавзуни яхлит ёки бўлақларга бўлиб ўзлаштириш)ни танлаш имкони берилади. У гуруҳ таркибида ўз қобилият ва лаёқатларини ривожлантириши лозим. Шунга кўра, таълим олувчиларни ҳамкорликда ишлашига шароит яратиш учун ақлий ҳужум, "ролли ўйинлар", гуруҳларда ишлаш, лойиҳа методи кабилардан самарали фойдаланилади.

Ўқув жараёнида шахсга йўналтирилган, муаммоли ва ривожлантирувчи таълим технологиялари билан боғлиқ интерфаол усуллар ва ўйинларни дарснинг мақсадидан келиб чиқиб, лойиҳалаштириб қўллаш куйидаги натижаларга олиб келади: ўрганувчиларнинг ўқишга қизиқишлари ортади; ўқув мотивацияси кучаяди; ўрганувчиларнинг дарсда зерикishi ва чарчашининг олди олинади; ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликда ишлаши таъминланади; ўрганувчиларнинг нутқи ва мантиқий тафаккури ўсади; ўрганувчида ижодий ишлаш кўникмалари ва фаол нуқтаи назар ривожланади.

Лойиҳа методи ижодий ва шахсга йўналтирилган жамоавий характерга эга. Лойиҳа доирасида бажариладиган барча вазифалар учун ўрганувчилар гуруҳининг барча аъзолари бирдек масъул ҳисобланади. Бунда жамоавий иш ўрганувчиларнинг фаол мулоқотига асосланади. Лойиҳа мавзуси бир ёки бир неча фанни қамраб олиши, уни танлашда ўрганувчилар ёши, билим даражаси, имкониятлари, қизиқишлари эътиборга олинади лозим. Лойиҳа натижасида амалий аҳамиятга эга бўлган маҳсулот яратилади. Лойиҳа куйидаги бир неча босқичларда амалга оширилади: лойиҳа мавзусини танлаш; ишчи гуруҳни тузиш; лойиҳа устида ишлаш режасини тузиш; муддатларни белгилаш; вазифаларни тақсимлаш ва бажариш; ишчи гуруҳда бажарилган ишларни муҳокама қилиш, натижаларни аниқлаш, жамлаш ва тақдимот учун тайёрлаш; лойиҳа бўйича ҳисобот қилиш; уни баҳолаш кабилар. Лойиҳа устида ишлаш ўрганувчилардан мустақил фикрлаш, ижодкорлик ва ҳамкорликда ишлашни талаб этади. Бунда ўқитувчининг вазифалари: ўрганувчиларни лойиҳа технологияси асосида ишлашга тайёрлаш; мавзуларни танлаш; ишни режалаштириш ва унинг устида ишлаш жараёнида ўрганувчиларга маслаҳатлар бериш ҳамда йўналтириш кабилардан иборат.

Лойиҳавий таълим технологияларини ташкил этишда қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак

натижаларга эришишдан иборат. Қисқа вақт ичида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томондан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш, ўқувчида амалий машғулотга қизиқишини уйғотиш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Талабаларда ижодий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик тизимни вужудга келтиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- талабаларда ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг педагогик-психологик шароитларини яратиш;

- талабаларнинг ижодий фикрлашига қуйилган талабларни аниқлаш;

- талабаларда ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш жараёнини ўзга хос педагогик технология жиҳатларини аниқлаш.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, бизда ҳозирги даврда ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш андозаси (моделни)ни ишлаб чиқилди.

Зеро, комил инсон тарбияси республикамизни жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлар даражасида кўрсатишга хизмат қилувчи салоҳияти, мустақил фикрлайдиган, эркин, ижодкор шахсни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва қатъий қарор топтириш ниҳоятда мураккаб тарихий ва ижтимоий-сиёсий вазиятларга тўғри келмоқда. Фуқаролар онги ва дунёқарашини, руҳиятини эскича қарашлардан, тозалаш яна ҳам мураккаб ижтимоий муаммодир. Бу даражада улкан ва кенг миқёсли тадбирларни жамият ҳаётининг барча жабҳаларида босқичма-босқич, бир текисда уйғун ва изчил амалга ошира бориш учун янги замон талабларига жавоб бера оладиган, янгича онг ва дунёқарашга эга бўлган, эркин, ижодий ва мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялаб етиштириш энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Бу вазифалар, ўз навбатида, нафақат иқтисодий, сиёсий, шу билан биргаликда, маънавий-маърифий соҳаларда, хусусан, унинг таркибий қисми бўлган таълим-тарбия тизимида ҳам чуқур ислохотлар ўтказилишини тақозо этади ва таълим соҳаси ходимларини касбий малака-кўникмаларини ҳамиша ошириб бориш энг долзарб маслалалардан бири бўлиб қолаверади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишининг назарий асослари: Пед. фан. ном. дис. Автореферати. – Тошкент: 2003. – 44 б.
2. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 230 б.
3. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун қўлланма). – Т.: Истеъдод, 2008. – 180 б.
4. Йўлдошев Ж.Ф. Таълим янгилашиш йўлида. – Тошкент: Ўқитувчи, 2000. – 207 б.
5. Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г. Интерфаол таълим сифат кафолати – Т.: Фан, 2008. – 81 б.

## МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ БИЛАН ИШЛАШДА ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

**Навбахор САЛАЕВА**

Психология фанлари номзоди Хоразм вилояти Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти “Педагогика, психология ва таълим менежменти” кафедраси мудири.

**Хусаин БЕКЧАНОВ**

Хоразм вилояти Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти “Педагогика, психология ва таълим менежменти” кафедра ўқитувчиси

*Аннотация. Мақолада таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил қилинишида жамоа, гуруҳдаги муносабатларда синфдаги етакчи, ўртача, ҳамроҳ ва тарбияси қийин ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ўлчашида темпераментини ҳисобга олиш масалалари ёритилган. Шунинг билан бирга, таълим жараёнини ташкил этишида ўқувчилар психикаси, характери, қобилияти, темпераменти типларининг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги ҳамда ушбу жиҳат буғунги кун таълимида долзарб мавзуга айланганлиги, ўқувчиларнинг психологик билиш механизмлари, нерв тизимининг кўзғалиш, тормозланиш жараёнларини ҳисобга олиш масалалари ҳақида батафсил ёритилган.*

*Калит сўзлар: ўқув- билув фаолияти, «тарбияси қийин» ўқувчи, бола шахси, жамоа, темперамент, холерик, сангвиник, флегматик, меланхолик.*

*Аннотация. В этой статье рассматриваются вопросы об организации эффективного учебного процесса с учетом психологических особенностей, разного рода способностей и темпераментов учащихся, таких как «лидер», «сопутствующий», «средне активный», а также «проблемные» учащиеся. Вместе с этим, рассматривается актуальность проблемы учета психики, типы характеров и индивидуальных способностей, механизмы познавательной деятельности, активизация нервной системы и ее торможения у учащихся при организации образовательного процесса.*

*Ключевые слова: учебно-познавательная деятельность, темперамент, особенности психологии ученика, воспитание, образование, управление, психологические механизмы.*

*Annotation. This article about the organization effective educational process considering psychological characteristics, different kinds of abilities and temperaments of students, such as the «leader», «facilitate», «middle active» and «problem» students. At the same time, taking into account the actual problems of the psyche, types of characters and abilities of the individual, the mechanisms of cognitive learning activity, activation of the nervous system and its braking students in the organization of educational process.*

*Key words: cognitive learning activity, temperament, psychological characteristics of the students, teaching and learning, psychological mechanisms.*

**Ж**амоани ташкил қилмай туриб, тарбиявий ишни муваффақиятли йўлга қўйиб бўлмайди. Бироқ ўқувчилар жамоасини мустақкам уюштириш ҳамда бу жамоани ўзининг ҳар бир аъзосига тўғри таъсир кўрсата оладиган кучга айлантириш учун жамоа олдида қўйиладиган умумий талабларни шу жамоанинг ҳар бир аъзосига нисбатан қўйиладиган алоҳида талаблар билан мослай олиш керак.

Бундан ташқари жамоада шундай ўқувчилар бўладики, улар ўқитувчининг таъсирига енгиллик билан бериладилар. Бундай ўқувчилар кўпинча ўқитувчининг биринчи ёрдамчиси ва жамоани ташкил этишда етакчилардан бири саналади. Мана шу икки хил гуруҳга, яъни «тарбияси қийин» ва «етакчилар» гуруҳига кирувчилар билан бирга жамоада «ўртача» деб аталадиган ўқувчиларни ҳам учратиш мумкин. Бу гуруҳга кирувчи ўқувчилар ўқитувчини ортиқча уринтирмайди, лекин шунга қарамай ўзлари «етакчи» бўла олмайдилар. Ана шу сабабли бу «ўртачалар» гуруҳига кирувчиларни «ҳамроҳ» ўқувчилар деб характерлайди. Бундай ўқувчиларнинг алоҳида хусусиятларини ўқитувчилар кўпинча нима учундир етарли равишда билмайдилар.

Агарда «ўртачалар» гуруҳига кирувчи ўқувчилар билан жиддий иш олиб борилмаса, ўқувчилар жамоасини ташкил қилиш юзасидан ҳақиқий муваффақиятга эришиб бўлмайди. Агар ҳақиқатда жиддий иш олиб борилса, илгари «ҳамроҳ» ёки «ўртача» ҳисобланган ўқувчи жамоасини ташкил этиш ва ўқитувчиларга ёрдам беришда илгарилар қаторига ўтиб олиши, шубҳасиз. Аксинча, агар жиддий иш олиб борилмаса, ўқитувчи тўсатдан «ўртачалар» гуруҳига кирувчи ўқувчиларнинг «тарбияси қийин» болалар гуруҳига тушиб қолганини кўриши мумкин. Шундай қилиб алоҳида муносабатда бўлишни фақат «тарбияси қийин» болалар билан чеклаб қўйиш мумкин эмас. Жамоа олдида қўйиладиган умумий талаблар шу жамоанинг ҳар бир аъзоси томонидан уларнинг алоҳида хусусиятларига кўра турлича бажарилади.

Демак, алоҳида муносабатда бўлиш деганда, биз шу жамоага кирувчи ҳар бир ўқувчининг алоҳида хусусиятларини ҳисобга олиб, тарбиявий ишни ташкил этишни тушунамиз. М.Г. Давлетшин ушбу жараёни ўқувчиларнинг хусусиятларини ҳисобга олиш ва алоҳида индивидуал ёндошув деб таъкидлайди<sup>1</sup>.

Алоҳида хусусиятлар деганда эса, бир ўқувчини бошқа бир ўқувчидан ажралиб турувчи ўзига хос шахсий хусусиятларини тушунамиз. Бундай шахсий хусусиятларга ўқувчининг қизиқишлари, қобилиятлари, темпераменти киради. Булар ўқувчи психикаси ва характериға доир муҳим хусусиятларнинг шаклланишиға сўзсиз таъсир кўрсатади. Ўқувчининг бундай алоҳида хусусиятлари қандай қилиб юзаға келади? Буларнинг юзаға келишиға асосан иккита омил таъсир кўрсатади.

Биринчи омил ўқувчиларға тарбия орқали таъсир кўрсатишдир. Ҳар бир ўқувчи бошқа ўқувчилардан ташкил топган муайян жамоада яшайди ва доимо шу жамоанинг ҳамда ўқитувчининг тарбиявий таъсирини сезиб туради.

Шунинг билан бирға, ҳар бир ўқувчи ўзининг махсус ҳаётий тажрибасиға эгадир. У доимо оиласининг ва ўзига яқин бўлган кишиларнинг алоҳида тарбиявий таъсирларини сезиб туради.

Иккинчи омил – туғма хусусиятлар, яъни ўқувчи туғилганда унда бор бўлган наслий хусусиятдир. Бундай хусусиятлар ҳам ўқувчи шахсининг юзаға келишиға таъсир этмай қолмайди. Наслий хусусиятларда биз даставвал боланинг темпераментиға оид хусусиятларига эътибор қиламиз. Чунки болаларға алоҳида муносабатда бўлишда уларнинг темперамент хусусиятларини ҳисобға олиш ғоят муҳимдир.

Ана шу иккала омилни, яъни тарбия таъсири орқали ҳосил қилинган хислатлар билан туғма хислатларни бирға қўшсак, ўқувчининг алоҳида хусусиятлари, унинг характери юзаға келади.

Умумтаълим мактаблари жамиятнинг ижтимоий институтларидан бири бўлиб, ўқувчининг бугуни эмас балки келажакка йўналтирилган ривожини белгилайди.

Мактаб ўқувчисининг ижтимоий фаол, ташкилотчи ва иқтидорли бўлиб шаклланишида ўқув – билув фаолиятининг аҳамияти катта бўлиб, уни туғри ташкил қилиш мақсадға мувофиқдир. Ўқувчилар гуруҳларида тарбиявий аҳамиятға эга бўлган ишларни тизимли ташкил қилиш гуруҳий муносабатлар, ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик асосида фаолият юритишни юзаға келтиради. Ўқувчилар жамоаси доим такомиллашиб борадиган уларда ёш хусусиятларининг ўзгариб бориши билан чамбарчас боғлиқ бўлган шахснинг индивидуал типологик хусусиятларнинг иерархик тарзда намўён бўлишиға ҳам боғлиқдир.

Ўқувчилар билан алоҳида, яъни индивидуал муносабатда бўлишнинг ўзи нима? Бу оддий тарбиявий воситалар етарли бўлмаган, шу сабабли таъсирға муҳтож бўлган айрим ўқувчиларға нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдир. Мана шу фикрға асосланган педагог асосий диққатини кўпинча «Тарбияси қийин» ўқувчиларға қаратади.

Г.Тўлаганова ўзининг “Тарбияси қийин ўсмирлар” рисоласида қуйидаги таърифларни келтиради

“Тарбияси қийин” ўқувчилар деб аввало, қайсар, инжиқ, беқарор, диққатини бир жойға жамлай олмайдиган ёки диққатини бутунлай бошқа бир нарсаға қаратган интизомсиз, кўпол, кайфияти тез ўзгариб турадиган ўқувчилар тушунилади<sup>2</sup>. Айнан ушбу хусусиятларға эга бўлган ўқувчиларни қизиқарли фаолият туриға тортиш ҳамда ҳамкорликда фаолият юритишға ўргатиш ўзига хос мураккаб жараён ҳисобланади.

Э.Ғозиев ўқувчи темпераментининг ўзига хос

хусусиятларининг ўзгарувчанлигини биологик, жисмоний ҳамда психологик жиҳатдан, объектив ва субъектив томонларига эътибор қаратишни ўзининг “Бошланғич синф ўқувчилари психологияси” рисоласида эътироф қилган<sup>3</sup>.

Албатта, бола шахсининг юзаға келишиға таъсир этувчи бу икки омилдан энг асосийси ва ҳал қилувчиси ўқувчиға кўрсатиладиган тарбиявий таъсирдир. Бироқ ўқувчи характерининг шаклланишида наслий хусусиятларнинг ва даставвал темперамент хусусиятларининг роли ҳам оз эмас. Темпераментнинг ўзи нима? Маълумки, одамлар ўзларига таъсир этиб турган ҳаётий ҳамда ижтимоий ҳодисаларға бир хил муносабатда бўлмайдилар. Айримлар тез ҳаракатли, жуда кучли таъсирланувчи, ҳиссиёти, ғоят тез қўзғаладиган бўлсалар, бошқа бир одамлар оғир, суст ҳаракатли, бирор нарсадан жуда кам таъсирланувчи бўладилар. Бунинг сабаби жуда кўп тадқиқотлар предметига айланиб, ҳар бир олим ва тадқиқотчи ўз эмпирик тажрибаларига таянган ҳолда ўз ҳулосаларини келтирганлар. Гиппократ, Абу Али Ибн Сино, Небилицин, Теплов, Кречмер ва Шелдон ҳамда ҳозирги замон психолог ва психофизиологлар темперамент турларининг асосида қандай физиологик жараёнларлар ётишини илмий асослашган.

Темперамент типлари одамға туғма равишда бериладиган нерв системасининг хусусиятларига боғлиқдир. Нерв системасининг бу хусусиятлари асосий нерв жараёнлари қўзғалиш ҳамда тормозланиш ҳодисаларнинг ўзига хос муносабатларида намўён бўлади. Айрим одамларда қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари кучли бўлса, бошқа бир одамларда кучсизроқ бўлади. Одамнинг темпераменти кўп жиҳатдан нерв системаси жараёнларининг ана шундай кучига боғлиқдир. Баъзи бир одамларда қўзғалиш жараёни тормозланиш жараёнидан устун бўлади. Бошқа бир одамларда эса, қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари куч жиҳатдан бир-бириға тенг, яъни ўзаро мувозанатлашган бўлади. Одамнинг у ёки бу типдаги темпераментға эга бўлиши нерв жараёнларининг ана шундай мувозанатлашувига ҳам боғлиқдир. Ниҳоят баъзи бир одамларда қўзғалиш жараёни энгил ва тез суръатда тормозланиш процесси билан алмашса, бошқа бир одамларда аксинча, бу нерв жараёнларининг ўзаро алмашинуви секин ҳамда қийин бўлади. Шундай қилиб, одам темпераментининг қандай типда бўлишиға нерв жараёнларининг тезлиги ва ҳаракатчанлиги ҳам, албатта таъсир этади.

Олимлар нерв жараёнларининг ана шу учта асосий хусусиятларини, яъни кучини, мувозанатлашувини ва тезлигини асос қилиб олиб тўрт хил темперамент турини физиологик асосини ташкил этган олий нерв фаолиятининг типларини аниқлаб беради. Қуйида шу тўрт темперамент турининг ҳар бирини қисқача таснифлаймиз.

Холерик типдаги ўқувчи олий нерв фаолиятининг кучли қўзғалувчанлиги ва мувозанатлашмаганлиги билан фарқланади. Бунда қўзғалиш жараёни тормозланиш жараёнидан устун туради. Бу тип темперамент шунинг билан характерланади, ана шу типдаги одам ҳаётий ҳодисаларға тўсатдан кескин равишда ва катта жўшқинлик билан муносабатда бўлади.

Холерик типига мансуб ўқувчи ғайратли, кўпинча фаол, ташаббускор ва қуйилган мақсадға сабот билан интиладиган, тез ҳаракат қиладиган

ва қатъий бўлади. У энтикиб тез гапирса ҳам, бироқ гаплари жуда ифодали ҳар – турли мимикаларга қўл, юз ҳаракатларига бой бўлади. Бундай ўқувчилар одатда ўзларининг ишга зўр қобилиятлари билан ажралиб турадилар.

Бошқа томондан тегишли тарбиявий иш олиб борилмаса, холерик темпераментдаги ўқувчиларда сержаҳллик, инжиқлик, кўполлик ва шунингдек, салбий хислатлар юзага келиши мумкин.

Сангвиник темпераментли ўқувчи олий нерв фаолиятининг кучли, тетик ҳаракатчан ва кўзғалиш ҳамда тормозланиш жараёнлари ўзаро мувозанатлашган типдир. Сангвиник темперамент ўзининг эпчиллиги ва ҳиссиётларининг тез кўзгалувчанлиги билан кўзга ташланиб туради. Унинг ҳиссиётлари ҳар турли мимикаларга бой бўлган ифодали ҳаракатларда, нутқидаги тезкорлиги билан ҳам яққол кўриниб туради.

Сангвиник бирор янги ишга тез қизиқиб, киришиб кетади-ю, бироқ бирпасда совиб қолиб, бу ишдан бошқа бир ишга ўтиб кета қолади. Сангвиник типга кирувчилар одамлар билан жуда енгил ва тез яқинлашадилар. Шунинг учун уларнинг жуда кўп ўртоқлари ва дўстлари бўлади. Сангвиник тетик, хушчақчақ, ҳаётдан мамнун ва ўзининг муваффақиятсизликларини тезда унутиб юборадиган одамдир. Мана шу типдаги темперамент асосида ўқувчиларни тетиклик, хушчақчақлик, дилкашлик билан тарбиялаш мумкин. Бироқ ана шу темперамент асосида ҳаётининг ҳодисаларга енгилтақлик билан қараш, бошлаган ишни охирига етказа олмаслик каби салбий хислатлар ҳам юзага келиши мумкин.

Флегматик темпераментга эга бўлган ўқувчи олий нерв фаолиятининг кучли мувозанатлашган, лекин кам ҳаракат яъни оғир типдир. Бу темперамент типдаги ўқувчи ҳаётининг ҳодисаларга ҳеч бир шошилмай, аста секин муносабатда бўлиши билан характерланади. Ташқи томондан қараганда флегматик ўқувчи жуда хотиржам, оғир ва вазмин кўринади. Лекин флегматик типдаги ўқувчи ишга киришса, бутун қонун-қоидаларга бўйсунган ҳолда, бошлаган ишини жуда катта қатъийлик билан охиригача етказади. Шунингдек, унинг ўртоқлари ва дўстлари кўп бўлмайди. Бироқ флегматик типдаги киши дўстлашадиган бўлса, дўстлиги қатъий ва узоқ йилларга етадиган бўлади. Флегметик ўзининг

хотиржамлиги, оғирлиги ва ишга жуда қобиллиги билан ажралиб туради.

Меланхолик темпераментли ўқувчи олий нерв фаолиятининг кучсизлиги билан ажралиб туради. Бу типдаги ўқувчиларда кўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари ҳам кучсиз бўлади.

Темпераментнинг бу типи ҳаётининг ҳодисаларга нисбатан зўр таъсирланувчанлик ва хушёрлик билан ажралиб туради. Меланхолик типдаги ўқувчи кўринишидан хотиржам, шошмасдан ҳаракат қиладиган, ифодасиз, секин товуш билан гапирадиган бўлади. Шунинг билан бирга меланхолик ҳаддан ташқари таъсирланувчанлиги билан фарқланади, ҳаттоки арзимаган бирор ҳодиса ҳам меланхоликнинг ички дунёсида бир талай кечинмаларни юзага келтиради. Узоқ вақтгача эсидан чиқара олмай, кайфияти бузилиб, таъби хира бўлиб юради.

Бошқача қилиб айтганда, ана шу икки асосий омил таъсири остида ўқувчининг ҳулқ-атвори шаклланади. Шунинг учун кўпинча ўқувчининг қилган ҳатти-ҳаракати темперамент хусусиятларига боғлиқми ёки тарбиянинг натижаси эканлигини аниқлаш қийин бўлади. Масалан, осойишталик, вазминлик ва ўз-ўзини тута билиш темпераментининг фақат флегматик типига кирувчи ўқувчиларда эмас, балки темпераментнинг бошқа турларида ҳам учратиш мумкин.

Психологларнинг фикрича, юқоридаги темперамент турларининг фақат тахминий тавсифидир. Уқитувчи ўқувчиларнинг темпераментларини ўрганар экан, шуни назарда тутиш керакки, ўқувчининг у ёки бу ҳатти-ҳаракати фақат темпераментининг хусусиятлари билангина боғлиқ эмас, балки ўқувчининг у ёки бу ҳатти-ҳаракатлари кўп жиҳатдан ташқи шароитга ва тарбияга боғлиқ бўлади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.Тўлаганова “Тарбияси қийин ўсмирлар” Тошкент 2002й
- 2.М.Г.Давлетшин ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология.Тошкент. ТДПУ .2004й.
3. Э.Ф. Фозиев Бошланғич синф ўқувчилари психологияси. Бухоро. 2001й

## ТАЛАБАЛАРДА МУЛЬТИМЕДИАЛИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Санобар СИДДИКОВА,

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти “Умумий педагогика ва психология” кафедраси ўқитувчиси

*Аннотация. Мақолада педагогик олий таълим муассасалари талабаларида мультимедиа ахборот технологияларидан фойдаланиш сифатларини шакллантириш муаммолари ўрганилган.*

*Калит сўзлар. Ахборот технологиялари, мультимедиа ахборот технологиялари, педагогика, педагогик технология.*

*Аннотация. В статье рассмотрены вопросы совершенствования качества использования мультимедийных информационных технологий у студентов.*

*Ключевые слова. Информационная технология, мультимедийный информационная технология, педагогика, педагогическая технология.*

*Annotation. In article interpreted questions of the improvement quality use to multimedia information technologies beside student.*

*The Keywords. Information technology, multimedia information technology, pedagogical, pedagogical technology.*

Педагогик олий таълимнинг мазмуни ва таркибида амалга оширилаётган туб ислохотлар талабаларнинг мустақил ижодий тафаккурини шакллантириш, уларнинг олдида пайдо бўлган муаммоларни мустақил ҳал қилишга доир билим, малака ва кўникмаларини ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида таълим жараёнида ҳозирги замон техника воситаларини, хусусан, компьютер воситасида ишлаб чиқиладиган мультимедиа ахборот технологиясини жорий қилиш заруриятини юзага келтирди [1-5].

Мультимедиа ахборот технологиялари жадал суръатлар билан ривожланиб такомиллашиб бораётган айни кунда дарс мазмуни талабаларга тўлақонли сингдириш ҳаммиша долзарб муаммо сифатида қолмоқда. Хусусан, талабаларнинг билимларини шакллантиришда мультимедиа технологиялардан фойдаланган ҳолда дарсни ташкил этиш ва шу орқали талабаларнинг билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш масаласи ҳали етарлича тадқиқ этилган эмас. Шундай экан, республикамизда олий таълим жараёнига ахборот технологияларини жадал татбиқ этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу вазифаларни сифатли амалга ошириш учун узлуксиз таълим тизими, шу жумладан, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари талабаларида ҳам мультимедиа ахборот технологиядан фойдаланишни шакллантиришга ёрдам берувчи педагогик шароитларни яратиш зарур. Талабаларда мультимедиа ахборот технологиядан фойдаланиш сифатларини шакллантириш келгусида ўзини нафақат етук мутахассис сифатида, балки умуман, баркамол шахс сифатида намоён этишида ҳам зарурдир.

Талабаларда мультимедиа ахборот технологиядан фойдаланиш сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш, нафақат психологик-педагогик муаммо, балки ижтимоий аҳамиятга эга эканлигига гувоҳлик беради. Талабалик даврида ахборот технологияларидан фойдаланиш сифатларини шакллантириш мустақиллик ва ўзини бошқариш ҳамда ривожланишга ёрдам беради, талабанинг ҳаётда фаол иштирок этиши имкониятини кенгайтиради. Шундай экан, бўлажак мутахассиснинг ўз касбий фаолиятига тайёрлашнинг самараси кўп жиҳатдан, уларни коллежда ўқитиш даврида талабаларда мультимедиа ахборот технологиядан фойдаланиш сифатларини шакллантириш жараёнининг психологик-педагогик асосларини ишлаб чиқилганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Талабаларда мультимедиа ахборот технологиялардан фойдаланиш сифатларини шакллантириш учун келгусида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади:

- талабаларда ўқиш ва ўқишдан ташқари вақтларда мультимедиа ахборот технологиядан фойдаланиш сифатларини ўстириш ва шакллантириш бўйича ўқитувчилар ишини самара-

дорлигини оширувчи йўллارини белгилаш;

- талабаларни ўқиш ва ўқишдан ташқари фаолиятларида мультимедиа ахборот технологиядан фойдаланиш сифатлари моҳиятини очиб бериш;

- талабаларда мультимедиа ахборот технологиядан фойдаланиш сифатларини шакллантириш жараёнига таъсир этувчи асосий шарт-шароитлар ва омилларни аниқлаш;

- мультимедиа ахборот технологиядан фойдаланиш сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ўқитувчилар ва талабалар учун илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Айни вақтда Жиззах давлат педагогика институти таълим жараёни, ўқитувчилар (ўқитиш) фаолияти ҳамда талабалар (ўқиш) фаолиятларида мультимедиа ахборот технологиядан фойдаланиш сифатларини шакллантириш бўйича тадқиқот ва қузатувлар олиб бордик ва талабаларда мультимедиа ахборот технологиядан фойдаланиш сифатларини шакллантиришни асослаб бериш учун, уларни фаолиятида мультимедиа ахборот технологиядан фойдаланиш эгаллаганликлари даражасини аниқлашга имкон берувчи мезонлар ишлаб чиқилди ва талабаларда мультимедиа ахборот технологиядан фойдаланиш сифатларини шакллантириш ва ривожлантиришни таъминловчи жараён модели лойиҳалаштирилди. Талабаларда мультимедиа ахборот технологиядан фойдаланиш сифатларини шакллантириш бўйича педагогика факультети ўқитувчиларининг ишларида зарур бўлган педагогик шароитлар тадқиқ этилиб, талабаларда мультимедиа ахборот технологиядан фойдаланган ҳолда касбий сифатларини шакллантириш бўйича талабалар билан ишларни ташкил этиш ва ўтказишда ўқитувчи (айниқса, ёш ўқитувчи)ларда асосий қийинчиликлар аниқланди. Факультет талабаларида ўқитиш даврида мультимедиа ахборот технологиядан фойдаланиш сифатларини шакллантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мумкинлиги аниқланди:

- педагог - ўқитувчилар мультимедиа ахборот технологиядан фойдаланиш сифатларини шакллантириш бўйича билим ва иш методикасини эгаллаган бўлиши;

- ўқитувчиларда талабалар мультимедиа ахборот технологиядан фойдаланиш сифатларини ўзлаштириш даражаларини кўтаришга ёрдам берувчи мультимедиа ахборот технологиялардан фойдаланиш сифатлари мавжуд бўлиши;

- профессор-ўқитувчиларни ҳар бир талабага шахсий-индивидуал ёндашуви, уларда мультимедиа ахборот технологиядан фойдаланиш сифатларини шакллантириш бўйича иш самарадорлигини таъминланиши;

- талабаларда мультимедиа ахборот тех-

нологияларидан фойдаланиш сифатларини ўстириш ва шакллантириш ҳамда уни турли хил фаолиятларда намоён бўлиши, факультет жамоасини ҳамкорликдаги педагогик таъсирига боғлиқ бўлиши аниқланди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Закирова Ф., Мухаммадханов У., Шарипов Ш. ва бошқалар. Электрон ўқув-методик мажмуалар ва таълим ресурсларини яратиш методикаси. Методик қўлланма. – Тошкент: ОУМТВ, 2010. – 64 б.
2. Ибрагимов Х.И., Тайлақов Н.И. Янги авлод дарс-

ликларини яратишнинг дидактик тамойиллари // Узлуксиз таълим. – 2005. – № 1. – Б. 9-15.

3. Лутфуллаев М.Х. Мультимедиа элекрон дарсликлар асосида таълим тизими самарадорлигини ошириш • Таълим ва тарбия. – 2003. – № 3–5. – Б. 55–57.

4. Ҳамдамов Р., Бегимкулов У., Тайлақов Н. Электрон ўқув-услубий мажмуалар. – Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2010. – 144 б.

5. Ходжабаев А.Р. Научно-педагогические основы учебно-методического комплекса подготовки учителя труда: Дис. ... докт. пед. наук. – Ташкент: Қори Ниёзий номидаги УзПФТИ, 1992. – 406 с.

## МАЛАКА ОШИРИШ

# ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР БЎЙИЧА МАЛАКА ОШИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Муҳаммадий УСМОНОВ,

Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти профессори, юридик фанлари доктори

*Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида раҳбар ва педагог ходимларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, улар томонидан ҳуқуқий билимларни чуқур ўрганиш ва уни амалиётга қўллай олишни самарали ташкил этиши, тингловчиларга етказиш усул ва воситалари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган.*

*Калит сўзлар: ҳуқуқий билимлар, малака ошириш, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти.*

*Аннотация. В статье изложены таких вопросов, как о повышении политическое и правовое сознание руководящих и педагогических работников в условиях построения демократического государства и гражданского общества в нашей стране, всестороннее и глубокое изучения ими правовых знаний и их применения на практике, о средствах и методах преподавания слушателям правовых знаний в современных условиях.*

*Ключевые слова: правовое знание, повышение квалификации, правовое сознание, правовая культура, демократическое правовое государство, гражданское общество.*

*Annotation. The article presents issues such as improving political and legal consciousness of management and teaching staff in terms of building a democratic state and civil society in our country, all-round and in-depth study of legal knowledge and reference to the practice of the means and methods of teaching sluschatelnyam legal knowledge in modern conditions.*

*Key words: legal knowledge, training, legal consciousness, legal culture, democratic legal state and civil society.*

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши муносабати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотлар жараёнида ҳуқуқий билимларни эгаллаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабдан, бугунги кунда мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишни жадаллаштириш, Юртбошимиз асарлари, нутқларида куйилган вазифаларнинг ижросини амалда таъминлаш жараёнида раҳбар ва педагог ходимларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини юксалтириш учун улардан ҳуқуқий билимларни чуқур ўрганиш ва уни амалиётга қўллай олишни самарали ташкил этиш тақозо этилади.

Мамлакатимизда ҳуқуқий билимларни ўргатишга бўлган эътиборнинг ривожига бевосита Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши билан ҳамбарчас боғлиқдир. Истиқлол шарофати туфайли ҳуқуқий билимларга нисбатан муносабат ҳам, талаб ҳам тубдан ўзгарди. Ҳуқуқий билимлар жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фаол бунёдкор куч сифа-

тида майдонга чиқди. Халқаро тажрибани ўрганиш шуни кўрсатадики, барча мамлакатлар таълим тизимида ҳуқуқий билим соҳаси алоҳида ўринда туриб, у жамиятни муваффақиятли тараққиётга элтвучи куч сифатида муҳим аҳамият касб этади ва унинг ривожланиш даражаси мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий хавфсизлигига катта таъсир этади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан жамиятимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов раҳнамолигида дунёда муқобили бўлмаган ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб олди. Бу йўлнинг асосий мазмуни демократик ҳуқуқий давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, турли хил мулк шакллари асосланган бозор иқтисодиётини шакллантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган тизимни яратишдан иборатдир. Янги давлатчиликни шакллантиришнинг беш тамойилини ўзида қамраб олган “ўзбек модели” дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилиб, бу ўз-ўзидан ҳуқуқий билимларни эгаллаш, қонун устуворлиги тамойили тўғрисида аниқ тасаввурга

эга бўлиш зарурлигини талаб этади.

Маълумки, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан давлат ҳокимиятини ташкил этиш, давлат бошқарувини жаҳон стандартлари асосида йўлга қўйиш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимини шакллантириш бўйича жаҳондаги илғор тажрибани ҳамда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятини эътиборга олиб шакллантириш ғояси илгари сурилди. Фуқаролик жамияти институтлари ривожлантирилиб, пировардида, кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари илдам қадамлар ташланди. Ҳокимиятлар тақсимланишининг таъминланиши, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг бир палатали тизимдан икки палатали профессионал парламентга айланиши, одилona сайлов тизимини яратиш ва уларнинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш бевосита давлатимиз раҳбарининг ғоялари ва фикрлари асосида амалга оширилди.

Ушбу ўзгаришларнинг моҳиятини англаб етиш ва ёш авлод онги-шуурига сингдириш вазифаси замонавий фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш ва такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шу муносабат билан ўтган йиллар мобайнида миллий таълим тизимини тамомила янигидан ислоҳ қилиш борасида мамлакатимизда салмоқли ишлар амалга оширилди. 2012 йил 16-18 февраль кунлари “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусидаги узлуксиз таълим ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг ўзбек миллий моделини ўрганишга бағишланган халқаро конференция ўтказилиб, унда халқаро экспертлар миллий таълим тизимимизга юксак баҳо бердилар. Шунингдек, мустақиллик йилларида ҳуқуқий билимларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилиб, шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишларини яхшилаш” (1997 йил 25 июнь) қарори ҳамда “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури” (1997 йил 29 август) қабул қилинди.

Бундан ташқари, Юртбошимиз “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Концепцияда маъмурий ҳуқуқбузарлик соҳасидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш чораларини белгилаш, ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар

тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар механизмини ишлаб чиқиш ҳуқуқий билимларни эгаллашнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида оқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга кўра, олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари сифатида олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг педагогик ва касб даражасини мунтазам ошириш асосида уларнинг қонунчилик нормалари, назария, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳасидаги сўнгги ютуқларни чуқур ўрганиш, олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг глобал интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда, замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаш ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши, олий ўқув юртлари педагог кадрларининг чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириш ва ундан ўз касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ошириб бориши учун кенг фойдаланиш масалалари белгиланди.

Ушбу фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда “Ҳуқуқ масалалари” модули бўйича малака ошириш курслари тингловчилари мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ҳамда эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий шакллари ва воситаларини чуқур англашлари, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини ривожлантириш муносабатларини таҳлил қила олишлари, Ўзбекистонда парламентаризм ривожланиши истиқболлари бўйича тасаввурга эга бўлишлари, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни халқаро стандартлар даражасига кўтариш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқа олишлари лозимлиги талаб этилади.

Шундан келиб чиқиб А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ тингловчиларига “Ҳуқуқ масалалари” модули бўйича малака ошириш курсида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тушунчаси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унга кiritилган ўзгартириш ва қўшимчалар, бола ҳуқуқлари кафолатларининг миллий ва халқаро-ҳуқуқий асослари, одам савдосига қарши курашнинг ҳуқуқий асослари ва механизмлари, таълим муассасаларида меҳнатга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари, таълим муассасалари юридик шахс сифатида, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жавобгарлик турлари мавзуларида ўқув машғулоти олиб борилиб, улар компьютер технологияла-

ридан кенг фойдаланиланган ҳолда слайдлар, кўргазмалар, кўрсаткичлар, тарқатма материаллар, тестлар ўтказиш шаклида ўтказилиб, пировардида ушбу курслар раҳбар ва педагог кадрларнинг ҳуқуқий билимини оширишга хизмат қилмоқда. Ҳуқуқий курси жараёнида мавзуларни тўлиқ ўзлаштириш учун раҳбарий адабиётлар, ўқув адабиётлари ва қонун ҳужжатлари тўғрисида тўлиқ маълумот берилади.

Халқ таълими вазирлиги тизимидаги малака ошириш институтлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларда ўқув жараёнини янада яхшилаш мақсадида, бизнингча, биринчидан, ушбу муассасаларда илмий мақола, рисола, ўқув қўлланмалари тайёрлаш ва уларни нашр этиш масаласига жиддий эътибор қаратиш, иккинчидан, халқаро илмий алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, учинчидан, педагог кадрларнинг чет тилини билиш ва компьютер технологиясидан мукамал хабардор бўлишига эришиш, тўртинчидан, малака ошириш институтларида дарс берувчи профессор-ўқитувчилар таркибининг малакасини оширишга катта эътибор қаратиш, чунончи, профессор-ўқитувчилар мамлакатимизнинг етук малака ошириш марказлари (Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, "Истеъдод" жамғармаси, Юристар малакасини ошириш маркази, Олий педагогика институти, Жаҳон тиллари университети ва ҳ.к.) да, хорижийнинг етакчи олий таълим муассасаларида малака оширишлари ва тажриба алма-

шишлари, бешинчидан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини кўтариш, шунингдек, ёш авлод-ни маънавий-маърифий тарбиясини ошириш учун профессор-ўқитувчилар томонидан ҳуқуқий тарғибот ва маънавий-маърифий тадбирлар, масалан, Конституциянинг мазмун-моҳияти, инсон ҳуқуқлари, сайлов жараёнлари, одам савдосига қарши кураш каби мавзуларда учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу тадбирларни амалга оширишда турли усул ва шакллар (давра суҳбатлари, дебатлар, маҳаллаларда учрашувлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, кўчма семинарлар, тренинглар, маърузалар, коллоквиум ва ҳ.к.)дан фойдаланиш яхши самара беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.:Ўзбекистон, 2010

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 йил 22 июнь, 24-сон, 312-модда

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишларини яхшилаш" (1997 йил 25 июнь) қарори.

## МЕТОДИКА

### ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ТОПОНИМЛАРДАН Фойдаланиш

(Мустақиллик йиллари ижтимоий-гуманитар журналлардаги мақолалар асосида)

**Дилноза АБДУЛЛАЕВА,**

Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти "Табиий ва аниқ фанлар таълими" кафедраси катта ўқитувчиси

*Аннотация. Мақолада ёшларга таълим-тарбия беришда география фанининг ўрни, мактаб география таълимида географик объектлар ва топонимларнинг ўрганилиши. Географик жой номларини тўғри талаффуз қилиш ва ёзиш масалалари. Шунингдек, мақолада топонимларнинг ўқувчиларда ватанпарварлик, миллий ғурур, ифтихор туйғуларни шаклланишидаги ўрни ҳақида фикр юритилган.*

*Таянч сўз ва тушунчалар: География ўқитилиш методикаси, географик объектлар, жой номлари, сўзлар этимологияси, аҳоли манзилгоҳлари, ономастика.*

*Аннотация. В статье подробно изложено значения предмета географии в обучении и воспитании школьников средней общеобразовательной школы. Автор статьи обосновывает проблемы изучения учебного предмета географии средней общеобразовательной школы. Акцентирует внимание на требованиях правильного использования топонимических понятий учащимися средней общеобразовательной школы. В статье также освещены вопросы формирования идеи национальной независимости, патриотизма любви к Родине.*

*Ключевые слова: методика преподавания географии, географические объекты, название мест, этимология слов, населенные пункты, ономастика.*

*Annotation: In this article the role of Geography on upbringing youth, issues on studying toponyms and Geographic objects in teaching Geography at schools, attentions to toponyms, correct pronunciation of Geographical names of places and issues of correct writing of them, also, the role of toponyms on forming the feelings of patriotism and national pride are discussed.*

*Key words: Methodology of teaching Geography, Geographical objects, names of places, etymology of words, living areas of people, onomastics.*

Бугунги кун ёшларига таълим-тарбия беришда, уларни ҳар томонлама баркамол, етук, меҳнатсевар қилиб тарбиялашда география фани катта аҳамият касб этади. География фанининг жадал юксалиши ва уни ўқитиш методикасининг такомиллаша бориши, ҳозирги фан ва техниканинг юксак тараққиёти мактаб географияси мазмунини ҳам тубдан ўзгартирмоқда. Шунингдек, география фанида миллионлаб географик объект номлари ўрганилиши ҳам ҳар бир фан ўқитувчисининг асосий вазифаларидан бирига айланяпти. Аммо бугунги кунда мактаб география фани ўқитувчиларидаги топонимикага оид билимларининг етарли эмаслиги ўқувчиларнинг ўзи яшаётган ҳудуд, туман, ўлка ҳақидаги билимларнинг етарли даражада ўзлаштирилмаётганлигини кўрсатмоқда. Зеро, мактаб география дарсларини ўқитишда топонимларга алоҳида эътибор бериш зарур. Қуйи синфларда ўқувчилар 50-100 тагача, юқори синфларда эса бир неча юзлаб топонимларга дуч келади. Ўқитувчи бу объектларни номинигина эмас, балки объект ҳақида тасаввур ҳосил бўлиши учун номнинг қисқача изоҳи, маъноси, келиб чиқиш тарихи ҳақида маълумотларни ҳам бериб ўтиши лозим. Бу эса уларда ушбу объект ҳақидаги билимларининг узок вақт муҳрланиб қолишига ёрдам беради.

География фани ўқитилишини жой номларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Географик жой номлари шу қадар кўпки, уларнинг сонини аниқ билишнинг иложи йўқ. Ҳ.Ҳасановнинг ёзишича, майдони Ўзбекистонга тенг келадиган Швецияда 12 млн жой номлари мавжуд экан. Аммо Ўзбекистонда ҳанузгача бундай маълумотлар йўқ. Ўқувчилар билим-салоҳиятини ошириш турли объектларга қўйилган жой номлари, улар мазмунини тушуна олиши, хусусиятлари ҳақида етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлари, жой номларини тўғри ёзиш ва тўғри талаффуз қилишлари талаб қилинади.

Президентимиз И.А.Қаримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарига шундай таъкидлаган: “Тарих ҳақиқати шуни кўрсатдики, томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш хисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин”. – Ўқувчилар томонидан топонимик объект ҳақидаги эгалланган билим, кўникма ва малакалар ўқувчиларда юқорида таъкидланган ватанпарварлик, миллий қадриятларга ҳурмат, ифтихор туйғуларини шакллантиради, озод халқнинг муносиб фарзанди, мустақил мамлакатнинг фидойи фуқароси бўлишга ундайди. Бугунги кунда ўқувчилар, энг аввало, мамлакатимиз ҳудудида жойлашган ҳар бир ҳудуд, маҳалла, вилоят ва шаҳарлар номларини, уларнинг маъносини билиши зарур. Шундагина улар юртимиз ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлади.

Республикамиз ҳудудида жойлашган қадимий ва кўҳна шаҳарлар, хусусан, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Хива ва шу каби муқаддас қадамжолар номлари маъносини ўргатиш ҳар бир география фани ўқитувчисининг вазифасидир. Зеро, бу каби жой номлари одатда таржима қилинмасдан ҳамма тилларда деярли бир хил ёзилади ва та-

лаффуз қилинади. Масалан, Самарқанд деганда, республикамиздаги Зарафшон дарёси соҳилида жойлашган гўзал тарихий шаҳар тушунилади. Бухоро дейиш билан Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳри, шу номли вилоят маркази кўз ўнгимизда намоён бўлади. Бухоро - 2500 йиллик тарихга эга бўлган бу шаҳар турли даврларда Нумижкат, Бумискат, Мадинат ус-Суфрия, яъни “Мис шаҳри” деб номланиб келган. Бухоро сўзининг этимологияси аниқ эмас, лекин санскритча Вихара сўзидан олинган бўлиб, “ибодатхона” маъносини билдиради деган маълумотлар бор.

Фарғона водийси – Ўрта Осиёдаги йирик тоғ водийларидан бири. Фарғона водийсининг бир неча изоҳлари бор. Лекин ҳақиқатга яқини қадимги форс тилидаги паргана “берк водий” деган маънони билдиради, яъни ҳар тарафи тоғ, бир томони очиқ бўлган водий маъносида. Аммо Помирдаги рушон шевасида парканат сўзининг “тўғон” маъноси ҳам бор экан.

Самарқанд – Ўрта Осиёдаги энг кўҳна шаҳарлардан биридир. Афросиёб, Мароқанда, Самариана, Самаранка, Саканна, Сан-Манген ва Самакиан каби номлари мавжуд бўлган. Лекин Ҳ.Ҳасанов бу изоҳлардан иккитаси ҳақиқатга яқинлигини турли манбалар асосида тушунтириб, шундай таъкидлайди:

1. Самизкант – бой шаҳар, улуғ шаҳар;
2. Йиғин жойи, маслаҳат қишлоғи.

Тошкент – Ўзбекистон пойтахти. Икки минг йиллик тарихга эга бўлган шаҳар. Ёзма манбаларда Чоч, Жож, Шош, Чжеши, Ташихан, Лифивос, Афросиёб, Бинкент, Таркан каби номлари билан аталгани қайд қилинади. Бу сўзлар ўзагида “тош” сўзи бўлиб, икки минг йилдан ортиқ вақт мобайнида сақланиб келмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 августдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объектларга ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида” 383-сонли қароридан келиб чиқиб жой номларининг муайян тарихий лисоний ва жойнинг антропоген ўзгаришидан олдинги тарихи ва табиатининг бўртик қирраларини ўзида муҳрлаган географик номларни асраш, миллий қадриятларнинг таркибий қисми сифатида таълим ва тарбияда фойдаланиш масалалари алоҳида таъкидланган. Таълимнинг миллий дастури талабига мувофиқ ўрта мактаб география таълим ДТС да “География бутун ер сайёрасининг табиати, хўжалиги ва аҳолини бир бутун ўргатишга мўлжалланган ягона ўқув предмети эканлиги алоҳида таъкидланганки, сайёрамиздаги барча географик объектлар номларининг фақат жойлашувини билиш билан чегараланмасдан номлар тарихи ва маъносини билиш—география фанининг қизиқарли фан деган рамзий таърифини оқлайди”. Зеро, география мутахассислиги географик объектнинг тарихи, табиий хусусияти ҳозирги ҳолати, географик ўрни, қайси халқ тилидан олинганлигини билиш география фанининг оммабоплигини оширади.

Мактаб географиясида географик номларнинг тўғри ёзилиши жуда муҳим ва мураккаб масала ҳисобланади. Чунки, географик номдаги бирор ҳарф нотўғри ёзилса, маъно бутунлай ўзгариб кетиши мумкин. Масалан, “Қоракўл” (Қирғизистондаги дарё), Қоракўл (Тожикистонда-

ги кўл). “Қ” ҳарфи “К” ҳарфига алмашиб қолиши, дарё кўлга айланиб, жойи ўзгариб кетади. Уқитувчи мана шу каби топонимларни тўғри талаффуз қилиши, ўқувчиларга мазмун-моҳиятини очиб бериши лозим. Географик номларнинг ёзилишида чалкашликлар кўп учрайди, уларни тўғри ёзиш жуда муҳимдир. Бу халқнинг билим ва маданий савиясини кўрсатади. Кундалик матбуотда, хусусан, газеталар, журналларда, радио ва телевидениеда, дарсликларимиз ва бадиий адабиётларда жуда кўп географик номлар учрайди. Аммо бу номларнинг ҳаммаси ҳам асосли эканлигига ишонч йўқ. Уқувчилар мана шу каби топонимлар ҳақидаги энг тўғри маълумотни мактаб география дарсларидагина оладилар. Бунинг учун эса, аввало, ўқитувчисининг ўзи ушбу топонимлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши керак. Шундай давлатлар, шаҳарлар борки, улар ҳар хил талаффуз қилинади, ҳар хил ёзилади. Масалан, Германия давлати баъзида Олмония тарзида, Франция давлати Фарангистон тарзида, Туркия давлати Турция тарзида ишлатилади. Ушбу давлатларнинг ёзилиши ва талаффуз қилинишида Германия, Франция, Туркия деб айтиш ва ёзиш лозим.

Топонимика шаҳарлар, қишлоқлар, дарёлар, кўллар, тоғлар каби географик номларни, уларнинг келиб чиқилини, тарихини ўрганар экан, бу фан тилшуносларга ҳам, тарихчиларга ҳам бой илмий материал беради. Географик номлар, яъни топонимлар тил луғат таркибининг бир қисми бўлиб, тил қонуниятларига бўйсунди. Албатта, сўзни тилшунослик - лингвистика фани ўрганиши керак. Демак, топонимика атоқли отларни ўрганадиган ономастика фанининг бир қисми бўлиб, тилшунослик фанлари қаторига киради.

Географик номлар хаританинг энг муҳим элементи сифатида бирон мамлакат ёки ўлка табиатининг хусусиятларини акс эттиради. Ана шу нуқтаи назардан топонимикани географик фанлар жумласига киритиш мумкин. Шу билан биргаликда, жой номлари жамият тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Жойларга қандай ном бериш аввало, жамиятнинг муайян босқичдаги эҳтиёжлари билан белгиланади. Жой номлари тарихини билмасдан туриб топонимика билан шуғулланиш кутилган натижани бермайди. Ана шунинг учун ҳам топонимика тарих фанлари қаторидан ўрин олади.

Демак, топонимика учта катта соҳа: тилшунослик, география, тарих оралиғидаги фандир. Шу боис топонимиканинг фактлари характер жиҳатдан хилма-хил бўлган лингвистик, тарихий ва географик материал жалб қилингандагина тўғри изоҳлаб берилиши мумкин.

Географик номлар манзилгина эмас, балки кўпдан-кўп ахборот-тарихий, географик, лингвистик маълумот ташийдди. Ҳар қандай географик ном муайян мазмунга эга, маъносиз ном бўлмайди. Лекин кўпгина жой номларининг маъноси йўқолган, аниқроғи ҳозирги кишилар учун тушунарсиз бўлиб қолган. Топонимлар турли асрлар меваси бўлиб, узоқ даврлар яшайди. Қадимий тилларда қўйилган ном кейинги халқлар учун оддий топонимдан бошқа нарса эмас. Унинг қандай маънони англатиши ҳақида ҳар доим ҳам ўйлаб ўтиришмайди. Географик номлар турли даврлар гувоҳи. Турли соҳа олимлари - тилшунослар, географлар, тарихчилар, археологлар,

геологлар, этнографлар топонимикага мурожаат қиладилар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин унинг ҳудудида географик номларнинг кўпчилиги ўзгарди ва ўзгармоқда. Ўзбекистондаги географик объектларга Россия империяси босиб олгандан кейин собиқ Совет даврида қўйилган номлар қайта кўриб чиқилиб, уларга ўзларининг қадимий тарихий номлари қайтарилмоқда, Мустақиллик билан боғлиқ янги номлар пайдо бўлмоқда.

Географик атама ва номлар таълими «Ўзбекистон Давлат тили» (1989 йил 21 октябр) ва «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал қилиш тўғрисида» (1996 йил 21 декабр) ги қонунларни ҳаётга татбиқ этиш замон талабларига жавоб берадиган география ўқитувчиларини тайёрлаш муносабати билан катта амалий аҳамиятга эгадир. 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ҳақидаги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қабул қилди. Давлат тили ҳақидаги қонун (янги таҳрирда) тасдиқланди, унинг 22-моддасида шундай дейилган: «Республиканинг маъмурий ҳудудий бирликлари, майдонлари, кўчалари ва географик объектлари номлари Давлат тилида акс эттирилади», «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида» қонунида таъкидланишича ушбу қонун маъмурий ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмларига, шунингдек корхоналар мусассасалар ташкилотлар, табиий географик, геологик ва бошқа объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартибини белгилайди.

1996 йил 31 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларни тартибга солиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда жойларда топонимик объектларнинг эски тузумга хизмат қиладиган, халқимизнинг тарихий-миллий аънаналарига боғлиқ бўлмаган номларнинг сақланиб турганлиги қораланди ва бошқа номлар билан алмаштириш лозимлиги, бу ишни бошлаш ва тугаллашни аниқ муддати белгиланди.

География фанининг ўқитиш орқали ҳар дарсда турли тилдаги жой номлари билан таништирилади. География фанида ўтилаётган дарслар янада қизиқарлироқ бўлиши учун, шунингдек, фанни топонимика билан боғлаб ўтишда географик ўйинларнинг роли каттадир. Бундай ўйинларга номлар ўйини (номларга оид) савол жавоблар, географик лото, викторина ва кроссвордлар мисолдир. Шу билан бирга, қизиқарли саволлар бериш орқали ўқувчиларни харитани ўрганишга даъват этиш мумкин. Масалан, Элбурс, Элбрус ва Эребус номлари қаерда жойлашган (жавоб Элбурс Эронда, Элбурс Кафказда ва Эребус Антарктидада) ёки Тошбақа ороллари, Айиқ кўли, Кенгуру ороли, Илон ўтди дараси, Қирғий ороли, Ит ороллари, Эчки ороли қаерда жойлашган (жавоб Тошбақа ороллари-Галапагос ороли, Айиқ кўли – Шимолий Америкада, Кенгуру ороли – Ав-

стралияда, Илон ўтди дараси – Жиззах вилоятида, Қирғий ороли – Азор ороли, Ит ороллари-Канар ороли, Эчки ороли Капри оролидир). Шу каби қизиқарли маълумотлар орқали ўқувчиларнинг география фанига бўлган қизиқишларини ошириш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Республикамизда таълим олаётган ҳар бир ўқувчи аввало, Ватан географиясини билишлари, ундаги ҳар бир топонимик объектнинг маъносини чуқур англаб етишлари зарур. Бу вазифани амалга ошириш кўп жиҳатдан география фани

ўқитувчиларининг зиммасига тушади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чоратадбирлари ҳақида”ги 295-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 41-42-сон, 483-модда.

## TARIXNI DAVRLASHTIRISH MASALALARI

**Nigora EGAMBERDIYEVA,**

Nizomiy nomidagi Toshkent Davlat pedagogika universiteti “Jahon tarixi” kafedrasida dotsenti

**S.X.YESBERGENOVA,**

O‘zbekiston Davlat San’at va Madaniyat instituti Nukus filiali dotsenti

*Annotatsiya. Tarixni davrlashtirish masalasi tarixni o‘rganishda muhim hisoblanadi. Davrlashtirishda har bir hududning o‘ziga xos rivojlanish qonuniyatlarini har tomonlama chuqur o‘rganish va ularni obyektiv, aniq, birlamchi manbalar asosida tadqiq qilish va xulosa berish lozimligi ta’kidlangan. Maqolada XIX-XX asrlardagi davrlashtirish masalalari bayon qilingan. A.Asqarovning “O‘zbek xalqining kelib chiqish tarixi” monografiyasida keltirilgan tarixini davrlashtirish masalasi to‘g‘risida o‘z fikr mulohazalarini berganlar. Shuningdek, tarix fanida keng qo‘llanilayotgan davrlar, ularning bosqichlari va sanalari keng yoritilgan. Lekin tarixchilarning tarixiy davrlashtirish bo‘yicha yagona fikrga kelishlari lozimligi ta’kidlangan.*

*Tayanch so‘zlar: Davrlashtirish, mustaqillik, davr, bosqich, ibtidoiy, urug‘chilik, matriarxat, patriarxat, harbiy demokratiya, qadimgi, o‘rta asrlar, yangi davr, eng yangi davr.*

*Аннотация. Вопросы периодизации истории имеет большую роль в изучении истории. Объективно и всесторонно, на основе первоисточников надо исследовать и делать выводы о своеобразном развитии периодизации каждого региона. В статье рассматриваются вопросы изучения периодизации в XIX-XX веках. Свой взгляд изложили на вопросы периодизации в монографии академика А.Асқарова “История происхождения узбекского народа”. Таким образом, в статье отражены периоды, их этапы и хронологии которые широко используются в истории. Однако историки не могут еще прийти к единому мнению в вопросах исторической периодизации.*

*Ключевые слова: Периодизация, независимость, период, фаза, первобытный, клановость, матриархат, патриархат, военная демократия, древний, средневековье, новая эра, новейшая эра.*

*Annotation: The questions of history periodization has a major role in the study of history. Objectively and comprehensively, on the basis of primary sources is necessary to investigate and make findings o peculiar development periodization each region. The article discusses the study of periodization in XIX-XX centuries. The view of the periodization outlined in the monograph of Academician A.Askarov «The origins of the Uzbek people.» Thus, the article shows the periods and chronology of the stages which are widely used in history. However, historians still can not reach a consensus in matters of historical periodization.*

*Keywords: periodization, Independence, period, primitive, stage, the clan, matriarchy, patriarchy, military democracy, ancient, middle age, a new period, the latest period.*

Har bir davr o‘ziga xos iqtisodiy, siyosiy asosga, moddiy, ma’naviy va madaniy turmush tarziga ega. Davrlarning o‘ziga xos xususiyatlarini to‘liq anglash tarixiy voqealarni haqqoniy baholashda va o‘sha davr ruhiyatini to‘liq anglashda muhim ahamiyat kasb etadi. Insoniyat tarixi turli xil yillar hisobiga bo‘ydir. Har bir davrda har bir xalq o‘zining yashagan davrini turlicha yil hisobi bilan olib borishgan. Bunday yil hisoblarini aniqlash xalq tarixini izchil va haqqoniy yoritishda muhim ahamiyat kasb etadi. Lekin bu jarayon tadqiqotchilardan ko‘p mehnat va izlanishni talab qiladi. Ba’zi yozma manbalardagi yil hisoblari noma’lumligicha qolmoqda va tarixchilar orasida bahs-munozaralarga sabab bo‘lmoqda. Jumladan, Abu Rayhon Beruniyning «Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar» asarida qanday yil hisobidan foydalangan haligacha aniqlangan emas.

Asarda yozilishicha, Xorazmga odamlar Iskandar Zulqarnayndan rosa 980 yil avval kelib joylashganlar [3.44-bet]. Olimlar buni o‘rganib 1292 yil, ya’ni mil. avv. XIII asrga to‘g‘ri kelishi mumkin degan fikrlarni ilgari surganlar. Lekin qadimgi Xorazm hududida olib borilgan arxeologik tadqiqotlar bundan ancha ilgari bu hududda ibtidoiy qabilalar yashaganligini isbotlaganlar. Shuningdek, Xorazm hududida ilk davlatchilik izlari ham keyingi davrlarga, ya’ni mil.avv. VII–VI asrlarga mansubligini arxeologik izlanishlar ko‘rsatmoqda. Tadqiqotning bu jihati Abu Rayhon Beruniyning o‘ziga xos yil hisobidan foydalanganligi ni ko‘rsatadi.

Tarixni davrlarga bo‘lib o‘rganish XVIII–XIX asrlarda ham keng muhokama mavzusi bo‘lib kelgan.

XIX asr o‘rtalaridan tarixni ishlab chiqarish usuli va mulk xarakteriga qarab davrlashtirish g‘oyasi

ilgari surilgan. XX asrda bu g'oyalar kommunistik g'oyaga moslashtirilib, rivojlantirildi. Butun insoniyat tarixi 5 ta ijtimoiy-iqtisodiy formatsiyaga: ibtidoiy jamoa tuzumi, quldorlik, feodalizm, kapitalizm va sotsializmga bo'linadi. Barcha mamlakatlar bunday formatsiyalarni bosib o'tgani va bosib o'tishi lozimligi ta'kidlandi. Bu g'oya barcha ilmiy adabiyotlar va darsliklarda o'z aksini topdi [6.bet.15, 57, 165]. Lekin jamiyat taraqqiyoti tarixni bunday davrlashtirish noto'g'ri ekanligini ko'rsatdi [4. 71-73 betlar]. Tarixni davrlashtirishda har bir hududning o'ziga xos rivojlanish qonuniyatlarini har tomonlama chuqur o'rganish va ularni obyektiv, aniq, birlamchi manbalar asosida tadqiq qilish va xulosa berish zarurligini davrning o'zi isbotlamoqda.

Tarixga nazar salsak, jahonning ba'zi davlatlarida ibtidoiy jamoa tuzumi uzoq davom qilganining, qadimgi davr ham turli hududlarda turlicha kechgani, o'rta asrlar va yangi davr ham turlicha kechganining guvohi bo'lamiz. Shu sabab bu davr sanalarini barcha mamlakatlar uchun bir xil deb hisoblash va bir sanalarni berish mumkin emas.

Jumladan, Amerika hududida ibtidoiy jamoa tuzumi milodiy X–XII asrlargacha, Rossiya hududida milodiy VII–VIII asrlargacha davom etgan. O'rta Osiyo hududida esa, quldorlik tuzumi o'ziga xos tarzda davom qilgan va u olimlar tomonidan "Osiyocho ishlab chiqarish usuli" deb atalgan. Shuningdek, O'rta Osiyoda feodalizm jamiyati uzoq davom qilib, kapitalistik munosabatlar rivojlanmasdan bolsheviklar ta'sirida sotsializm tuzumi o'rnatila boshlandi. Bu sovet davrida ijobiy qaralib, feodalizmdan sotsializmga jamiyat sakrab o'tdi deb baholangan. Vaholanki, g'oya o'zgartirani bilan iqtisodiy asos o'sha holicha, ya'ni agrar mamlakat tarzida saqlab qolgan.

Sovet tuzumi o'rnatilgach, 1937 va 1954 yillarda O'rta Osiyo xalqlari tarixini davrlashtirish masalasiga bag'ishlangan ilmiy konferensiyalar bo'lib o'tdi [6,7.]. Bunda O'rta Osiyo hududida o'ziga xos taraqqiyot yo'li bo'lgan degan xulosaga kelingan bo'lsada, bu 5 ta ijtimoiy-iqtisodiy formatsiyaga moslashtirildi. V.V.Bartold tomonidan ilgari surilgan "abadiy feodalizm" g'oyasi rad qilindi.

Eng qadimgi davr tarixini davrlashtirishda amerikalik olim L.G.Morganning 1877-yilda nashr qilingan «Qadimgi jamiyat» («Drevnoye obshestvo») asarida birinchi bo'lib, urug'chilik jamiyati haqidagi fikrini ilgari surgan. U urug'ning paydo bo'lishi odamzotning maydonga kelishi bilan birga yuzaga kelmadi, balki urug'chilik jamoasi kishilik jamiyati taraqqiyotining ma'lum bir bosqichidir, degan xulosasini ilgari surdi. L.G.Morgan urug'chilik jamoasini ikki bosqichga bo'ldi, ya'ni uning birinchi bosqichini ibtidoiy to'da, ikkinchi bosqichini esa ibtidoiy urug'chilik jamoasi deb nomladi. Urug'chilik jamoasi davrini ikki bosqichga bo'ladi. Uning birinchisi "ibtidoiy urug'chilik jamoasi", ikkinchisini – "harbiy demokratiya" deb atadi. XX asrda keng ko'lamda olib borilgan arxeologik, etnografik va antropologik izlanishlar L.G.Morganning kishilik tarixining ilk bosqichlariga bergan ta'rifini to'g'ri ekanligini ko'rsatdi. Tarixini davrlashtirish masalasi A.Asqarovning "O'zbek xalqining kelib chiqish tarixi" monografiyasida keng yoritilgan. Unda tarixni davrlashtirishda jamiyatda yuz beradigan tub o'zgarishlar: jamiyatning harakatlantiruvchi kuchlari, mulkka egalik qilishning xarakteri, mafkurasining

o'ziga xosligi asos bo'lishi yoritilgan. O'zbekiston tarixini 7 ta davrga bo'lib ko'rsatgan[4. 70-91 betlar]:

I. "Ibtidoiy to'da davri" – mil. avv. I million – 40 ming yilliklar.

II. "Ibtidoiy urug'chilik jamoasi va mulk egaligining shakllanish davri" – bundan 40 ming yil avval to milodiy III-IV asrlargacha. Bu davrni uch bosqichga bo'ladi: 1-bosqich – matriarxat. 2-bosqich – patriarxal urug' jamoasi bosqichi. 3-bosqich urug' jamoalarining harbiy demokratiya bosqichi.

III. "Ilk o'rta asrlar davri" – milodiy V asrdan to VIII asr oxirigacha.

IV. "O'rta asrlar davri" – IX asrdan– Somoniylar davlati tashkil topishidan to XIX asr o'talarigacha.

V. "Mustamlakachilik va milliy uyg'onish davri" – Chor Rossiyasi bosqinidan to 1917-yil Oktabr to'ntarishiga qadar davom etgan davrni o'z ichiga oladi.

VI. "Sovetlar hokimiyati davri" – 1917-yildan 1991-yilgacha davom qilgan.

VII. "Milliy istiqloq, demokratik davlat va fuqarolik jamiyati qurish davri" – 1991-yil 31-avgustdan to bugungi kungacha bo'lgan davrlar.

Akademik A.Asqarov tomonidan ilgari surilgan bu davrlashtirish uslubida O'zbekiston xududining o'ziga xos taraqqiyot yo'li aks etgan.

Bugungi kunda jahon miqyosida tarixni umumiy, ya'ni ijtimoiy-iqtisodiy o'ziga xosligini inobatga olgan holda quyidagicha davrlashtirish ilgari surilmoqda. Bu davrlashtirish uslubidan maktab darsliklarida ham, tarix fanlarini davrlarga bo'lishda ham keng foydalanilmoqda. Bu tarixni tarixiy jihatdan bo'lish deb qarasaq, maqsadga muvofiq bo'ladi: eng qadimgi davr, qadimgi davr, o'rta asrlar, yangi davr va eng yangi davrlar tarixi.

O'zbekiston tarixida bu davrlar quyidagicha xronologiyada beriladi:

Eng qadimgi davr – mil. avv. I million yillikdan – mil.avv. VI asrgacha davom qilgan. Tarixiy jihatdan ikkita yirik davr: "ibtidoiy to'da" – mil. avv. I million – 40 ming yilliklarga va "urug'chilik jamoasi davri"ga bo'linadi. O'z navbatida urug'chilik jamoasi 2 bosqichga: matriarxat (ona urug'i) – 40 ming yillikdan mil.avv. 2 ming yillikning o'talarigacha va patriarxat (ota urug'i) ga mil.avv. 2 ming yillikning o'talaridan – mil.avv. VI asrgacha bo'lgan davrlarni o'z ichiga oladi.

Qadimgi davr – mil.avv. VI asrdan milodiy IY asrgacha bo'lgan davrni o'z ichiga oladi. Arxeologik adabiyotlarda bu davr 2 bosqichga bo'lib ko'rsatiladi:

1– arxaik davr – mil.avv. VI–IV asrlar.

2–antik davr – mil.avv. IV asr oxirlaridan – milodiy IV asr[9. 7-bet].

O'rta asrlar davri o'z rivojlanishi jihatidan 3 ta bosqichga bo'linadi.

1– ilk o'rta asrlar – milodiy V asrdan – IX asrlargacha

2– rivojlangan o'rta asrlar – milodiy IX asrdan – XVI asr o'talarigacha

3– so'nggi o'rta asrlar – milodiy XVI o'talaridan XIX asrlar o'talarigacha.

Yangi davr – XIX asr o'talaridan XX asrning 90 yillarigacha bo'lgan davrni o'zida qamraydi. Bu davr ikki bosqichga bo'linadi:

1 – Chor Rossiyasi mustamlakasi davri – XIX asr o'talaridan 1917- yilgacha

2 – Sovet hokimiyati hukmronligi davri – 1917 yildan 1991 yil 31 avgustgacha

Eng yangi davr – O‘zbekistonning mustaqillik davri – 1991-yil 31-avgustdan bugungi kungacha bo‘lgan davrni o‘z ichiga oladi.

Tarixni davrlashtirishda arxeologik jihatdan davrlashtirish ham mavjud bo‘lib, bunday davrlashtirishlar bir-birini to‘ldiradi. Davrlar xususiyatini yanada aniq anglashga xizmat qiladi. Jahon tarixini, shu jumladan, O‘zbekiston tarixini davrlashtirish masalalari haligacha tarixchilar o‘rtasida munozaraga sabab bo‘lib kelmoqda. Tarixni yanada chuqur va obyektiv o‘rganilayotgan bugungi

kunda bu munozaralar tezda o‘z yechimini topadi deb o‘ylaymiz.

#### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Karimov I.A. *Tarixiy xotirasiz kelajak yo‘q.* –T.: 1998.
2. Karimov I.A. *Yuksak ma‘naviyat – yengilmas kuch.* –T.: 2008.
3. Abu Rayhon Beruniy. *Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar.* –T.: 1968
4. Asqarov A. *O‘zbek xalqining kelib chiqish tarixi.* –T.: 2015
5. *История государственности Узбекистана. Том 1.* –T., 2008

## АХБОРОТ ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИ

# ГЛОБАЛ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАГИ АХБОРОТ ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Уролбой МИРСАНОВ,

Навоий Давлат Педагогика Институтини “Информатика ўқитиш методикаси” катта ўқитувчиси

*Аннотация. Мақолада глобал интернет тармоғида мавжуд бўлган ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш муаммолари ёритилган.*

*Калит сўзлар. Ахборот, ахборот таълим ресурслари, ахборот технологиялари, компьютер, интернет, интернет тармоғи.*

*Аннотация. В статье обсуждены вопросы использования информационно-образовательных ресурсов в глобальной сети интернет.*

*Ключевые слова. Информация, информационно-образовательные ресурсы, информационные технологии, компьютер, интернет, сеть интернета.*

*The Abstract. In article are discussed questions use information -an educational resource in global network internet.*

*The Keywords. Information, information - an educational facility, information technologies, computer, internet, network internet.*

Ривожланаётган жамиятда ахборот технологиялари фундаментал ўзгаришлар асосида ётади. Шунингдек, шахсий компьютерлардан фойдаланишлар сонининг ошири бориши, қувватининг кучайиши, алоқа каналлари имкониятлари ўсиши ва кенгайиши, ахборот ҳажмининг, шу каби таълимга оид манбаларнинг ошири бориши, уларни тез излаш ва олишни энгиллаштирувчи дастурий воситалар яратилиши ҳамда турли кўринишдаги мулоқот турларининг пайдо бўлиши Интернетдан ахборот алмашинув воситаси сифатида асосий фактор эканлигини тасдиқлайди.

Маълумки, кишилик жамиятининг ривожланиши янги-янги кашфиётларнинг яратилишига сабаб бўлмоқда. Бу эса бир вақтнинг ўзида янгилик яратиш жараёнида яна янги ихтиролар вужудга келишига замин яратади. Шу ўринда, биз сўзсиз компьютернинг XX асрнинг буюк кашфиётларидан бири десак янглишмаймиз. Бунинг негизида Интернет тизимининг пайдо бўлиши фикримиз далилидир. У барча турдаги маълумотларни бошқариш ва узатиш жараёнида аста-секин таълимнинг ажралмас бир қисмига айланди. Бу эса айниқса, ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли, Интернет тармоғида ахборот таълим ресурсларини яратиш ва фойдаланиш таълимнинг актуал муаммосига айланмоқда[1-3].

Ҳозирги кунда ўқувчи коммуникация мулоқот

имкониятларидан кенг фойдаланишга эга бўлган техник воситаларни юқори даражада ўзлаштирган. Лекин, ўқувчи ва ахборот ўртасидаги ўзара алоқада қуйидагича субъектив ва объектив факторлар мавжуд:

- интернетда ахборот ишончлилиги камлиги ва ўзгарувчанлиги; унинг ҳаққонийлигини текширишга айрим ҳолларда ўрин қолмайди, турли тасдиқларнинг асосланишида келтирилган фактлар турғун бўлиши мумкин. Кўпгина ҳолларда у, сиёсий, иқтисодий ёки бошқа мақсадга йўналтирилган саноат маҳсулотини ўзида ифодалайди;

- ўқувчи Интернет каби кучли таъсир қилувчи манба билан мулоқот қилишга кам тайёрланган бўлишигидир. У олинган ахборотни билимидан, ёшидан, ҳаёт тажрибасидан, маданий муҳити кабилардан қатъий назар қисман мустақил ўзлаштиради. Олинган ахборотни қанчалик тўғри қабул қилиш, уларнинг ахборот билан аналитик ишлашга ўқитилганлиги ёки йўқлиги, танқидий фикрлаш қобилиятига эгаллиги, ахборотларни таққослаш ва тўғрилигини баҳолай оладими ёки ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва баҳолашни билишига боғлиқ бўлади.

Интернет тармоғида ахборот ресурслари билан ишлашга ўргатишда авваламбор, мавжуд Интернет модел ва методлардан фойдаланиб

ўқитиш самарали бўлади, агар:

- ўқувчиларда Интернет ахборот ресурслари тўғрисида таассурот тўғри шакллантирилса;
- ўқувчиларга ахборотнинг асосий шакл ва турлари ўргатилса;
- ўқувчиларга ахборотни мазмуни ва мақсади, унинг нимага йўналтирилганлиги ўқтирилса;
- ўқувчилар олинган маълумотнинг хатосини аниқлай билишлик ва келтирилган катталикларини тўғри ёки нотўғрилигини баҳолай олиш кўникмасига эга бўлса;
- ўқувчиларга ахборотларни излашда мақсадга тўғри йўналтириш, ахборотларни баъзи бир белгилар орқали тизимлаш кабилар ўргатилса.

Интернет бошқа ихтиёрий технологиялар каби инсонга маълум муаммоларни енгиб ўтишга ва аниқ масалаларни ечимини топишга ёрдам бериши керак. Шундай экан ахборотлашган жамиятда ахборотлар билан ишлаш фойдаланувчи фаолиятининг бош мазмуни ҳисобланади. Ҳозирги кунда, интернет тизимини мазмунли ахборот ресурслари билан бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, айниқса, бир томондан таълим ва фан соҳасига оид манбалар бўлса, иккинчи томондан тижоратга оид манбалардир.

Фойдаланувчи нуқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак, Интернет биринчи навбатда тармоқ мижозларига ўзаро маълумотлар алмашиш, виртуал мулоқот қилиш имконини яратиб берувчи «информацион магистрал» вазифасини ўтайди, иккинчидан эса унда мавжуд бўлган маълумотлар базаси мажмуаси дунё билимлар омборини ташкил этади. Натижада Интернет тизимидан фойдаланиш жараёнида интерактив мулоқот

юзига келади[1]. Бунда таълим берувчи ва таълим олувчи бир-бири билан боғлиқ фаолиятини, дифференциаллашганлик тамойилларини ва уларнинг индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда инсон ва техник имкониятларни оптимал амалга оширишни, мулоқатдан фойдаланишни олдиндан назарда тутати.

Шунинг учун технологик жараёнда ўқитишнинг интерактив усулларида фойдаланиш катта самара беради. У ўқувчиларда фикрий боғлиқлик, мантқиқ, хотиранинг ривожланишига имконият яратади, қандайдир муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради.

Шундай қилиб, ахборот таълим ресурслари аҳамиятини ўқувчиларда рефлексив кузатишларни амалга оширишда, фаол ижодий излаш ва фикрий тажриба ўтказиш имкониятларига эга бўлишда кузатиш мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Якушина Е.В. Методика обучения работе с информационными ресурсами на основе действующей модели Интернета. Диссертация на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. Москва. 2002 г.
2. Журбенко Н.Л. Методика обучения созданию письменных вторичных иноязычных текстов на основе ресурсов интернета. Диссертация на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. Москва. 2008 г.
3. Матосов Э.С. Развитие методики формирования информационных и коммуникационных компетенций студентов непрофильных вузов с использованием ресурсов интернет. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. Москва. 2009 г.

## ПЕДАГОГИКА

### ПЕДАГОГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

**Роҳатой САФАРОВА,**

Ўзбекистон Педагогика Фанлари илмий-тадқиқот Институтининг профессори, педагогика фанлари доктори, Халқаро Педагогика Фанлар Академияси академиги,

**Феруза ЮСУПОВА,**

Ўзбекистон Педагогика Фанлари илмий-тадқиқот Институтининг илмий ходими,

**Наргиза ДИЛОВА,**

Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтининг ўқитувчиси

*Аннотация. Ушбу мақолада педагогик ҳамкорлик жараёни, уни ташкил этиш имкониятлари, мазкур жараённинг ўзига хос хусусиятлари, ўқувчи шахсига янгилик нуқтаи назардан ёндашиш, ўқувчиларни фаоллаштирувчи ва ривожлантирувчи дидактик мажмуаларнинг ўзига хос характери, улардаги ўқув материалларида педагогик ҳамкорликни таъминлаш, ҳамкорликдаги педагогик тизимда ўқувчиларни тарбиялаш, атроф-муҳитга педагогик руҳ бағишлаш имкониятлари очиқ берилган ҳамда ушбу йўналишда аниқ тавсиялар тақдим этилган.*

*Таянч сўзлар: педагогик ҳамкорлик, ҳамкорлик принциплари, дидактик мажмуа, инсонпарварлик, демократия принциплари, индивидуал ёндашув, педагогик-психологик ташхислаш, шахсга йўналтирилган ёндашув, ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлиги, ҳамкорликдаги педагогик муҳит.*

*Аннотация. В данной статье освещены теоретические подходы к реализации процесса педагогического сотрудничества, особенности этого процесса, раскрыта сущность дидактических комплексов, способствующих активизации и развитию учащихся, представлены конкретные рекомендации по обеспечению процесса сотрудничества учебными материалами воспитательного характера и созданию необходимой психолого-педагогической среды.*

*Ключевые слова: педагогическое сотрудничество, принципы сотрудничества, дидактический комплекс, гуманизация, демократические принципы, индивидуальный подход, педагогико-психологическая диагностика, личностно-ориентированный подход, сотрудничество учителя и ученика, педагогическая среда сотрудничества.*

*Annotation. This article highlights the theoretical approaches to the implementation of the process of pedagogical cooperation, especially the process, reveals the essence of didactic complexes that promote the revitalization and development of students, presented concrete recommendations for ensuring the cooperation of teaching materials of an educational nature, and create the necessary psychological and educational environment.*

*Key words: pedagogical cooperation, the principles of cooperation, didactic complex, humanization, democratic principles, individual approach, pedagogical-psychological diagnostics, student-centered approach, the cooperation of teacher and student, teacher collaborative environment*

Сўнги йилларда педагогик ҳамкорлик таълим жараёнини тобора кўпроқ қамраб олаётган инновацион ҳодисалардан биридир. Педагогик ҳамкорлик технологияларида дидактик жараённинг энг яхши тажрибалари умумлашгандир. Педагогик ҳамкорликнинг таснифий тавсифида куйидагилар ўз ифодасини топади:

а) қўлланиш даражасига кўра: умумпедагогик;  
б) фалсафий асосларига кўра: гуманистик;  
в) ривожланишнинг асосий омилларига кўра: комплекслилик, био-, социоген ҳамда психоген;  
г) шахсга йўналтирилганлигига кўра: ҳар томонлама уйғун;

д) мазмунига кўра: таълим берувчи, тарбияловчи, дунёвий, инсоний, умумтаълимий, чуқур англанган;

е) бошқариш тарзига кўра: кичик гуруҳлар тизими;

ё) ташкилий шаклларига кўра: академик+клублар, индивидуал+гуруҳли, табақалаштирилган;

ж) ўқувчига ёндашилишига кўра: шахсий-инсоний, субъект-субъект муносабатлари асосида (ҳамкорлик);

з) эгалланган методларга кўра: муаммоли-изланувчи, ижодкорликка, диалогка, ўйинга асосланган;

и) ўқувчилар тоифаларига кўра: оммавий (барча тоифалар учун)

Педагогик ҳамкорликнинг мақсадли йўналишлари эса:

- ўқувчи олдига талаблар қўйиш педагогикасидан муносабатлар педагогикасига ўтиш;

- ўқувчига инсонийлик нуқтаи назаридан шахс сифатида ёндашиш;

- таълим-тарбия бирлигини таъминлашдан иборат.

Педагогик ҳамкорлик концепцияси бир қатор ҳолатларда ўз ифодасини топади. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ҳамкорлик ўқитувчи билан ўқувчининг биргаликда ривожланиш ғояси сифатида изоҳланади. У бир-бирини тушуниш, бир-бирининг ички оламига кириш, мазкур фаолиятнинг бориши ва натижаларини биргаликда таҳлил қилишга йўналтирилган фаолиятни ўз ичига олади.

Муносабатлар тизими каби ҳамкорлик ҳам кўпқиррали ҳодисадир. “Ўқитувчи-ўқувчи” муносабатлари эса бу тизимда муҳим ўрин эгаллайди. Анъанавий таълимда ўқитувчи жараённинг субъекти сифатида фаолият кўрсатади, ўқувчи эса бу жараённинг объекти сифатида намоён бўлади.

Педагогик ҳамкорлик концепциясига асосланган ҳолда ушбу жараёнда ўқувчи ўз ўқув фаолиятининг субъекти сифатида ҳаракат қилади. Шунинг

нинг учун муайян бир педагогик жараённинг ҳар иккала субъекти биргаликда фаолият кўрсатиши керак. Улар ўзаро дўст, шерик сифатида катта тажрибага эга бўлган шахс билан кам тажрибали шахснинг ўзаро иттифоқини тузишлари лозим. Уларнинг ҳеч бири бир-бирининг устидан ҳукмронлик қилмаслиги зарур.

“Ўқувчи-ўқувчи” ҳамкорлиги эса ўқувчилар жамоасининг умумий ҳаётий фаолиятида амалга оширилади. Ўқув жараёнида бундай ҳамкорликнинг турли шакллари билан фойдаланилади. Жумладан, ўзаро дўстлик, тадбирларда биргаликда иштирок этиш, бир-бирининг кечинмаларини ҳис қилиш, қайғудошлик, биргаликда ижод қилиш, ўқув-билув ҳаракатларини биргаликда бошқариш кабилар.

Умуммактаб жамоаси доирасида ҳамкорлик ўқитувчилар билан таълим муассасаси раҳбарияти, ўқувчилар ҳамда педагоглар ташкилотлари орасида ўрнатилади. Ҳамкорлик принциплари ўқувчилар билан ўқитувчилар, ўқитувчилар, мактаб маъмуриятининг уларни ўраб турган атроф-муҳит, яъни ота-оналар, жамоатчилик, меҳнат жамоалари, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар ходимлари орасида татбиқ қилинади.

Ҳамкорлик жараёнининг мазмуни ва методикаси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ҳамкорлик педагогикасида тўртта йўналиш алоҳида ажратиб кўрсатилади:

1. Ўқувчи шахсига янгича нуқтаи назардан ёндашиш.

2. Ўқувчиларни фаоллаштирувчи ва ривожлантирувчи дидактик мажмуа.

3. Тарбия концепцияси.

4. Атроф-муҳитга педагогик руҳ бағишлаш.

Ўқувчи шахсига янгича нуқтаи назардан ёндашиш – уни таълимнинг марказига қўйиб, шахснинг барча сифатларини яқин тарзда ривожлантиришга йўналтириш лозим. Бундай ривожлантиришнинг чоралари ўқув жараёнининг асосий натижасини ифодалайди. Бу ўқитувчилар, мактаб раҳбарлари, таълим муассасаси психологи фаолиятининг мезони бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчининг шахсияти, ички оламига эътибор қаратиши лозим. Чунки уларнинг лаёқатлари бу даврда тўлиқ тарзда намоён бўлмайди. Бундай натижага эришиш учун педагоглар мактаб психологи билан биргаликда ўқувчиларнинг ўзига хос жиҳатларини кашф этишлари лозим. Шундагина уларнинг ахлоқий сифатлари, мустақилликлари, ҳақгўйликлари, меҳрибонликлари ва шодон қиёфалари тўлиқ тарзда намоён бўлади.

Таълим жараёнининг асосий мақсади ўқувчиларнинг ички қувватлари ва имкониятларини сафарбар қилиш, уларнинг ҳаётий фаолиятлари билан уйғунлаштиришдан иборат. Шунинг-

дек, мазкур имкониятлардан ўқувчи шахсининг мукамал, мустақил ривожланиши йўлида фойдаланиш усуллари излаш лозим. Таълим жараёнида ўқувчиларга шахс сифатида инсоний ёндашувни амалга ошириш ўқув-тарбия жараёнини асосий бўғини, коммуникатив асослари ҳамда шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар билан таъминлашдан иборат.

Мазкур ёндашув ўзида қуйидаги ғояларни мужассамлаштиради:

- Ўқувчи шахсига янгича нуқтаи назардан ёндашиш таълимнинг мақсади сифатида намоён бўлиши, ўқув-тарбия жараёнининг шахсга йўналтирилганлигининг таъминланиши;

- Педагогик муносабатларнинг инсонпарварлашуви ва демократлашуви;

- Замоनावий таълим жараёнида натижа бермайдиган методлардан тўғридан-тўғри воз кечиши;

- Индивидуал ёндашувнинг янгича тавсифланиши;

- Ўқувчи шахсияти, ўзлигининг ижобий жиҳатдан шаклланиши кабилар.

Ўқувчи шахсига нисбатан янгича нуқтаи назарда ёндашиш қуйидагиларда намоён қилади:

1. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг шахс сифатида тўлақонли шаклланишларини таъминлаш.

2. Ўқувчилар педагогик жараённинг субъекти сифатида фаолият кўрсатишларига эришиш.

3. Ўқувчиларни ривожлантириш таълим жараёнининг асосий мақсадига айланишини таъминлаш.

4. Ҳар бир ўқувчининг лаёқатини эътироф этиш ва уларнинг талантли эканликларига ишониш.

5. Ўқувчиларда шахс учун зарур бўлган ижобий сифатлар: раҳмдиллик, меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, виждонлилик, етуклик, фуқаролик позициясига эгалликнинг намоён бўлиши учун қулай педагогик шарт-шароитларни яратиш кабилар.

Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш учун шахсий муносабатлар ўқув-тарбия жараёни натижаларини аниқловчи асосий омилга айланиши керак.

Ўқувчиларга нисбатан инсоний муносабатлар қуйидаги ҳолатларда намоён бўлиши лозим:

- а) ўқувчиларга алоҳида меҳр-муҳаббат билан ёндашиш, уларнинг келажакдаги ҳаётига қизиқиш;

- б) ўқувчиларга ишониш, улар билан мулоқот ва ҳамкорликка тайёр бўлиш, бу соҳада маҳорат кўрсатиш;

- в) ўқувчини тўғридан-тўғри мажбурлашдан воз кечиш;

- г) ўқувчиларни ижобий сифатлар, қадриятлар, халқ маданиятини эгаллашга йўналтиришнинг истиқболлилигига ишониш;

- д) ўқувчиларнинг камчиликлари, инжиқликларига нисбатан тоқатли, толерант муносабатда бўлиш кабилар.

Ўқувчилар билан демократик муносабатларнинг ўрнатилганлиги қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- а) ўқитувчи ҳамда ўқувчилар ҳуқуқларининг тенглигини таъминлаш;

- б) ўқувчининг эркин танлов ҳуқуқига эгаллини тан олиш;

- в) ўқувчиларнинг хато қилиш, ўз нуқтаи назарига эга бўлиш ҳуқуқини эътироф этиш;

- г) ўқувчилар билан муносабатда “Бола ҳуқуқлари” Конвенциясига амал қилиш;

- д) ўқувчига чекловлар қўймаслик, уни йўналтириш;

- е) ўқувчини бошқармаслик, у билан биргаликда ҳаракат қилиш;

- ё) ўқувчини мажбур қилмаслик, уни ишонтириш;

- ж) ўқувчига бўйруқ бермаслик, унинг фаолиятини ташкил этиш;

- з) ўқувчига чекловлар қўймаслик, унга эркин танлов имкониятини беришда.

Педагогик ҳамкорлик доирасида ўқувчини мажбурламасдан ўқитиш муҳитини яратиш алоҳида аҳамиятга эга. Янгича муносабатларнинг асосий мазмуни ноинсоний, натижа бермайдиган мажбурлашдан воз кечишдан иборат бўлиши керак. Мазкур йўналишдаги асосий муаммолар принципларни абсолютлаштиришда эмас, балки чуқур ўйланган чора-тадбирларни қўллаш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, таълим-тарбия жараёнида мажбурлашдан бутунлай воз кечиш мумкин эмас. Бироқ ижтимоий чекловлар тизимини педагог яхши ўзлаштирган бўлиши лозим. Нотўғри тарбия ўқувчини таҳқирлаш, ҳақоратлашга олиб келиб, унинг ривожланишини секинлаштиради ва душманлик кайфиятидаги ёшларни шакллантиришга асос бўлади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг ривожланишларига тўсқинлик қиладиган мажбурлашдан ўқитувчилар ўз вақтида воз кечишлари керак.

Мажбурлашсиз ўқитиш қуйидаги жиҳатлари билан тавсифланади:

- а) ишончга асосланган ҳолда мажбурлашга олиб келмайдиган талабчанликка эга бўлиш;

- б) ўқитишга нисбатан туғма қизи-қишларни рағбатлантириш;

- в) мажбурлашни муваффақиятга олиб келадиган истаклар билан алмаштириш;

- г) ўқувчиларнинг мустақилликлари ва эркин фаолият кўрсатишлари учун шароит яратиш;

- д) ўқувчилар жамоаси орқали ҳар бир ўқувчи олдида талаблар қўйиш кабилар.

Ҳамкорлик педагогикаси доирасида ўқувчиларга индивидуал ёндашиш принципи ўзининг янгича тавсифига эга бўлади. Бундай-индивидуал ёндашувнинг аҳамияти шундаки, таълим тизимида ўқув предмети билан ўқувчига эмас, аксинча, ўқувчидан ўқув предметига қараб ҳаракатланиш талаб этилади. Бунда ўқувчининг имкониятларини аниқ ҳисобга олиш лозим. Шундагина улар ўзларининг потенциал қувватларидан келиб чиққан ҳолда билимларни ўзлаштиришга муваффақ бўладилар. Бундай ўқув жараёни ўқувчини ривожлантириши, унинг билимларини такомиллаштириши ва бойитиши лозим.

Индивидуал ёндашувнинг янги йўналиши ўзида қуйидагиларни мужассамлаштиради:

- Уртача ўзлаштириш даражасига эга бўлган ўқувчиларга қараб йўналиш олишдан воз кечиш;

- Ўқувчи шахсининг энг яхши сифатларини излаш;

- Шахсни педагогик-психологик ташхиллаш методларини фаол қўллаш; шу орқали ўқувчиларнинг қизиқишлари, лаёқатлари, муайян мақсад сари йўналганликлари, уларда ўзлик ҳиссининг кучайганлиги, улар характерининг сифатлари, тафаккур тарзининг ўзига хос хусусиятлари аниқланади.

- Ўқув-тарбия жараёнида ўқувчининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш;

- Ўқувчи шахсининг ривожланишини башорат қилиш;

- Ўқувчи ривожланишининг индивидуал дастурларини лойиҳалаштириш ва мунтазам тарзда унга тузатишлар киритиш кабилар.

Шу асосда ўқувчиларда ижобий характердаги ўзликни англаш туйғуси шакллантирилади. Ўзликни англаш бу шахсининг ўзи ҳақидаги англаш ва англамаган тасаввурларини мужассамлаштиради. Худди мана шу тасаввурлар асосида у ўз хулқ-атворини шакллантиради. Ўқувчилик давридаги ўзликни англаш унинг ички йўналтирувчи механизмларига асос бўлади. Ижобий, кўтаринки руҳдаги ўзликни англаш ўқувчиларга муваффақият қозониш, самарали фаолият кўрсатиш, ўзининг ижобий сифатларини намойиш қилиш имконини беради. Салбий характердаги ўзлик эса уларнинг муваффақият қозонишлари учун тўсқинлик қилиб, натижаларни ёмонлаштиради, ўқувчи характерининг салбий томонга ўзгаришига асос бўлади.

Ўқувчига шахс сифатида ёндашиш унда ижобий маънодаги ўзликни англаш туйғусининг шаклланишига кўмаклашади. Бунинг учун, биринчи навбатда, ўқитувчилар қуйидагиларни амалга оширишлари зарур:

1. Ҳар бир ўқувчида бетакрор шахслик белгиларини кўра олиш ва уни ҳурмат қилиш, тушуниш, қабул қилиш, ишониш; ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг иқтидорли эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

2. Ўқув жараёни ўқувчиларга қувонч бағишлари учун дарсда муваффақият вазиятларини ҳосил қилиш, уларнинг ютуқларини эътироф этиш, кўллаб-қувватлаш, уларга ҳайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш лозим. Ўқитувчи ўзининг мактабдаги педагогик фаолияти ўқувчиларга қувонч бағишлаши учун ҳаракат қилиши керак.

3. Ўқувчи ғалаба қозонишга ўрганиши, мажбурлаш остида ишлашдан воз кечиши, ўқув жараёнига нисбатан онгли муносабатда бўлиши, ўқитувчи эса унинг орқада қолиши, хатоларга йўл қўйишига урғу бермаслиги зарур.

4. Ўқитувчи ўқувчиларнинг паст ўзлаштириш даражасига эгаликлари, ёмон хулқ-атворларининг сабабларини билиши ва уларни бартараф этиш йўллари излаб топиши керак. Бунда ўқувчининг шахсиятига тегмаслиги, унинг ўзлигини ҳурмат қилиши, ҳис-туйғуларига зиён етказмасликка интилиши муҳим аҳамиятга эга.

5. Ўқитувчи ўқувчиларга ижобий фаолият кўрсатиш имкониятини бериши ва уларга кўмаклашиши лозим. У ҳар бир ўқувчидан мўъжиза кўрсатишини кутиши, уларнинг бетакрорлигини ҳис этиши муҳим аҳамиятга эга.

Ҳамкорлик педагогикасида ўқувчиларни фаоллаштирувчи ва ривожлантирувчи дидактик мажмуалардан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга. Педагогик ҳамкорлик доирасида ўқувчиларни фаоллаштирувчи ва ривожлантирувчи дидактик мажмуалар янгича ёндашувларга кенг йўл очади. Бу эса ўқитувчиларни “Нимани, қандай ўргатиш керак?” деган саволга жавоб излашга ундайди. Жумладан:

1. Таълим мазмунига ўқувчиларни ривожлантириш воситаси сифатида ёндашилади.

2. Таълим жараёни эса, биринчи навбатда, билим, кўникма, малакалар ва тафаккур усулла-

рини ҳосил қилиш имконияти сифатида кўрилади.

3. Мактабдаги ўқув фанларини бирлаштириш, яхлит модул сифатида таркиб топтириш ва интеграциялаш тенденцияси амалга оширилади.

4. Ўқитишнинг кўп вариантлилиги, табақалаштирилиши таъминланади.

5. Ўқувчиларни ўқиш, ўрганишга ижобий йўналтириш вазиятларидан фойдаланилади.

Педагогик ҳамкорликнинг муҳим вазифаларидан бири тарбияда алоҳида натижаларга эришишдан иборат. Чунки ҳамкорлик педагогикасининг ғоявий асосларида замонавий тенденциялар ўз ифодасини топиши лозим. Шу асосда мактабларда таълим-тарбия ишларини ривожлантириш имконияти вужудга келтирилади. Чунки:

- Билимларни ўзлаштириш жараёни тарбия жараёни билан уйғунлаштириш;

- Ўқувчилар шахсини тарбиявий жараёнларнинг марказига қўйиш;

- Тарбиявий жараёнларни инсонпарварлик принципи асосида ташкил этиш, шу асосда ўқувчиларда умуминсоний қадриятларни шакллантириш;

- Ўқувчиларнинг ижодкорлик лаёқатлари, индивидуалликларини ривожлантириш;

- Ўзбек халқининг маданий бойликлари ва миллий қадриятларини ўқувчилар онгига сингдириш;

- Яқка тартибдаги ва жамоавий тарбияни ўзаро уйғунлаштириш;

- Ўқувчилар олдида мураккаб мақсадлар қўйиш кабилар.

Ҳамкорлик педагогикасининг ғоялари ва технологиялари таълим-тарбия методлари тизими асос бўлиб хизмат қилиши билан бир қаторда таълим мазмуни ҳам аниқлашга кўмаклашади.

Педагогик ҳамкорликнинг муҳим вазифаларидан яна бири ўқувчиларни ўраб турган муҳитга педагогик руҳ бағишлашдан иборат. Ҳамкорлик педагогикаси мактабнинг бошқа ижтимоий институтларга нисбатан етакчи мавқе эгаллашига имконият яратади. Педагогик ҳамкорлик жараёнига педагогик мақсадларга тўлақонли тарзда эришиш нуқтаи назаридан ёндашилади.

Ўқувчи шахсини шакллантиришда оила, мактаб, маҳалла, атроф-муҳит ва бошқа ижтимоий институтлар етакчи мавқе эгаллайди. Мазкур жараён натижасини юқоридаги манбаларнинг барчаси биргаликда аниқлайди. Шунинг учун ҳам биринчи ўринга барча муассасаларни компетентли бошқариш ғояси қўйилади. Бунда мактабнинг ота-оналар билан ҳамкорлиги, болаликни ҳимоя қилишнинг ижтимоий ҳамда давлат ташкилотларига таъсири, уларнинг ўсиб келаётган ёш авлод, мамлакат келажаги ҳақида умумий ғамхўрлик қилиши муҳим аҳамият касб этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 20-29.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури” // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 31-60.

3. Дьяченко В.К. Сотрудничество в обучении: О коллективном способе учебной работы: Кн. для учителя. – М.:

Просвещение, 1991. – 192 с.

4. Князева Е.Н. Курдюмов С.П. Синергетика и новые подходы к процессу обучения / Е.Н. Князева, С.П. Курдюмов / <http://www.uni-dubna.ru>

5. Место и роль учителя в инновационных педагогических технологиях: Тез. докл. межвуз. науч.-пр. конф., 26–28 мая 1994 г. – Бирск: Б.и., 1994. – 206 с.

6. Монахов В.М. Технологические основы проектирования и конструирования учебного процесса. – Волгоград: Перемена, 1995. – 152 с.

7. Сериков В.В. Личностный подход в образовании: концепции и технологии: Монография. – Волгоград: Перемена, 1994. – 152 с.

## МЕДИАТАЪЛИМ ВА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГ

Шахноза ТАЙЛАКОВА,

Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти катта ўқитувчиси

*Аннотация. Мақолада замонавий педагогга қўйиладиган талаблар ҳамда педагог кадрларнинг касбий маҳоратини ва малакасини оширишда медиатаълимнинг аҳамияти ҳақида фикр юритилган.*

*Калит сўзлар. Медиатаълим, медиаменталитет, оммавий ахборот воситалари, радио, телевидение, матбуот, интернет, ижтимоий тарбия, замонавий педагог, касбий салоҳият.*

*Аннотация. В статье обсуждаются медиаобразование в повышения квалификации и мастерство педагогических кадров и требование современного педагога*

*Ключевые слова. Медиаобразование, медиаменталитет, средства массовой информации, радио, телевидение, печати, социального воспитания, современный педагог, педагогический навык.*

*The Abstract. The requirements on modern pedagogue and the role of mediaeducation for enriching and developing pedagogical skills of pedagogic staff to be depicted by this Article*

*The Keywords. Mediaeducation, mediamentality, Mass media, radio, television, seal, social education, modern pedagogue, pedagogical skills.*

Бугунги глобаллашув шароитида ахборотга бўлган талаб тобора кучайиб бормоқда. Шу боисдан, ҳолис ва ҳаққоний ахборотни тарқатиш, аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳар қачонгидан кўра бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Болаларимиз онгини фақат ўраб чирмаб, уни ўқима, буни ўқима, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад -муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз” [1].

Медиа – инсониятнинг пайдо бўлиши билан вужудга келган жараёндир. Инсон, дунёга келиши билан атрофдагилар билан муносабат ўрнатишга, турли усуллар, имо-ишоралар орқали мулоқот қилишга интилади. Бунинг натижасида эса, инсоният тил, ёзув, алоқа воситалари каби медиаресурсларга эга бўлди. Бугунги кунда эса, алоқа воситаларининг ривожланиши, уларнинг техникалашуви, электрон почта, интернет, бир сўз билан айтганда, алоқа тизимларининг такомиллашуви ахборот алмашиш имкониятларини

кескин даражада кенгайиб бораётганлигидан дарак беради. Маълумотларга кўра, замонавий шаҳарларда инсоннинг медиавоситалари билан мулоқоти кунига 11 соатдан ошмоқда, уйлар ва хонадонларда телевизор ўртача 7 соату 38 дақиқа ёниқ туради, 2 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар эса ҳафтасига 25 соат телевизор қаршисида ўтиради. Оилавий Уюшмаларнинг Миллий Иттифоқи (UNAF – Union National des Associations familiales) маълумотларига кўра, вояга етмаган болалар йил давомида ўртача 154 соат вақтини ота-оналар билан ва 850 соатини ўқитувчилар билан ўтказмоқда. Ойнаи жаҳондаги турли медиамаҳсулотлар эса, болаларнинг 1400 соат вақтини олмоқда. Глобаллашган ахборот шароитида болаларнинг электрон ОАВ га телевидениега, форматли радио, интернет, компьютер ўйинларига киришига бўлган назорати уларнинг ота-оналари томонидан бирмунча сусайиб бораётганлиги сабаблими, сўнги вақтда дунёда медиатадқиқотчилар ва педагоглар медиатаълимнинг айниқса, ахлоқий-маънавий сифатларига алоҳида аҳамият қаратмоқдалар[2].

Республикамиз миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жамият ҳаётининг барча соҳаларида маънавий омиллар устуворлигини таъминлашга йўналтирилганлигини таъкидлаш жоиз. Бугун-

ги кунда баркамол авлод тарбиясида маънавий тарбиянинг ўрни нечоғли муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга олиб, ана шу ёш авлод камолоти йўлида фаолият кўрсатаётган педагог кадрлар замонавий талаблар даражасига жавоб бериши, бунинг учун эса, ўз касбий ва педагогик тайёргарликларини мунтазам равишда ошириб боришлари ҳам шу қадар долзарб масалалардан бири эканини сезиш қийин эмас. Ушбу вазифаларнинг сифатли ва юқори самарали бажарилишида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг ўрни катта. Педагог кадрлар малакасини оширишни такомиллаштириш бўйича кўзда тутилган мақсадларини амалга ошириш учун тизимда тегишли ташкилий-педагогик ва илмий-услубий ишлар олиб борилмоқда. Педагог кадрларни замон талаблари даражасида малакасини оширишнинг қатор йўналишлари мавжуд бўлиб, ана шундай ижтимоий йўналишлар сирасига медиатаълим имкониятларидан амалда унумли фойдаланишни ташкил қилиш ҳам киради. Негаки, замонавий педагог онгини оммавий ахборот воситалари, хусусан, медиатармоқдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Медиасаводхонлик педагогга телевидение, радио, матбуот, интернет (ОАВ) имкониятларидан фаол фойдаланиш кундалик касбий фаолиятида ҳам қатор натижаларга эришишни кафолатлайди, десак хато бўлмас. Зеро, замонавий ахборотлашган жамият шароитида ёш авлодга турли ахборотларни тушуниш, унинг руҳиятига таъсири оқибатларини англаш ва ахборот маданиятини уларга ўргатиш учун замонавий педагог, албатта, медиатаълим жараёнининг энг юқори босқичи – медиаменталитетга эга бўлиши лозим. Фалсафий энциклопедик луғатда менталитетга қуйидагича таъриф берилади: “менталитет (менталлик лотинча *mentalis* – ақлга оид) – айрим инсонга ёки ижтимоий гуруҳга хос бўлган фикрлаш тарзи, ақлий кўникмалар ва маънавий мақсадлар мажмуаси”. Шунга мос ҳолда, медиамаданият ва медиаменталитет шахснинг касбий фаолиятида шаклланиши давом этадиган жараёндир.

Замонавий таълим жараёнида АКТ билан боғлиқ билим ва кўникмалар фақатгина “Информацион технологиялар” фанлари доирасидагина олиб борилиши етарли эмас. Шу боис ҳам, педагоглар малакасини ошириш тизимида, яна қатор фанлар йўналишида ҳам медиакоммуникация воситаларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини уларда такомиллаштиришга:

- тингловчиларнинг замонавий таълим жараёнини ахборотлаштириш тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтириш орқали;

- медиа тушунчаси, унинг турлари, таълим тизимидаги аҳамияти борасидаги билим ва кўникмаларини янада такомиллаштириш орқали;

- турли хил медиа воситаларининг таълим-тарбия жараёнида қўллашнинг инновацион усулларини ўргатиш орқали;

- педагогика фанининг медиапедагогика йўналиши, замонавий медиа ва унинг турлари, бажарадиган функциялари, педагогик-психологик жиҳатлари ҳақида тўлақонли билим ва малакага эга бўлишини таъминлаш орқали эришиш мумкин.

Малака ошириш тизимида фанларнинг ме-

диатаълим билан тўлдирилиши тингловчиларни дарс жараёнида ўзларининг ақлий, ҳиссий, ижодий ва руҳий имкониятларини юзага чиқаришга ҳам ундайди. Мустақил фикрга ва замонавий билимларга эга бўлган педагогнинг касбий маҳоратини ва малакасини оширишда ижтимоий омил ҳисобланган – медиатаълим мутахассиснинг кейинги фаолиятида ҳам муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга олиб, замонавий педагог келгусида бу таълимотни ёшлар онги ва қалбига қуйидаги кўринишларда сингдиради:

- ўқувчи-ёшлар онгида миллий ғоя ва миллий мафқурани шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб бориш;

- ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий муҳит, сиёсий онг ва ҳуқуқий маданиятни ўстириш ва янгича фикрлаш тарзини ёшлар орасида тарғиб топтириш;

- ёшларда медиадан, яъни ахборот коммуникация воситалари – телевидение, радио, матбуот ҳамда интернетдан мақсадли фойдаланиш ва бу жараёнда уларда ахборот олиш маданиятини шакллантириш;

- ёшларда медиада тарқалаётган ахборотларни таҳлил қилиш, танқидий кўриб чиқиш, уларни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан баҳолай олишга ўргатиш;

- ёшларда ижодкорлик, изланувчанликни тарғиб топтириш орқали, ўзларининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, жамиятга фойда келтирувчи янги медиамаҳсулотларни яратиш ва тарқатишга ўргатиш;

- янгича фикрлайдиган, медиабилимларга эга бўлган маънавий баркамол инсонни тарбиялаш ва ҳоказо.

Юқоридагиларнинг юзага келиши педагогнинг касбий салоҳиятига бевосита боғлиқ. Жамиятни ахборот билан таъминлаш зарурати ошиб бориши тўғрисида медиатаълим (ОАВ) – ошкоралик кўзгуси, ҳақиқат жарчиси бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, раҳбар ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш жараёнида, жамиятда сиёсий, ҳуқуқий, маънавий онг ва маданиятни шакллантиришга ўргатишда медиатаълимнинг ўрни ва аҳамиятини ҳар бир тингловчи билиши ва уни келгусида ўқувчи-ёшларга етказиши муҳимдир. Шундай қилиб, бугунги шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётган глобаллашув шароитида ҳаётимизнинг бирор бир жабҳасини, бу ишлаб чиқариш ёки ижтимоий соҳалар бўладими, жамоатчилик фикрини шакллантириш бўладими, уларнинг бирортасини ҳам оммавий ахборот воситалари маҳсулотисиз, яъни, медиамаҳсулотсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Демак, медиаоланинг малака оширишдан ўтувчи раҳбар ва педагог кадрларнинг ижтимоийлашув жараёнига таъсири катта.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008, 114-, 116-, 119-бетлар.

2. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафқуравий жараёнлар. - Т.: “Муҳаррир” нашриёти, 2009.

# УЧИНЧИ МИНГЙИЛЛИКНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ АСОСИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МУАММОЛАРИ

Моҳира ХОЛИҚОВА,

Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш  
институти “Тил ва адабиёт таълими” кафедраси мудир, филология фанлари  
номзоди, доцент

*Аннотация. Мақолада учинчи мингйилликнинг ижтимоий-маданий воқелиги – глобаллашув, информатизация, фан-техника тараққиёти, инсониятнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини қайта кўриб чиқишга интилиши, фуқаролик жамиятларининг таркиб топиши – таълим-тарбия методологиясини ўзгартиришни, янги эстетик дунёқарашни шакллантиришнинг муаммолар ҳақида сўз юритилган.*

*Калит сўзлар. Цивилизация, гуманизм, толерантлик, ижтимоий интеллект, глобаллашув*

*Аннотация. В статье третьего тысячелетия, социальные и культурные мероприятия - глобализация, информатизация, развитие науки и технологий, стремятся учитывать духовные и моральные ценности человеческого становления гражданского общества - изменение методологии образования, рассказал о проблемах в формировании нового эстетического мировоззрения.*

*Ключевые слова. Цивилизация, человечество, терпимость и социальный интеллект, глобализация*

*Annotation. The article of the third millennium, social and cultural events - globalization, information, science and technology development, strive to take into account the spiritual and moral values of the human development of civil society - to change the methodology of education, spoke about the problems in the formation of a new aesthetic outlook.*

*Keywords. Civilization, humanity, tolerance, and social intelligence, globalization*

**XXI** асрда инсон коинот ва табиат билан яхлит эканини янада кучлироқ ҳис этди. Цивилизация ривожланган сари инсоният тафаккурида технократик ёндашув яққол кўзга ташланди ва инсонпарварлик ғояларнинг ҳимояга муҳтожлиги сезилмоқда.

Дунё ҳамжамиятини қийнаб турган глобал муаммолар сифатида қашшоқлик, чучук сув танқислиги, пандемик касалликлар билан бирга маънавий хатарлар – гуманизм, толерантлик, ижтимоий интеллектнинг сусайгани, инсонлар билан ўзаро муносабатда ҳурмат, кечиримлик, оқибат туйғуларининг йўқола бошлагани тилга олинмоқда.

ЮНЕСКОнинг “XXI аср таълими” бўйича халқаро кўмитаси дастурида инсоният олдида турган энг муҳим вазифалар қаторида биргалликда яшашни ўрганиш ҳамда шахс сифатида ноёб, ягона, такрорланмас бўлишни ўрганиш қабилар алоҳида таъкидлаб ўтилгани бежиз эмас.

Учинчи мингйилликнинг ижтимоий-маданий воқелиги – глобаллашув, информатизация, фан-техника тараққиёти, инсониятнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини қайта кўриб чиқишга интилиши, фуқаролик жамиятларининг таркиб топиши – таълим-тарбия методологиясини ўзгартиришни, янги эстетик дунёқарашни шакллантиришни тақозо этди.

Бугун барча мамлакатларда таълим соҳасида улкан ислохотлар олиб борилаёпти. Ислохотларнинг асосий кўринишлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: узвийлик (шахсий имкониятларни муттасил ривожлантириш, узлуксиз таълим олиш тамойили кўплаб давлатлар миллий таълим тизимларида қўлланилаёпти); инсонпарварлашув (Мас-

лоу, Бехтерев, Ушинскийларнинг гуманистик қарашлари, инсон шахсига ҳурмат, шахс камолоти, умумпланетар аҳамиятга молик муаммоларга эътибор, мутахассисларнинг ўз профессионал фаолияти учун ахлоқий жавобгарлик ҳиссини кучайтириш); ижодий потенциални ривожлантириш (жамият ривожининг ҳозирги босқичида ноанъанавий фикрлайдиган, фан, техника ва иқтисодда янги усул ва йўлларни топа оладиган, ташаббус кўрсатадиган изланувчан кадрларга эҳтиёж тобора ортмоқда); демократлашув (айнан таълим инсонларни демократик жамиятда яшаш кўникмалари, сиёсий-ҳуқуқий билимлар билан қуроллантирмоғи, фаол фуқаролик позициясини шакллантирмоғи, ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашмоғи, ёш авлодда ватанпарварлик, фуқаролик, дунёвий онг, миллий қадриятларга толерант муносабат, инсон ҳуқуқларига ҳурмат туйғуларини шакллантириши лозим); фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви (замонавий таълим жараёни, ўқув дастурларининг мазмуни давлатнинг инновацион ўзгаришларига, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига монанд бўлиши зарур).

Янги таълим технологиялари моҳиятида инсоннинг табиий руҳиятидан келиб чиқиб, унинг шахсий эркинлигини ҳурмат қилган ҳолда ёндашиш, социал интеллектни, ижодий тафаккурни, ўзига бўлган ишончни ошириш, ташқи ва ички мотивациялар уйғунлигини таъминлаш, таълимни демократлаштириш ғоялари ётади.

Бугунги кунда уларга таълимнинг ижтимоий имкониятларини кенгайтиришнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Кенг маънода «технология» тушунчаси нафақат техника, балки цивилизациянинг бошқа соҳалари ва ютуқлари

билан узвий боғлиқ бўлиб, саноатнинг турли соҳаларида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг муайян қонуниятларга амал қилувчи усул ва воситалари мажмуаси сифатида англашилади.

Давлат ва сиёсат, фан ва маданият, таълим, ишлаб чиқариш, умуман, маълум мақсадга йўналтирилган барча фаолият тури борки, уларда муайян технологияларга амал қилинади. Масалан, ахборот технологиялари, юқори интеллектуал технологиялар, биотехнологиялар, нанотехнологиялар, космик технологиялар, сийсий технологиялар, пиар-технологиялар.

Ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаштиришга оид илмий-педагогик адабиётларда технология ғояси илмий-техникавий тараққиёт билан боғланади. Ушбу ғоя билан биргаликда ўқув тренинглари, электрон дарслик, мавзуни модулларга ажратиш ўқитиш, онлайн-дарс, интерфаол усуллар, виртуал маъруза, аудивизуал ўқитиш, ўқув жараёнини дастурлаш, дарснинг технологик харитаси, модератор, тьютор, фасилитатор, гиперматн, муаммоли таълим, медиатаълим, мақсадлар таксономияси, мультимедиа ресурслари, дидактик технология, кейс-технология, масофавий таълим каби тушунчалар кириб келди.

Таълимда «педагогик технология» атамасининг кенг ёйилиши Америка ва Европа таълими ислоҳи билан боғлиқ. Аввалида педагогик технология деганда таълим жараёнини компьютерлаштириш, умуман техник воситаларни ўқув фаолиятида қўллаш тушунилса, кейинчалик таълим-тарбиянинг самарали омиллари асосида ўқув жараёнини оптималлаштиришнинг усул ва шакллари ишлаб чиқиш назарда тутила бошлади.

Соҳага оид психологик-педагогик тадқиқотларда ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқаришни оптималлаштиришнинг усул ва мезонлари, дидактик тамойилларнинг назариётчилари сифатида Ж.Кэрролл, Б.Блум, Г.Гейс, П.Митчелл, Д.Дьюи ва бошқалар тилга олинади. Шунингдек, таълим беришнинг самарали шарт-шароитларини яратиш зарурияти П.Гальперин, М.Махмутов, И.Лернер, Ч.Юдин, В.Сластенин, Ю.Бабанский, В.Беспалько, М.Клариннинг илмий ишларида ёритилган.

Сўнги пайтда хусусий методикалар, педагогик инновациялар ва услубий тизимларни ҳам технологиялар деб аташ расм бўлди. Масалан, Френе технологияси, Вальдорф мактаби, Монтессори методикаси каби.

Ҳозирги пайтда педагогик технологиялар ижтимоий ҳаётнинг объектив воқелиги сифатида англашилиб, дидактика, социология, кибернетика, бошқарув ва менежмент тамойилларига мувофиқ олиб борилмоқда.

Агар саноатда муайян технологияларга тўғри амал қилиш сифатли маҳсулот олишнинг гарови бўлса, педагогикада инсон омили, педагогнинг шахси, руҳиятига кўп нарса боғлиқ, шунинг учун бу вазиятда сифатли таълимни кафолатловчи мезонлар бирмунча кенгроқ.

Педагогик технологияларнинг пайдо бўлиши ва кенг ёйилишига сабаб бўлган омиллар ичида таълим муаммоларини ҳал этишда турдош фанларнинг назарий тамойилларига

асосланиш, ўқувчиларнинг билиш қобилиятини фаоллаштириш, таълим-тарбияда юқори самарали илғор услубларни қўллаш кабилар кўпроқ аҳамиятга эга.

Моҳиятан ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ҳамкорликни дастурлаш бўлган педагогик технология шундай ижтимоий феноменки, унда замонавий шарт-шароитларда таълимий мақсадларга эришишнинг аниқ йўл-йўриқлари кўрсатилган ва у ушбу мақсадларни амалга оширишни таъминлаши зарур.

Уни яхлит услубий-дидактик тизим сифатида исталган ўқув фанига татбиқ этиш мумкин.

Таълимда ҳозирда кенг қўлланилаётган технологиялар мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, ушбу жараённинг концептуал жиҳатларига оид ушбу тезисларни илгари суриш мумкин:

- Исталган технология асосида муайян таълимий мақсад, методологик тамойил ётади. Улардан энг умумийлари - таълимни демократлаштириш; умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги; ижодкорликни ривожлантириш; шахсга йўналтирилганлик; ҳамкорлик; фаоллаштириш; аниқ мақсадлар қўйиш.

- Педагогик технология моҳиятан дастурланган, лойиҳалаштирилган, бошқариладиган жараён. Бошқача айтганда, педагогик технология – педагогик мақсадларга эришишнинг дастурланган усули.

- Исталган педагогик жараённи технологик харита ёхуд ҳаракат матрицаси кўринишида тасвирлаш имконияти мавжуд.

- Педагогик технология ўқув фаолиятини кичик модулларда амалга ошириш усули. Унда ўқув жараёнининг ҳар бир босқичи, модули доирасида аниқ мақсадлар қўйилиб, уларга эришишнинг усул ва воситаларини ишлаб чиқиш орқали якуний натижанинг аниқ тасавури ҳосил қилинади.

- Исталган педагогик вазиятда муайян таълимий мақсадлардан келиб чиқиб, технология турини танлаш имконияти мавжуд.

- Педагогик технология меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш шакли сифатида инсон ва техник омилларни минимал сарф қилиш орқали максимал натижага эришишни назарда тутди.

- Педагогик технология-таълимий, дидактик, ижтимоий, психологик омилларни ҳисобга олган ҳолда мақсадга эришиш жараёнини батафсил изоҳлаш, лойиҳалаштиришдир. Бу эса натижани, самарани олдиндан кўра билиш, амалга оширилганлик даражасини ўлчаш имконини беради.

Педагогик технологияларни қўллашдан эришилган энг муҳим ютуқлар - ўқув-тарбия жараёнини оптималлаштириш, шахснинг индивидуал қобилиятларини ривожлантириш, самарали режалаштириш, таълим жараёни субъектлари ўртасида функцияларни рационал тақсимлаш, назорат, баҳолаш ва якуний таҳлилнинг пухта механизмини ишлаб чиқиш.

Шу билан биргаликда, ушбу феномен ўқитувчилардан ижодкорликни, интерфаол усулларни ўзлаштиришни, педагогикадаги илғор назария ва тенденциялардан воқиф бўлишни, компьютер технологиялари, мультимедиадан унумли фойдаланишни, методик маҳоратни оширишни талаб қилади.

Шу ўринда технология ва методиканинг ўзаро таъсири муаммосига тўхтаб ўтиш жоиз.

Методика ва технология узвий боғлиқ тushунчалар бўлиб, таълим жараёнининг турли жиҳатлари ва босқичларини акс эттиради. Ҳар қандай технологиянинг мукамаллик даражаси услубнинг кучлигига боғлиқ.

Технология фаннинг методикаси ва дидактиканинг назарий тамойилларига асосланмас экан, мантиқсиз жараёнга айланади. Шуниси ҳам борки, ҳар қандай педагогик муаммони технологик дастурлаш ҳамда мавжуд шароитда исталган ўқитувчи томонидан амалга оширишнинг имконияти бўлмаслиги мумкин.

Шу нуқтаи назардан таълим технологияларига таълимдаги барча муаммоларнинг ечими сифатида қаралмоғи мақсадга мувофиқ эмас.

Таълим жараёнини лойиҳалаштиришнинг ижобий жиҳатларини эътироф этган ҳолда, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини керагидан ортиқча дастурлашга мойиллик таълимнинг бошқа мақсадларини амалга оширишга тўсқинлик қилиб, мазмундан узоқлашишга олиб келишини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда таълим технологиялари доирасида қўлланилаётган интерфаол усул ва услубларнинг ҳам диапазони кенгайиб, улар ўқувчиларда ижодкорликни, соғлом рақобатни, билиш ва ўрганишга мотивацияни ошириб, таълимга мазмун бағишламоқда, позитив ҳамкорлик муҳитини яратишга омил бўлмоқда.

Замонавий педагогика ва андрогогика арсенали бундай шакл ва услубларга жуда бой - кичик гуруҳларда ишлаш, ролли ўйинлар, экскурсия, дебат, симпозиум, муаммоли топшириқлар, кластер, синквейн, кейс стади, зиг-заг, умидли кутувлар, Броун ҳаракати, пинборд, аквариум, энержайзер, хотира занжири, қарорлар шажараси, чархпалак, рефлексия, галерея, инсерт, эссе, бумеранг, Венн диаграммаси, т-схема, ақлий ҳужум, казуслар таҳлили, Блум таксономияси ва ҳоказо.

Ушбу усул ва услублар дидактик, таълимий моҳиятига ва кўзланган мақсадларига кўра фарқланади, масалан, эвристик, муаммоли, фаоллаштирувчи кабиларга.

Таълимнинг концептуал мақсадларига мос келадиган бундай усул ва услублар амалий аҳамиятга эгалиги ва ҳаётий муаммоларни қамраб олиши билан ўқувчиларда қизиқиш уйғотади. Улардан унумли, ўз ўрнида фойдаланиш ўқувчиларда маънавий, жисмоний, ақлий ҳислатларни камол топтиришга, жумладан, тез ўзгарувчан, мураккаб дунёда ўз ўрнини топиш, тўғри қарорлар қабул қила олиш, зарурий ҳаётий кўникмаларни эгаллаш, фаол мушоҳада позициясини шакллантириш, ахборотларни қабул қилиш ва ажрата олиш, ўз хатти-ҳаракатлари, қарорлари учун жавобгарлик ҳисси, шахсий имкониятларини рўёбга чиқариш, дунёвий муаммоларни англаш, абстракт, ижодий, мантиқий тасаввурни кенгайтиришга хизмат қилади.

Масалан, кичик гуруҳларда ишлаш таълимнинг барча иштирокчиларига умумий фаолиятда қатнашиш имкониятини беради. Бу усул ҳамкорлик, толерантлик, ижтимоий интеллектнинг ошишига ёрдам бериши билан аҳамиятлидир.

Таълимнинг сифати унда фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасидан юқори бўла олмайди. Зеро, ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосийси муаллим ва унинг тафаккур дунёсидир. Замонавий ўқитувчидан талаб этилаётган асосий ҳислатлар асримизнинг жадаллиги ва юксак суръатларига монанд бўлиш, кенг кўламдаги ўзгаришлардан воқиф бўлиш, дунёвий интеграциянинг фаол субъектига айланиш, мунтазам касбий билим ва кўникмаларини ошириб бориш, таълимнинг янги қадриятларини англаш ва қабул қилишдир. Бу эса янги билимларни ўрганиш заруриятини пайдо қилди. Бундай шароитда кадрлар тайёрлаш тизими – малака ошириш, мутахассисларни қайта тайёрлашни ривожлантириш ва такомиллаштириш катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги пайтда малака ошириш жараёнининг самарали ўтишида қуйидаги унсурлар муҳим рол ўйнамоқда:

- юксак маънавиятли, ўз соҳасида чуқур билимларга эга, илм-фаннинг энг сўнги ютуқларидан хабардор, илғор таълим технологияларининг устаси бўлган малакали ўқитувчи-тренерлар;

- мультимедиа воситалари, зарур илмий-услубий адабиёт, кўрғазмали воситалар билан жиҳозланган ўқув хонаси;

- ҳар жиҳатдан қулай ва комфорт психологик муҳит;

- малака ошираётган ўқитувчининг жисмоний-руҳий, ақлий интеллектуал потенциали;

- илмий асосланган, таълимдаги энг илғор ғояларни ўзида акс эттирган, сиёсий-ижтимоий йўналтирилган, ўқитувчининг умумпедагогик (дидактик, методик, тарбиявий, ҳуқуқий-ахлоқий) арсеналини бойитадиган универсал таълим дастурлари.

Улоса қилиб айтганда, бугунги кун таълими, миллат тарбиясига масъул инсонларнинг маънавий ва профессионал қиёфаси тез суръатларда ўзгариб бораётган дунёнинг концептуал талабларига мос бўлмоғи лозим.

Ўқув-тарбия жараёни анъанавий қадриятлар ва замонавий технологиялар тамойилларига таянган ҳолда профессионал ташкил этилиш, ўқувчи шахсига, унинг қизиқишлари, интилишлари, эҳтиёжлари, мотивлари, индивидуал хусусиятларига мувофиқ ҳолда олиб борилиши керак.

Ушбу жараён даврнинг глобал хусусиятларига мос бўлиб, яшаш тарзини яхшилашга, жаҳон ҳамжамияти ҳаётида фаол иштирок этишга, барқарор келажакни таъминлашга хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Д.Дьюи. Демократия и образование. М., 2003.
2. М.Кларин. Технология в учебном процессе. М., 1989.
3. Ўзбекистонда мингйиллик ривожланиш мақсадлари. Т., 2004.
4. Острогорский В.П. Письма об эстетическом воспитании. М., 1990.
5. Материалы Всемирного форума по образованию. ЮНЕСКО, 2000.

## КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИГА ЎҚИТУВЧИЛАРНИ  
ИННОВАЦИОН ТАЙЁРЛАШДА КОМПЕТЕНТ ЁНДАШУВНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Шерзод УРАКОВ

Самарқанд Давлат Университети катта ўқитувчиси

*Аннотация. Ушбу мақолада касб-ҳунар коллежлари учун ўқитувчиларни инновацион тайёрлашда компетент ёндашувининг ижтимоий-педагогик асослари ёритилган. Бакалаврларга тегишли бўлган касбий-малакавий талаблар алоҳида мутахассисликлар бўйича тавсия берилган. Олий ўқув юрти битрувчисининг сифатлари гуруҳларга бўлиб таснифланган.*

*Калит сўзлар: инновацион, компетент, ижтимоий-педагогик, касбий-функционал тайёргарлик, битрувчининг сифатлар, Урта махсус таълимнинг ўрта бўғини, истиқболни белгиловчи моделлар, таълим давомийлиги.*

*Аннотация. Это статья профессионально педагогический колледж инновационного компетенции отражение в принципах социальной и педагогических подходов. Бакалавр рекомендуют соответствующие профессиональные квалификационные требования по конкретным специальностям. Доска группу в качестве высшего учебного заведения бакалавров.*

*Ключевые слова: инновации, компетентность, социальные, образовательные, профессиональные и функциональный тренинг, качество выпускников, средний уровень среднего специального образования, модели прогнозирования, продолжительность образования*

*Annotation. This article vocational training college teachers for innovative competence reflected in the principles of social and pedagogical approaches. Bachelors recommend the appropriate professional qualification requirements on particular specialties. Classified the group as a higher education institution bitruvchisining.*

*Key words: innovation, competence, social, educational, professional and functional training, the quality of graduates, the middle tier of secondary special education, forecasting models, the duration of education.*

Мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ўтмишдан мерос бўлиб қолган нуқсонлар, жумладан, давлат, иқтисод, бозор, фан, сиёсат, оила институти, миллий манфаатлар, ахборот технологиялари каби ташқи факторларнинг ўзгаришларга мос келмай қолиши билан изоҳланади. Тақдорланмас энг муҳим янгилик, шундан иборатки, жаҳонда биринчи бўлиб кўп босқичли, бир-бирини узвий равишда тўлдирувчи таълимий-касбий тайёргарлик йўналиши-ни ёшлар томонидан ихтиёрий танлаш имкониятини кенг миқёсда таъминлаш тизими яратилди.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежи битрувчилари – ўз иқтидорига мос равишда, онгли интилишларига таянган ҳолда касб-ҳунар ёки илм соҳасини эгаллаш имкониятига эга бўлди. Бу соҳада меҳнат, ташкилотчилик, ижтимоий жабҳада фаолият кўрсатишлари учун шарт-шароит яратилди. Умумий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвий боғлиқ бўлган умумтаълим ва касб-ҳунар таълими дастурларини ўзлаштириш битрувчиларнинг реал ҳаёт, меҳнат бозори ва таълим хизматларида фаол иштирок этишини таъминлаб бермоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек: «Ҳозирги пайтда диққат эътиборни янги типдаги ўқув муассасалари – касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга доир ҳужжатлар ва қоидаларни ишлаб чиқишга қаратмоқ лозим». [1].

Ўрта махсус таълимнинг ўрта бўғини хусусида таъкидлаш жоизки, бу мустақил равишда Ислом Каримов томонидан тақлиф этилган таълимнинг мутлақ янги туридир. Айнан таълим ти-

зимининг ана шу бўғини жуда чуқур ўзгаришлар бўлишини, аниқроқ қилиб айтганда, принципиал жиҳатдан янги ўқув муассасаларини барпо этиш, ўтмиш касб-ҳунар билим юртларидан тубдан фарқ қилувчи муассасалар фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этади.

Касб-ҳунар коллежлари учун ўқитувчиларни психологик-педагогик жиҳатдан тайёрлаш бўйича ўтмиш тажрибасига таянган ҳолда уларнинг психологик, касбий-функционал тайёргарлигига инновацион ёндошиш лозим.

Ҳозирги замон касб-ҳунар коллежлари ўқув-тарбия жараёни умумий йўналишда кўп жиҳатдан умумтаълим мактаблари таълим жараёнидан фарқ қилади. Бу уларнинг асосий вазифаларидан, жумладан, малакали ишчилар, кичик техник ходимлар, халқ хўжалиги ходимлари, қишлоқ хўжалиги учун механизаторлар, фермер, тадбиркорлар ва ҳунармандларни етиштириб беришдан келиб чиқади. Бундай таълим муассасаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиб, бу ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежларининг ўзига хос мақсад ва вазифалари билан боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумтаълим мактабларидаги касбий тайёргарлик мутлақо бир хил мезонлар билан баҳоланиши мумкин эмас. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежларига тегишли янги буюртмасини ўзида акс эттирувчи яқин ва келажакдаги истиқболга мўлжалланган давлат таълим стандарти замон талаблари асосида

янгилашмоқда. Бу, таълимни ривожлантиришнинг куйидаги муҳим тамойилларига асосланади:

- педагогик олий таълим муассасалари давлат ва жамиятнинг кундалик ва истиқболдаги эҳтиёжлари, устувор давлат стратегияси омили сифатида қаралиши;

- педагогик олий ўқув юртларининг минтақа, миллий ва жаҳон таълими муҳити доирасида фаолият кўрсатиши;

- педагогик таълимда илғор республика ва чет эл ғоя ҳамда анъаналарининг синтезланганлиги.

Олий таълим муассасаларида педагогик кадрлар тайёрлашга доир асосий ҳужжатлардан бири «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини ислоҳ қилишга доир меъёрий ҳужжатлар» ҳисобланади ва бакалаврият таълим босқичи бўйича тегишли йўналишлар бўйича олий маълумотга доир малакавий талаблар ишлаб чиқилган.

Бу ҳужжатларда бакалавр ўзлаштириши бажариши лозим бўлган куйидаги компетенциялар ўз аксини топган:

- математика, кимё ва ижтимоий фанлар бўйича фундаментал тайёргарликка эга бўлиш;

- ижтимоий аҳамиятга молик муаммолар ва ҳодисаларни илмий таҳлил эта билиш, турли касбий ва ижтимоий фаолият жараёнида гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий билимларни қўллаш билиш қобилиятига эга бўлиш;

- техник, молиявий ва инсон омилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатларига доир асосий билимларга эга бўлиш;

- инсон ва инсон-жамият-атроф-муҳит муносабатларини тартибга солиш турувчи ахлоқий ва қонуний нормаларни билиш, экологик ва ижтимоий лойиҳаларни ишлаб чиқишда буларни ҳисобга олиш;

- касбий вазифаларни ҳал этиш учун зарур даражада табиатни англашнинг замонавий илмий методлари имкониятлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиш;

- жонсиз табиатда рўй берувчи жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш;

- турли-туман ҳодисаларни тавсифловчи ва истиқболлини белгиловчи моделларни яратиш ва улардан фойдалана билиш, уларни сифат ва миқдорий жиҳатдан таҳлил эта билиш;

- ўз бўлажак касбининг ижтимоий моҳияти ва аҳамиятини англаш, касбий вазифалари билан боғлиқ бўлган мақсад ва вазифаларни шакллантира билиш;

- жамоада касбдошлар билан корпоратив ҳамкорлик қилишга тайёр бўлиш;

- ўз меҳнاتини илмий асосда ташкил этиш, ахборотларни компьютер ёрдамида йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш методларида ўз касбий фаолияти жараёнида фойдалана олиш кўникма ва малакасига эга бўлиш;

- бошқарув методларидан хабардор бўлиш, ходимлар ишини ташкил эта олиш, турли хил фикрлар туғилган шароитда уларни бошқара олиш, педагогик фаолият асосларини билиш;

- фикрлаш маданиятига эга бўлиш, унинг асосий қоидаларини билиш, унинг натижасини ёзма ва оғзаки шаклда мантиқли ва саводли

ифодалай билиш;

- соғлом турмуш тарзи ҳақида илмий тасаввурга эга бўлиш, жисмоний ўз-ўзини такомиллаштиришнинг кўникма ва малакаларини эгаллаш;

- ўз касбий фаолияти доирасида маъруза ва ташвиқот ишларини олиб бора олиш;

- ривожланаётган фан ва ўзгариб бораётган ижтимоий амалиёт шароитида тўпланган тажриба ва ўз имкониятларини қайта баҳолай билиш, янги билимларни эгаллаш, бунда эса замонавий таълим технологиялардан фойдалана олиш қобилиятига эга бўлиш;

- ўз касбий фаолияти тури ва характерининг ўзгаришига психологик жиҳатдан тайёр туриш.

Бундан ташқари бу соҳада олиб борилаётган тадқиқотларда таълим муассасалари ўқитувчилари педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш ва уни бошқаришда инновацион ёндашувларга асосланиши, касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатларга эга бўлиши, ихтиёрий вазиятларда ўзини ўзи назорат қила олиши, шунингдек, таълим муассасасида ҳукм сурувчи тарбиявий муносабатларни эътиборга олган ҳолда фаолият олиб бориши, турли хил масалаларни ва муаммоларни ҳал этишда мавжуд ҳуқуқий-меъёрий мезонларга асосланиши ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ифодаши таъкидланган. [5]

Албатта, бозор муносабатлари ривож билан боғлиқ бўлган янги ижтимоий-иқтисодий вазият ўқитувчи тайёрлаш жараёнини анчагина мураккаблаштиради ва уни тайёрлаш жараёни ва фаолияти олдига куйидаги талабларни кўндаланг қилиб қўяди:

- юксак даражадаги ижтимоий-сиёсий тайёргарликка эгаллик, миллий, маданий ва педагогик дунёқараш;

- таълим бериш жараёнида назарий билим ва амалий малакаларни эркин эгаллаш, юксак касбий салоҳиятга эгаллик, ижодий фаолиятда мустақиллик;

- тарбияланувчилар қобилият ва иқтидорларини очишга ёрдам берувчи замонавий педагогик технологияларни аниқлаш, доимий равишда илғор педагогик тажриба ва ижодий ишланмаларни ўзлаштириш;

Юқоридаги талаблар педагогик таълимнинг ҳозирги кундаги таълимий, касбий, ахборот ва маданий-гуманитар соҳалари имкониятлари доирасини ўзида мужассамлаштиради. [7]

Бакалаврларга тегишли бўлган касбий-малакавий талаблар алоҳида мутахассисликлар бўйича куйидагилардан иборат:

1. Таълим давомийлиги (4 йил).

2. Касбий фаолият соҳа ва объекти тавсифномаси:

- а) фан ва таълим соҳаси йўналишидаги ўрни;

- б) фаолият объекти;

- в) фаолият тури;

- г) касбий мослашув (адаптация) имкониятлари.

Юқорида қайд этилганлар шундан далолат берадики, мазкур касбий тавсиянома бўлажак мутахассис фаолияти мазмунини ўзида акс эттиради. Бироқ, олий мактаб педагогик таълим

назарияси ва амалиётини уни янада такомиллаштириш йўллари излаш мақсадида таҳлил қилиш натижаси шундан далолат берадики, ўрганиш объекти тараққиётини илмий башорат қилиш педагогик жараённинг бир-бири билан узвий боғланган икки томонини – ўқитувчининг педагогик ҳаракатлари ва унда мазкур касбга тегишли бўлган зарурий шахсий сифатларнинг мавжудлигини аниқлаш орқалигина мумкин бўлади.

Олий ўқув юрти битирувчисининг сифатлари  
1-гурӯх Коллежда ишлашга психологик тайёргарлик: ўқитувчининг жамият ҳаёти, ёш авлод тарбиясида ўзининг алоҳида ролини тушуниши. Ҳозирги замон ўқитувчиси олдида қўйиладиган талабларни билиш, педагогик фаолиятга қобилиятнинг мавжудлиги, ўқитувчилик касбига қизиқиш, нерв системасининг эгилувчанлиги, чуқурлиги ва кучлилиги, ундаги психик жараён (ҳис қилиш ва идрок, диққат, тасаввур, фикрлаш, хотира, нутқ, ирода)ларнинг оптимал ҳолатдалиги. Болаларни севиш, улар билан мулоқотга киришишга бўлган эҳтиёжини аниқлаш.

2-гурӯх Шахс сифатлари: маълумотлик, маънавий дунёсининг мазмуни, маданияти, эрудицияси(иқтидори), ахлоқий қиёфаси, ўз ўқувчиларига ўқиш, иш ва яшашда намуна бўла олиш.

3-гурӯх Касбий сифатлар:

- болаларга бўлган муҳаббат, уларнинг ўзига хос ва ёш хусусиятларини билиш, ҳар бир ўқувчи шахсини лойиҳалаштира олиш;

- дидактик билимларнинг мавжудлиги;

- ўз ўқув предметини ва унга доир сўнги янгилликларни билиш, ўқув режа, дастур, ўқув қўлланмалар, дарслик ва қўшимча адабиётларни билиш;

- таълим вазифалари, функциялари ва ташкил этиш тамойилларини билиш;

- ўқув дастурига тузатишлар киритишни билиш, эскирган маълумотларни олиб ташлаш, ўрнига янги, замон талабларини қондира оладиган, жонажон ўлка тарихи, маданияти, халқ анъаналари хусусиятларига мос келадиган материалларни қўя олиш;

- ўқув ишларини режалаштиришни билиш (календар ва дарс режалари);

- ўқувчиларнинг таълими, тарбияси ва ривожланишини таъминловчи, таълимнинг энг таъсирчан, ноанъанавий шакл ва методларини танлай олиш ва ижодий қўллаш олиш кўникмаси;

- халқаро алоқалар имкониятларидан фойдалана билиш кўникмаси;

- таълим жараёнида, синф ва синфдан ташқари ишлар жараёнида тарбиявий ишларни ташкил эта билишга доир билим ва кўникмаларнинг мавжудлиги;

- ўқув-тарбиявий ишларни самарали олиб боришда эришган ютуқларида тўхтаб қолмаслик, фаол ижодий изланишда давом этиш.

Қайд этилганларга асосланган ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, педагогик таълим маънавий ишлаб чиқариш соҳаси ва маданиятнинг муайян функцияси сифатида ўқитувчи шахси ва касбий фаолиятини шакллантиришнинг яхлит илмий назариясини яратган тақдирдагина янги сифат ҳолатига эга бўлиши мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. *Первым выпускникам магистратуры академических лицеев и профессиональных колледжей*// Собр. соч. Т.9. С.336-338.

2. Ҳожимуҳамедова Д.Р. *Ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги*. //«Халқ таълими» журнали, 2011 йил 5-сон. 69-71 бетлар.

3. Курбонов Ш. Э., Сейтхалилов Э.А. *Подготовка кадров новой формации- приоритет развития страны. Современные технологии образования в высшей школе.*- Бишкек, 1998, 119-124с.

## ТАЪЛИМНИНГ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

### МНОГОУРОВНЕВЫЙ ПОДХОД К ИЗУЧЕНИЮ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА НА ОСНОВЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕТОДА ПРОЕКТОВ

**Маргарита ЦОЙ,**

кандидат педагогических наук, старший научный сотрудник Узбекского НИИ педагогических наук имени Т. Н. Кары Ниязи,

**Нигора ЭРГАШЕВА,**

завкафедрой иностранных языков Ферганского государственного университета,

**Рахимжон СОЛИЕВ,**

преподаватель немецкого языка Ферганского государственного университета

*Аннотация. Янги педагогик технологиялар ўқитувчини ўқитишнинг самарали усулларини излашга йўналтиради. Ушбу мақолада проект методи ва унинг интернет-ресурсларидан фойдаланишда ўқувчиларнинг ахборий, коммуникатив ва тадқиқий компетенцияларини шакллантиришда ундан фойдаланиш имкониятлари ҳақида сўз юритилган.*

*Калит сўзлар: ахборий, коммуникатив ва тадқиқий компетенциялар, проект методи, янги ахборот технологиялари, чет тилига ўқитиш.*

*Аннотация. Современные педагогические технологии ориентируют преподавателя на поиск эффективных методов обучения. В данной статье раскрыты сущность метода проектов и возможности его использования при обучении иностранным языкам, в частности в процессе работы с интернет-ресурсами с целью формирования информационной, коммуникативной, исследовательской компетенций учащихся.*

*Ключевые слова: информационная, коммуникативная и исследовательская компетенции; метод проектов; новые информационные технологии; обучение иностранному языку.*

*Annotation. Modern educational technology teacher oriented to finding effective methods of teaching. This article reveals the essence of the method of the projects and the possibility of its use in the teaching of foreign languages, in particular when working with Internet resources in order to create an information, communication, research competencies of students.*

*Key words: information, communication and research expertise; project method; the new information technologies; learning a foreign language.*

Модернизация содержания образования в Узбекистане связана с инновационными процессами в организации обучения иностранным языкам (ИЯ). Приоритетным направлением развития современной школы стала гуманистическая направленность обучения с опорой на современные технологии обучения.

Современные педагогические технологии – обучение в сотрудничестве, метод проектов (МП), использование новых информационных технологий, интернет-ресурсов и мультимедийных учебных продуктов, технология развития критического мышления и другие – помогают реализовать личностно-ориентированный подход в обучении, обеспечивают индивидуализацию и дифференциацию обучения с учетом способностей учащихся. Вопрос о применении информационных технологий в школе – это не только новые технические средства, но и новые формы и методы преподавания, новый подход к процессу обучения. [1-12]

Основной целью обучения ИЯ является формирование и развитие коммуникативной культуры школьников. Задача учителя состоит в том, чтобы создать условия для практического овладения языком школьниками, выбрать такие методы обучения, которые позволили бы активизировать познавательную деятельность учащихся. Основа МП – направленность учебно-познавательной деятельности учащихся на значимый результат. Достижение конечных результатов становится важным показателем продуктивности учебной деятельности. При этом обязательна реализация принципа связи обучения с жизнью, с практикой. Способ самовыражения школьников – демонстрация результата своей деятельности, реальные продукты труда.

В разработке и реализации конкретных проектов решаются прикладные учебные и воспитательные задачи, приобретаются практические знания и опыт. Целесообразно направлять деятельность учащихся, учитывая их интересы, потребности, способности и индивидуальные особенности. Для решения поставленных задач необходимо применять компетенции из разных областей знаний, чтобы получить результат, значимый для учащегося. В процессе решения проблемы растут самооценка ученика и уверенность в себе. Увеличивается активность учащихся: они начинают больше читать, особенно справочную и специальную литературу, чаще общаются друг с другом, ведут обсуждения и полемику. Процесс защиты проектов, публичные выступления

развивают мышление, культуру речи и общения, умение аргументированно защищать свои идеи. Таким образом, происходит развитие личности.

В практике преподавания ИЯ МП нашёл большое применение. Это обусловлено рядом причин, в том числе, таких как наличие поставленных проблем на каждом уроке, большое количество составления собственных монологических и диалогических высказываний, изучение страноведческого материала, анализ и сопоставление культур разных народов и стран.

Проекты могут подразделяться на монопроекты, коллективные, устно-речевые, видовые, письменные и интернет-проекты. В реальной практике приходится иметь дело со смешанными проектами, в которых имеются исследовательские, творческие, практико-ориентированные и информационные признаки. Работа над проектом – это многоуровневый подход к изучению ИЯ, охватывающий изучение лингвистических основ и развитие видов речевой деятельности (чтение, аудирование, говорение). МП способствует развитию активного самостоятельного мышления учащихся, самоорганизации, инициативы. МП формирует у учащихся коммуникативные навыки, культуру общения, умения кратко и доступно формулировать мысли, терпимо относиться к мнению партнёров по общению, развивать умение добывать информацию из различных источников, обрабатывать её с помощью современных компьютерных технологий, создаёт языковую среду, способствующую возникновению естественной потребности в общении на ИЯ.

Проектная форма работы является одной из актуальных технологий, позволяющих школьникам применить накопленные знания по предмету. Учащиеся расширяют свой кругозор, границы владения ИЯ, получая опыт от практического его использования, учатся слушать иноязычную речь и слышать друг друга при защите проектов. Школьники работают со справочной литературой, словарями, компьютером, тем самым создаётся возможность прямого контакта с аутентичным языком, чего не даёт на уроке изучение языка с помощью только лишь учебника.

Работа над проектом – процесс творческий. Учащийся под руководством учителя занимается поиском решения определённой проблемы, для этого требуется не только знание ИЯ, но и владение большим объёмом метапредметных знаний – владение творческими, коммуникативными и интеллектуальными умениями. В курсе ИЯ МП может использоваться в рамках программного

материала практически по любой теме. Работа над проектами развивает воображение, фантазию, творческое мышление, самостоятельность и другие личностные качества.

Возможности использования интернет-ресурсов при реализации проектов по ИЯ огромны. Глобальная сеть создаёт условия для получения любой необходимой ученикам и учителям информации: страноведческий материал, новости, статьи из газет и журналов и т.д. На уроках ИЯ с помощью интернета можно решать ряд дидактических задач:

- формировать умения чтения, используя материалы глобальной сети;
- совершенствовать умения письменной речи;
- пополнять словарный запас;
- формировать мотивацию к изучению ИЯ и др.

Кроме того, работа направлена на изучение возможностей интернет-технологий для расширения кругозора школьников, налаживание и поддержку деловых связей и контактов со своими сверстниками в странах носителей языка.

Как отмечалось выше, основная цель изучения ИЯ в школе – формирование коммуникативной компетенции. Остальные цели – воспитательная, образовательная, развивающая – реализуются в процессе осуществления ведущей цели. Коммуникативный подход подразумевает обучение общению и формированию способности к межкультурному взаимодействию, что является основой функционирования интернета. Вне общения интернет не имеет смысла – это международное многонациональное, кросс-культурное общество, чья жизнедеятельность основана на электронном общении миллионов людей во всем мире, говорящих одновременно – самый гигантский по размерам и количеству участников разговор. Включаясь в него на уроке ИЯ, преподаватель создаёт модель реального общения. Приоритет отдается коммуникативности, интерактивности, аутентичности общения, изучению ИЯ в культурном контексте, автономности и гуманизации обучения. Эти принципы делают возможным развитие межкультурной компетенции как компонента коммуникативной способности. Коммуникативный подход – стратегия, моделирующая общение, направленная на создание психологической и языковой готовности к общению, на сознательное осмысление материала и способов действий с ним. Для пользователя реализация коммуникативного подхода в интернете не представляет особой сложности. Учащиеся самостоятельно выбирают языковые единицы для оформления своих мыслей. Использование интернета в коммуникативном подходе как нельзя лучше мотивировано: его цель состоит в том, чтобы заинтересовать учащихся в изучении ИЯ посредством накопления и расширения их знаний и опыта.

Отдельно остановимся на способах оценки. Поскольку проект предполагает поэтапную деятельность, соответственно, предполагается контроль каждого этапа. МП позволяет оценивать не только конечный результат, но и процесс достижения результата, его эффективность. Субъектом внешней оценки выступает не только учитель, это могут быть одноклассники, родители,

представители организаций, то есть группа экспертов, каждый раз – разная в зависимости от тематики проекта. Потребность в высокой оценке и ориентация на успех изначально заложены в человеке. Они тесно связаны с достижениями и представлениями о желаемом результате, о собственных возможностях и своем потенциале. Реализация естественной потребности в успехе – осуществление достижений. Следовательно, особо важными в МП являются учет и анализ достижений обучающихся, а не подсчет ошибок. Ценность МП для учебного предмета «Иностранный язык» заключается в следующем:

- создание необходимых условий для использования ИЯ как средства общения при решении общей задачи, что способствует развитию коммуникативной компетенции;
- формирование социокультурной компетенции через содержание проектов – культуру страны изучаемого языка;
- развитие навыков исследовательской познавательной деятельности (анализ литературы, сбор и обработка информации, формулировка гипотезы, поиск путей решения проблемных задач);
- обеспечение автономности учащегося в обучении, формирование умения осознанной самостоятельной учебной деятельности, потребности в самообразовании и саморазвитии;
- обеспечение условий для формирования информационной компетенции учащихся (поиск, приём, преобразование, критическое осмысление и передача информации, владение новыми информационными технологиями).

Учитель создает проблемную ситуацию, направляет учащихся на ее решение, организует поиск решения. Таким образом, учащийся становится субъектом своего обучения и, как результат, он овладевает новыми знаниями, новыми способами действия. Таким образом, проектные технологии существенно обогащают и разнообразят преподавание ИЯ. На смену монотонной работе приходит интеллектуальный творческий поиск, в процессе которого формируется личность активная и целеустремленная, ориентированная на постоянное самообразование и развитие.

Работу над проектами целесообразно применять на всех ступенях обучения в школе. Первоначально это могут быть мини-проекты, затем они могут усложняться и расширяться. Формы предъявления проектов могут быть разными от открыток, стенгазет, альбомов, мультимедийных презентаций до объемных докладов, рефератов, разработок мероприятий и прикладных общезначимых проектов. Образовательная и воспитательная ценность проектов прослеживается в межпредметных связях, умении вести поисковую, обобщающую и исследовательскую работу, навыках совместной работы. Таким образом, МП наряду с другими педагогическими технологиями является эффективным средством современного учителя в процессе обучения учащихся ИЯ.

### **Использованная литература**

1. *Бошлангич таълим жараёнида хорижий тилларни ўқитишнинг инновацион технологи-*

ялари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 18 март 2015. I-Икитоб. – Т.: УзПФИТИ, 2015.

2. Васильева Ю.С. Основания для выбора методов обучения иностранным языкам в современных условиях. // Современные модели преподавания иностранных языков и культур в контексте менеджмента качества: сборник материалов III Всероссийской конференции (с международным участием). – М.: РГСУ, 2009. – С. 200-205.

3. Гувоҳнома № DGU 02199. Умумтаълим мактаблари учун “Инглиз тили 8-синф” ўқув қўлланма (Английский язык. 8 класс: Мультимедийное учебное пособие для средних школ). / Р.Х. Джураев, М.Н. Цой, У.Т. Пулатов, Д.Р. Есболова. Узбекистон Республикаси давлат патент идо-

раси. Талабхома № DGU 20110046, топширилди 25.04.2011; чоп қилинди 15.05.2011. // Расмий ахборотнома. – 2011– № 6 (122). – Б. 198-199.

4. Гуманитарный вестник Горловского института иностранных языков: сб. науч. тр. / Отв. ред. Н.И. Иванова и др. – Вып 1. – Горловка: изд-во ГИИЯ, 2015.– 326 с.

5. Интерактивный комплекс в образовательном процессе: Монография. / Р.Х. Джураев, М.Н. Цой, Б.Х. Данияров, Т.В.Гайер. – Т.: Шарк, 2011. – 268 с.

6. Науменко Л.П., Стрельникова Л.Г. Инновационные методы обучения английскому языку. // Ученые записки Таверического национального университета им. В.И. Вернадского. Серия «Филология. Социальные коммуникации». Том 26 (65). – № 1. – С. 574-579.

## ИНТЕРНЕТ ОЛАМИ

# ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАГИ КОМПЬЮТЕР ЎЙИНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ТАЪСИРИ

Сарвар МЎМИНОВ,

Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази бўлим бошлиғи

*Аннотация. Жаҳонда юз бераётган ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун улкан имкониятлар яра тади. Бу жараён ўқувчи ёшлар ижтимоий-маънавий оламида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мақолада интернет тармоғидаги компьютер ўйинлари ва уларнинг ёшлар манавиятига таъсири ҳақида фикр юритилади.*

*Калит сўзлар. Ахборот, ахборот-коммуникация технологиялари, интернет, электрон ахборот-таълим ресурслари, дастурий воситалар, компьютер ўйинлари.*

*Аннотация. Информационная глобализация мира предоставляет огромные возможности для человечества. Этот процесс имеет значение и в социально-духовной сфере жизни учащейся молодежи. В данной статье речь идет о компьютерных играх в сети интернет и их влиянии на духовность подрастающего поколения.*

*Ключевые слова. Информация, информационно-коммуникационные технологии, интернет, электронные информационно-образовательные ресурсы, программное обеспечение, компьютерные игры.*

*Abstract. Informational globalization of the world gives great opportunities for humanity. This process has wide importance for social-cultural sphere of teenage life as well. In the article it is considered internet games and their influence on morality of growing generation.*

*The Keywords. Information, globalization, ICT, internet, informational-educational resources, software, computer games.*

Республикамизда барча соҳа сингари таълим тизимида ахборот технологияларидан самарали фойдаланишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли ахборот технологияларини ривожлантиришга доир бир неча давлатимиз қонунлари, фармонлари ва Президент қарорлари қабул қилинган.

Бугунги кунда ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан янада самарали фойдаланиш мақсадида республикамиздаги таълим муассасалари ягона Интернет тармоғига, яъни “ZiyoNet” ахборот-таълим тармоғига уланган. Мазкур имкониятлардан ўқитувчиларимизнинг янада сарали фойдаланиш, таълим-тарбия жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ишларини янада ривожлантириш, юртимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технология-

ларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 23 мартдаги 61-сонли, 2012 йил 20 апрелдаги 125-сонли буйруқларига асосида 72 соатлик махсус малака ошириш курслари ташкил этилган эди. Малака ошириш курслари 2014 йилдан яна қайта бошланди ва вазирликнинг 2014 йил 20 февралда “Халқ таълими тизимидаги таълим муассасалари кадрларининг ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет ва мультимедиа ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича малакасини ошириш ўқувларини ташкил этиш тўғрисида”ги 38-сонли буйруғига асосан барча таълим муассасаларида икки босқичли курслар ташкил этилди. Мазкур ўқувлар ходимларнинг АКТ бўйича малакаларини ривожлантириш, Интернет тармоғи ва мультимедиа ресурслари, мавжуд дастурлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга

бағишланган.

Ўқув-тарбия жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш билан биргаликда масофавий таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Масофавий таълим – олий таълимнинг касбий таълим дастурини, асосий фаолиятдан ажралмаган ҳолда, таълим муассасасидан узоқда ўзлаштириш. У замонавий ахборот технологиялар ва телетармоқлар техникаси воситаларидан фойдаланишга асосланади.

Масофавий таълим – масофадан ўқитиш ёрдамида амалга ошириладиган таълим.

Масофавий ўқитиш – ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги тўғридан-тўғри, шахсий алоқасиз “масофавий ўқитиш” имконини яратиб берувчи замонавий ахборот ва телекоммуникацион технологияларидан фойдаланишга асосланган ўқитиш жараёнини амалга оширишнинг янги усубидир[1].

Интернет масофадан туриб бошқа давлатларда билим олиш ҳамда диплом ва сертификатлар олиш, веб-сайтларни ўқиш ва электрон ахборот таълим ресурсларидан ҳамда қўлланмалардан фойдаланиб билимларини кучайтириш, электрон почта жорий этиш ва файл узатиш ва қабул қилиш, мулоқотда бўлиш, тармоқда ҳужжатларни сақлаш ва улар билан ишлаш, конференциялар орқали мулоқотлар ўрнатиш, веб-сайтларни ташкил этиш ва бошқа мақсадлар учун фойдаланилмоқда.

Масофавий таълимда ўқувчи ва ўқитувчи фазовий бир-бирдан ажралган ҳолда ўзаро махсус яратилган ўқув курслари, назорат шакллари, электрон алоқа ва Интернетнинг бошқа технологиялари ёрдамида доимий мулоқотда бўладилар. Интернет технологиясини қўллашга асосланган масофали ўқитиш жаҳон ахборот таълим тармоғига кириш имконини беради, интеграция ва ўзаро алоқа тамойилига эга бўлган муҳим бир туркум янги функцияларни бажаради.

Масофавий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида модуллилиқ, ўқитувчи ролини ўзлаштириш, ўқув жараёни субъектларини масофа билан ажратилганлиги, таълимнинг виртуал кооперативлиги, ўқитувчи томонидан юритиладиган назорат устидан ўзини назоратини ўрнатиш, замонавий махсус таълим технологиялари ва воситаларини ишлатилишини келтиришимиз мумкин.

Масофадан билим олишда биз албатта замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, жумладан, интернет тармоғидан кенг фойдаланамиз. Интернетдаги ахборотнинг салбий томонлари ҳам мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда айрим ғарб давлатларидан кириб келаётган бизнинг миллий кадрларимизга ёт бўлган қарашлар ҳамда ёшлар онгини захарловчи маълумотлар ҳам мавжуд. Айниқса, бундай маълумотлар Интернет тармоғи орқали кенг тарқалмоқда.

Шиддат билан тараққий топиб бораётган замонамизнинг энг катта ютуқларидан бири бўлмиш интернет тармоқларига ва унинг захирасини қамраб олган турли хилдаги ахборот ресурсларига ҳар биримизнинг қизиқишимиз ва

эҳтиёжимиз юқори. Шундай экан, интернетдан фойдаланишда ҳам нафақат катталарнинг эътиборли бўлишларига, балки ёшларимизнинг қизиқишлари ва хулқини назорат остида шаклланишига аҳамият қаратиш лозим. Ёшларимизда болалигидан ахборотлардан фойдаланиш маданиятини шакллантириб бориш орқали кўплаб ижодий ютуқларга эришишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам медиатаълимнинг жорий этилганли ушбу соҳада ёшларимизни турли ташқи таъсирлардан асраш, уларни билим олишлари учун етарли маълумотлар базасини ўзимизда ҳам ривожлантиришимиз муҳим аҳамият касб этмоқда. Медиатаълимдан кўзланган асосий мақсад эса медиасаводхонликни шакиллантиришдир. Саводхонликнинг бу тури инсонга ахборот майдонида телевидение, радио, видео, кинематография, матбуот, интернет, медиамаданиятнинг тилини тушунишга, ахборотларни таҳлил қилиш йўли билан қабул қилиш, улардан изчил ва оқилона фойдаланишга ёрдам беради.

Президентимиз Ислам Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда” деб таъкидлаб ўтганлар.

Бугунги кунда медиатаълимнинг юртимиздаги фаолияти кундан кунга ошиб бормоқда. Тарихсиз келажак йўқ бўлганидек келажакда медиа тарихи ва унинг келгуси тақдирини белгилаш ва ижодий томонга ривожланиш усуллари ва режалари амалда қўлланмоқда. Юртимиз аҳолисининг кўп қисми, асосан ёшлар оммалашган медиа асарларидан фойдаланиб, ўзларига керакли маълумотлар, қизиқарли бўлган ҳар қандай кўргазмалар, овозли ёки тасвирий кўринишда яратилган медиа маҳсулотларидан фойдаланиб келмоқдалар. Шу боис, медиатаълимнинг шаклланиши баробарида, юртимизда келгусида ҳам ёшлар онгини ривожлантиришга, маънавий баркамолликка эришишларида уларни қизиқтирган усулларбилан билим ва кўникмалар бериш тартиби жорий этилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, барчамиз дунёда бўлаётган барча ҳодиса ва воқеалардан огоҳ бўлишимиз, мустақиллигимизни асраб-авайлашимиз, бизга яратилиб берилаётган кенг имкониятлардан самарали фойдаланиб яхши таълим олиш билан Ўзбекистонимизни янада гуллаб-яшнашига ва уни бутун дунёга танитишимизга ўз ҳиссамизни қўшишимиз даркор.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. С.М.Мўминов. *Физика, математика ва информатика илмий-услубий журнал. Таълим-тарбия жараёнига масофавий таълимни жорий этишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш.Т.:2/2013, 97 б.*

2. И.А.Каримов. *Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008, - Б.119.*

# MURABBIY MAHORATI

Мастерство наставника  
Skill of the mentor

ILMIY-METODIK JURNAL

Тахририят манзили: 100031, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани,  
Миробод кўчаси, 14-уй,  
Тел/факс: 71-215-50-94,  
e-mail: mmmn2015@inbox.uz

Босмахонага 30.10.2015 йилда топширилди. Офсет усулида чоп  
этилди. Қоғоз бичими 60x841/8 Шартли босма тобоғи 4,6. Босма  
тобоғи 4